

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

**БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, МАКТАБ, МАҲАЛЛА
ҲАМКОРЛИГИ
(Илмий мақолалар тўплами)**

Тошкент-2015

© Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази директори М.Н.Аъзамова умумий таҳрири остида

Ушбу илмий мақолалар тўпламига киритилган мақолалар республикамизда мактабгача таълимни ҳамда мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-услубий фаолият олиб бораётган олимлар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчи раҳбар ва педагог ходимларнинг илмий-тадқиқотлари натижалари ҳамда илғор иш тажрибалари, хулоса ва тавсияларини ўз ичига олган.

Масъул муҳаррирлар:

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи

М.Ш. Расулева
М.М.Нуриддинова

Такризчилар: Сафарова Р.С.-педагогика фанлари доктори, профессор
Эшбеков Т.Э.-филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати раиси: М.Н.Аъзамова – МТМХҚТ ВА УМОРЎММ директори

Таҳрир хайъати: М.Ш.Расулева

Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика Маркази илмий-услубий кенгаши нашрга тавсия этган (2015 йил, ---- ноябрдаги 4-сонли баённома).

Саҳифаловчи: М.М.Нуриддинова

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун мақола муаллифлари масъулдирлар.

КИРИШ

Таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар, ўқув-моддий негизни такомиллаштириш, капитал қурилиш, реконструкция ҳамда маънавий-маърифий йўналишлардаги олиб борилаётган ишлар мамлакатимизда баркамол авлод таълими ва тарбиясида энг долзарб, устувор масалалардан бири эканлигини ҳисобга олганда педагог кадрлар малакасини оширишнинг замонавий талаблар даражасида бўлиши қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол кўринади.

Республикаimizдаги мактабгача таълим муассасаларининг моддий негизини мустаҳкамлаш ва бойитиш, ўқув-услугий ишларни такомиллаштириш, модернизация қилиш бўйича кенг кўламли амалга оширилган ишлар натижасида муассасаларга барча зарур шароитлар яратиб берилди. Ушбу ишлардан кўзда тутилган асосий мақсадга эришишнинг энг зарур шартларидан бири эса педагог кадрларнинг юқори касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш билан боғлиқдир.

Бу вазифани амалга оширишда педагог кадрлар малакасини ошириш тизими фаолиятининг сифати ва самарадорлиги замонавий даражада бўлиши алоҳида ўрин тутаяди.

Ҳозирда ушбу тизимни, хусусан, унинг мазмунини такомиллаштириш йўналишида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида мактабгача таълим мазмунини замонавий талабларга мослаштириб бориш соҳасидаги мавжуд илғор тажрибаларни ва иш усуллариини ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда ушбу соҳа раҳбар ва педагог кадрларига етказиш мақсад килиб олинган.

Мактабгача таълим муассасаларида бола ривожланишининг асосий йўналишлари бўйича машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириб бориш бўйича илғор тажрибалар, ўзига хос ёндашувлар ижодкор педагоглар томонидан амалда қўлланмоқда, шунингдек, илмий тадқиқотлар натижалари асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Улар асосида мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши бўйича таянч режа ва дастурларни такомиллаштириб бориш назарда тутилади.

Режалаштирилган фаолиятимизнинг самараси сифатида авваламбор, тизим педагогларининг салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу борадаги ишларнинг амалдаги исботини мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари асосида курсларнинг ўқув-мавзу режа ва дастурлари ишлаб чиқилганлиги ва унинг такомиллаштирилганлиги, курс машғулотлари мазмунига тегишли ўзгартиришлар киритилаётганлигида кўришимиз мумкин.

Мазкур мавзу бўйича долзарб йўналишларни илмий–услугий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида уларни қуйидаги 4 та асосий бобларга ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1-боб. Мактабгача ёшдаги бола маънавиятини шакллантиришда оила ва мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги масалалари.

2-боб. Мактабгача таълим муассасасида услубий ишларни ташкил этиш усуллари такомиллаштириш.

3-боб. Мактабгача таълим муассасаси педагогларининг касбий маҳорати, малака ошириш сифат ва самарадорлигини такомиллаштириш масалалари.

4-боб. Махсус таълим масалалари.

Мазкур тўпламга киритилган илмий ва илмий-услубий мақолалар республикамизда мактабгача таълим ишини яхшилаш, педагог кадрларининг салоҳиятини ошириш билан боғлиқ илмий-услубий фаолият олиб бораётган олимлар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчи раҳбар ва педагог ходимларнинг илмий-изланишлари натижалари ҳамда илғор иш тажрибалари, хулоса ва тавсияларини ўз ичига олган бўлиб, булар республикамизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Мактабгача таълим муассасаларида “Тежамкорлик сабоқлари” дастури асосида таълим-тарбия бериш

*М.Н.Аъзамова
МТМХҚТ ва УМОРЎММ*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия сифимларини қисқартириш энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2343- рақамли қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорни ижросини таъминлаш мақсадида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим тизимида "Тежамкорлик сабоқлари" дастури асосида таълим-тарбия ишларини олиб бориш вазифаси қўйилган.

Ўқиш махсус дастурлар асосида олиб борилади. Мактабгача таълим муассасаларида тежамкорликни ўрганиш бўйича "Тежамкорлик сабоқлари" махсус курси ўргатилади.

Ҳар бир бола тежаш –бу нарсаларни исроф қилмаслик, уни кадрлаш, ҳар бир табиий бойликларни (сув, газ, электр токи), ўз меъёрида ишлата билиш, ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англашни гўдаклигидан ўрганиши лозим.

"Тежамкорлик сабоқлари" дастурининг мақсади болаларда умумий ахлоқ меъёрлари талабларига жавоб берадиган, уларнинг шахс сифатида камол топишига асос бўла оладиган иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, жамоат жойларида ўзини тутушни, ер ости бойликларини (сув, газ, электр токи) исроф қилмаслик, уни кадрлашни тарбиялаб боришдан иборат.

“Тежамкорлик сабоқлари” дастуридаги мавзулар мактабгача таълим муассасаларда интеграциялашган машғулот тарзида: атроф-муҳит, табиат билан таништириш, бадий адабиёт, одобнома, тасвирий фаолият машғулотларини мужассамлаштирган ҳолда олиб борилади. Оилада кун давомида сув, газ, электр энергияни тежаш ҳақида турли жараёнларда яққол мисоллар билан тушунтирилади. Тарбиячи ота-оналарга "Тежамкорлик сабоқлари" дастурини оилада қандай амалга оширилиши ҳақида керакли маслаҳат ва тавсияларни бериб боради.

Қуйида тежамкорлик сабоқларини бадий адабиёт машғулоти мавзусига сингдириб ўргатилиши намуна тарзида берилди.

Мавзу: 3.Ибрагимованинг «Чирок» ҳикоясини ўқиб бериш.

Мақсад: Болаларга ҳикоя мазмунини тушунишларига эришиш. Болаларга чирок орқали уйларимиз ёруғ, дилларимиз равшан эканини тушунтириш. Чирокни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунча бериш. Кундуз кунлари чирокни ўчириш, чирокни тежаш, чирок ёқиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар:

- Мавзуга мос мазмунли расмлар

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: Болалар, қандай уйни ёруғ уй деймиз? Чироқни қайси вақтда ёқамиз? Уйингизда ҳамма хоналарнинг чироқлари ёқув турадими? Ким беҳуда чироқ ёқилиб туришини олдини олади?

Ҳозир мен, сизларга **З.Ибрагимованинг «Чироқ-ёруғлик» номли ҳикоясини** ўқиб бераман. Болалар, агар ҳикояни яхшилаб эшитсангиз, ёниб турган ортиқча чироқни ўчириб қўйиш, электр токини тежаш, яъни исроф қилмаслик эканини билиб оласиз. (Тарбиячи ҳикояни ифодали ўқиб беради).

ЗАМИРА ИБРОҲИМОВА

ЧИРОҚ – ЁРУҒЛИК!

Умар билан Абдусамад баҳор келса олти ёшга тўлади. Улар қўшни яшайди, боғчага ҳам бирга боради. Ҳозир болалар гилам устига ёйилган қизил, сариқ, кўк леголардан уйча қуришаяпти.

- Мен уйимни қуриб бўлдим. Қара, чиройлими? – деди Умар.
- Вой, росали чиройли уй қурибсан, - деди астойдил севиниб Абдусамад.
- Агар-чи, уйдаги ҳамма чироқларни ёқиб қўйсам, уй яна ҳам чиройли, ёп-ёруғ бўлади.
- Мен уйдаги ҳамма чироқни баравар ёқмайман. Дадам, “Чироқни ўчириб юргин. Электр токини исроф қилма!” деганлар.
- Ҳм-м, даданг, ёп-ёруғ уйни ёмон кўрар эканлар-да, - деди Умар масхаралагандек.
- Ҳеч ҳамде. Ўзинг ёмон кўрасан. Мени дадам ёруғ уйни росали яхши кўрадилар, - деди жаҳлланиб Абдусамад.
- -Нега бўлмаса чироқни ўчириб юр!, - дейдилар.
- Чироқ бекорга ёниб турса, у исроф бўлади-ку, шуни ҳам билмайсанми?
- Кўп-п чироқ ёниб турса, ҳамма жой чарақлаб кетади, билдингми?- деди бўш келмай Умар.

Тортишувга зимдан қулоқ солиб турган боғча тарбиячиси – Башорат опа болаларнинг ёнига келди, қатор турган кичик курсичалардан бирига ўтирди.

- Умаржон, болажоним, чарақлаган, ёп-ёруғ уйни, ёруғликни биз ҳаммамиз яхши кўрамиз. Тўғрими, болажонлар.

Атрофда тўпланиб турган болалар “Тўғри!” деб тасдиқлашди.

- Лекин, асалтойларим, Абдусаматга дадаси жуда яхши, керакли нарсани ўргатибди. Электр токини тежаш керак. Шунда уйимиз ҳамиша ёруғ бўлади.
- Тежаш... нима у? – хайрон бўлиб сўради Умар.
- Ёниб турган ортиқча чироқни ўчириб қўйсанг, электр токини тежайсан, яъни исроф қилмаган бўласан, - деди Башорат опа жилмайиб.

- Жўмракдан оқиб ётган сувни ўчириб қўйсак, сувни тежаган бўламиз-а, Башорат опа, - деди Муниса.
- Баракалла, ширин қизим! Сув, электр токи, овқатларимизни пиширадиган, чойимизни қайнатадиган табиий газ бизга берилган улуғ неъматлардан биридир. Уларни исроф қилмай, тежаб ишлатиш энг яхши одатлардан бири ҳисобланади. Сизлар яхши, чиройли одатларга амал қилишни ёқтирасизми?
- Мен ёқтираман, - деди Умар.
- Мен ҳам яхши боламан, - деди кўзлари чакнаб Ҳасан.

Гуруҳдаги бошқа болалар ҳам қувноқлик билан уларнинг гапига қўшилди.

- Ундай бўлса, келинлар, биргаликда қайтарамиз. Башорат опа дона-дона қилиб, аста такрорлади:
- Чироқ – ёруғлик! Сув - ҳаёт! Биз ҳаётни, ёруғликни яхши кўрамиз. Уларни бекорга исроф қилмаймиз!
Болалар устозларининг сўзларини ўқтам овозда, баралла қайтаришди.

Бугун боғча болалари, айниқса Умаржон электр токини исроф қилмаслик ҳақида ана шундай чиройли сабоғ олди.

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Умар легодан нима қурди?
 2. Қурилган уйни кўриб Абдусамад Умарга нима қилишни таклиф этди?
 3. Умар Абдусамадга нима деб жавоб берди?
 4. Боғча тарбиячиси болаларга чироқни ўчириш ҳақида нима деб тушунтирди?
- Болалар Башорат опа билан биргаликда қандай жумлаларни қайтаришди? (Чироқ – ёруғлик! Сув - ҳаёт! Биз ҳаётни, ёруғликни яхши кўрамиз. Уларни бекорга исроф қилмаймиз!)
 - 5. Болалар, ҳикояни эшитиб, қандай сабоғ олдингиз?
 - Тарбиячи: Баракалла болалар, сув, электр токи, овқатларимизни пиширадиган, чойимизни қайнатадиган табиий газ бизга берилган улуғ неъматлардан бири. Уларни исроф қилмай, тежаб ишлатиш энг яхши одатлардан бири ҳисобланади. Сизлар, бундан буён ёниб турган ортиқча чироқни ўчириб қўйсангиз, электр токини тежаган бўласиз, электр токини тежасамиз уйимизда ҳамиша чироқ ёниб туради. Жўмракдан оқиб ётган сувни кўрсангиз, ўчириб қўйинг, сувни тежаган бўласиз. Сув ҳамма учун керакли неъмат. Сувсиз ўсимликлар ўсмайди, одамлар, ҳайвонлар сувсиз яшай олмайдилар. Сувни тежаб ишлатсак, сув ҳаммага етади, тугаб қолмайди. Доимо, ана шундай яхши одатларга амал қилинг.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги механизмлари

*М.Ш.Расулева, п.ф.н., доцент
МТМХҚТ ВА УМОРЎММ*

Маълумки, ҳақиқий таълим расмий бошқарувга эмас, балки меҳр, эътибор, ҳамкорликка таянган таълимдир.

Таълим-тарбия жараёнида мактаб ва маҳалла билан муассаса ўртасида узлуксиз муносабатлар бўлиши зарур. Булар оиладан муассасага, муассасадан мактаб ва маҳаллага яна шу тартибда давом этиб боради.

Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, мактабгача таълим муассасаси қанчалик аҳамиятли бўлмасин, мактабгача ёшдаги болалар учун тарбия масаласида оила биринчи ўринда туради. Бола уйда ўрганганини мактабгача таълим муассасасида давом эттиради, мактабгача таълим муассасасида оиладаги тарбия маълум даражада коррекция қилинади.

Мактабгача таълим муассасаси боланинг мактабдаги ҳаётдан, оила эса фарзанднинг мактабгача таълим муассасасидаги ютуқлари ва камчиликларидан хабардор бўлиб туриши, мактабгача таълим муассасасининг оиладаги муҳитни билиши эса боланинг тарбиясига самарали таъсир қилади.

Оила билан мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва маҳалла бола тарбиясида ўзаро ҳамкорлар эканликларини ҳеч қачон эсан чикармасликлари зарур. Ўзаро мажбуриятларни аниқ билиш, улар учун жавобгарликни доимо ҳис қилиш ва эслаб туриш лозим.

Болага мактабгача ёш давридаги бериладиган таълим-тарбия баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг пойдевори эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг энг таъсирли шарти сифатида оила билан мактабгача таълим муассасаси, мактаб ҳамда маҳалланинг таълим-тарбиявий вазифаларни ҳал қилишдаги ўзаро самарали ҳамкорлиги жиддий педагогик масала ҳисобланиши лозим.

Боланинг нутқини ривожлантириш шу ёш даврига хос бўлган вазифалардан биридир. Болаларни уй жиҳозлари ва буюмлари билан таништириш улар нутқининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу уларнинг нутқини бойитади, тартиблилик, гўзаллик ҳақидаги тасавурларини кенгайтиради. Шунингдек, турли рангли расмлар билан таништириш, эртақлар ўқиб бериш орқали уларнинг китобга бўлган қизиқишлари таркиб топтирилади. Айниқса, машғулотлар жараёнида болаларда мустақиллик шакллантирилади. 6-7 ёшлар (тайёрлов гуруҳлари)да машғулотлар орқали болаларда ташаббускорлик, мустақиллик, қизиқувчанлик, кузатувчанлик, жавобгарлик, фаоллик, таққослаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш каби кўникмалар таркиб топтирилади.

Педагоглар боланинг дастлабки табиячиси сифатида оиланинг етакчи ролини тан олишлари муҳим аҳамият касб этади. Қисқа муддатли гуруҳга

келгунга қадар оила болага маданиятни, муҳим ва энг зарур кўникмаларни сингдиришга улгуради. Болани мактабга тайёрлаш бола ва оила ўртасида шаклланган ана шу дастлабки муносабатларга таянган ҳолда ота-оналарга қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этишга имкон беради.

Оилаларни жалб этиш мактабга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларда болаларнинг билим олиш фаолиятини бойитишда, бола қизиқишлари ва уйдаги таълим-тарбия натижаларидан фойдаланишда муҳим ўрин эгаллайди. Болаларнинг муваффақиятли ривожланиши ва билим олишида икки таълим муҳити – уй ва қисқа муддатли гуруҳларнинг бир-бири билан баҳамжихатлиги ғоят муҳимдир.

Ижтимоий-психологик муҳофаза, бола ютуқларининг муваффақияти унга ким ва қандай таъсир этаётганига боғлиқ. Бунга педагоглар ва ота-оналар ҳамда маҳалла (кўни-кўшни) ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб, тарбиявий муаммоларни баҳамжихатлик билан ҳал этиш орқалигина эришиш мумкин.

Қисқа муддатли гуруҳга қатнаётган болаларнинг ота-оналари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун мактабгача таълим муассасаси ходимларига қуйидаги фаолият йўналишларини тавсия этиш мумкин:

Ота-оналарда болаларни мактаб таълимига тайёрлашда МТМ ва маҳалла ходимлари билан ҳамкорлик қилишга интилишни шакллантириш.

-Болаларнинг имкониятлари, талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларини баҳолашда, унинг мактабгача таълим муассасасига киришига кўмаклашиш.

-Ота-оналарнинг педагогик компетентлигини ошириш ота-оналарга уйда бола билан машғулот ўтказиш учун зарур бўлган методик усулларни ўргатиш;

ота-оналарга бола шахсини ривожлантириш учун хизмат қиладиган махсус тарбия усулларини ўргатиш.

Оилаларни қисқа муддатли гуруҳлар ишига жалб этиш болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам, мактабгача таълим муассасасига ҳам фойда келтиради. Мулоқот, ўзаро ҳурмат, турфахилликни, бола манфаатларининг муҳимлигини эътироф этиш самарали ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилади. Самарали ҳамкорлик шакллантирилиши учун педагоглар ва ота-оналар ўзларида янги кўникма ва билимларни ривожлантиришлари лозим.

Педагог учун оила шунчаки таъсир объекти сифатида хизмат қилмаслиги керак, қисқа муддатли гуруҳлар педагоглари бола учун оила унинг шахс сифатида шаклланишини белгилаб берадиган зарур муҳит эканини ўзлари ҳам тушунишлари, ота-оналарга ҳам тушунтириб беришлари зарур. Шунинг учун ота-оналарнинг педагогик жараён доирасига жалб этилиши, уларнинг фаол иштироки педагог шундай бўлишини хоҳлаши учун эмас, бу ўз боласининг ривожланиши учун муҳим бўлгани учун зарурдир.

Оила аъзоларининг қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши учун механизмлар яратилади:

• Ота-оналар учун қулай вақтда оилаларга ташрифни режалаштириш педагогга болалар ва ота-оналар билан улар учун одатий вазиятда танишиш имконини беради;

- Ота-оналарга болаларининг қандай ишлаётгани ва ўйнаётганини кўриш учун истаган пайтда гуруҳга ташриф буюришига имкон бериш;

- Ота-оналарни гуруҳда болалар билан биргаликда шуғулланиш учун таклиф этиш, маълумот алмашиш тарзида педагог томонидан тақдим этиладиган болалар портфолиолари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларни билдириш;

- Ота-оналар педагогларга қандайдир оилавий воқеалар – туғилган кунлар, янги иш, қариндош ёки кўшни шаҳарга ташриб буюриш ҳақида хабар берган ҳолларда ушбу воқеаларни гуруҳдаги болалар билан муҳокама қилиш;

- Болалар билан тўлақонли мулоқот тажрибаси билан ўртоқлашиш имкониятини яратадиган мавзулар бўйича кўргазмалар;

- Болага миллий ва минтақавий маданиятни ўргатишга мўлжалланган музейларга биргаликда ташриф буюриш;

- Ота-оналар билан биргаликда байрам тадбирлари, болалар ишлари кўргазмаларини ташкил этиш.

Педагоглар ва ота-оналарнинг биргаликдаги фаолияти ва ўзаро мулоқоти механизмларнинг мавжудлиги ҳар бир оиланинг хусусий манфаатлари ва хоҳиш-истакларига мос келадиган ҳамкорлик шаклларни ишлаб чиқишга замин яратади.

Тажриба оиланинг ва педагогик жамоанинг мўлжаллари ёки мақсадлари ҳар доим ҳам мос келавермаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бола қабул қилиниши билан мактабга тайёрлаш қисқа муддатли гуруҳлар дастурини ота-оналар билан муҳокама этиш ва бу борадаги мулоқотни йил давомида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўқув йилининг бошидаёқ ушбу масаланинг муҳокама этилиши келгусидаги мулоқотни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Қисқа муддатли гуруҳларда болалар диагностикасини ташкил этиш ва амалга ошириш – бу боланинг индивидуал хусусиятлари ва ривожланиш истиқболларини аниқлаш имкониятини берадиган механизм. Диагностика педагогга ўз фаолиятини тўғри амалга ошираётгани тушуниш имкониятини беради. У биринчидан, индивидуал таълим жараёнини оптималлаштириш, иккинчидан, таълим натижаларини тўғри белгилаш, учинчидан, танлаб олинган мезонлар асосида болалар билимини баҳолашда камчиликларни олдини олишга хизмат қилади.

Биринчи ва иккинчи ярим йилликдаги диагностика Ўзбекистон Республикаси 5-7 ёшдаги Мактабгача таълимга қўйилган Давлат талабларини эътиборга олган ҳолда тузилган. У ўқув йилининг ўртасида ва охирида амалга оширилади.

Педагоглар машғулоти олиб бараётган дастурнинг барча бўлимларини муваффақиятли бажарилишини баҳолайди. Мутахассислар (муסיқа ходимлари, жисмоний тарбия йўриқчиси, дефектолог ва бошқ) томонидан ўз иш йўналишлари бўйича диагностик тадқиқот олиб борилади.

Дастурий материалларни ўзлаштириш уч баллик тизим орқали аниқланади: Бола топшириқни мустақил бажара олади – 3 балл; (ю) Бола топшириқни катталарнинг бир оз ёрдами билан бажара олади - 2 балл; (ў) Бола

катталарнинг қўшимча савол берганига қарамасдан топшириқни бажаришга қийналади -1 балл; (п)

Диагностика натижалари хулоса чақаришда уларни болалар томонидан дастурий талабларни ўзлаштириш даражаси билан боғлаш мумкин (юқори, ўртача, паст).

Шартли белгилар: Ю – юқори даража, Ў – ўртача даража, П – паст даража, Д - даража. 1 – йилнинг ўртасида, 2 – йилнинг охирида.

Диагностик таҳлилни муваффақиятли ўтказиш учун аксарият ҳолларда болаларнинг яқуний машғулоти, жамоавий (кичик гуруҳлардаги) ишларидан иборат назорат текширув топшириқлари тақдим этилади. Диагностиканинг бундай шакли педагог вақтини тежайди. Дастурий материални муваффақият ўзлаштириш тарбияланувчиларни машғулот ва эркин фаолияти мобайнида кузатиш жараёнида ҳам амалга оширилади.

Олинган маълумотлар ҳар бир бўлим бўйича жадвалга киритилади. Уларда гуруҳдаги ҳар бир боланинг ютуқлари ифода этилган.

Шундай қилиб, педагоглар таълим-тарбия жараёнини, болалар билан индивидуал ишни йўлга қўйишда нималарга эътибор бериш лозимлигини кўриш имконига эга бўлади.

Ҳар бир бўлим бўйича маълумотлар жадвалга киритиб борилади. Бу ушбу гуруҳ бўйича Давлат талаблари бажарилишининг миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлилидир.

Шундай қилиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни баҳолаш тизими: ҳар бир бола ривожланишининг динамикасини кузатиб бориш; Ушбу таълим дастурини ўзлаштириш даражасини муваффақиятлилигини баҳолаш; ҳар бир бола билан ишлаш истиқболлари ва йўналишларини белгилаш уларни мактаб таълимига тайёрлашда оила, МТМ ва маҳалла педагоглари ҳамкорлиги имкониятини яратади.

Болаларни тарбиялашда оила ва мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигини ошириш йўллари

*З.А.Раҳмонқулова
МТМХҚТ ва УМОРЎМ М
МТСС бўлими бошлиғи*

Мактабгача ёшдаги болаларни ёшига мос равишда ҳар томонлама ривожлантириш, мактаб таълимига сифатли тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим муассасаси педагоглари оилани боланинг илк тарбиячиси сифатидаги устувор мавқеини эътироф этишлари жуда муҳим. Бола муассасага келгунга қадар оила унга пиёладан қандай фойдаланишдан тортиб, тўп улоқтиришгача бўлган кўп нарсаларни ўргатган ҳолда эртак эшитишдан завқ олиш кўникмасини ҳосил қилган бўлади. Мактабгача таълим ота-оналарга ривожланиш дастурининг барча

жиҳатларида иштирок этиш имкониятини берган ҳолда, оила ва боланинг худди шу илк муносабатлари устига қурилади.

Оила билан ҳамкорликка асосланган амалиётда шакл ва жараёнлар юқори турмайди, балки оилага нисбатан ҳурматли муносабатдаги қадриятлар, ота-оналар фикрига қулоқ солиш, улардан бола билан мулоқот қилиш кўникмаларини ўрганиш, улар билан ҳамкорлик қилиш истаги бўлади.

Бола шахсига йўналтирилган ҳамкорликдаги таълим тамойилларида болаларнинг оилалари билан бевосита мулоқот қилиш, у яшаётган муҳитни ўрганиш ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланади.

Ота-оналар ва тарбиячилар ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш тамойиллари:

- ❖ Ота-она ва тарбиячи ўртасида ўзаро самимий ҳурмат.
- ❖ Ҳамкорликни бошлашда оила ва тарбиячи ўртасидаги мулоқот усуллари келишиб олиш.
- ❖ Ўзаро келишилган доимий учрашувларни ташкил қилиш орқали боланинг оиласи билан яқин алоқа ўрнатиш.
- ❖ Ота-оналарнинг тажрибасидан келиб чиқиб, уларни мактабгача таълим муассасасидаги турли машғулотларга жалб этиш.
- ❖ Оилалардаги маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиб, машғулотлар ва тадбирлар орқали хилма-хилликни тарғиб қилиш.
- ❖ Оила ва боланинг кучли томонларига диққатни қаратиш.
- ❖ Ота-оналар ва тарбиячи ўртасида бола ва оилага тегишли ахборот алмашилганда, қатъий ишончга амал қилиш. Ҳамкорлик қилишда ишонч жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳамкорликни йўлга қўйиш учун авваламбор муассаса ўз вазиятини кўриб чиқиши лозим ва ота-оналар билан иш олиб боришда малакавий мажбуриятлардан бола иқболи ва истиқболи йўлида ҳамкорлик истагига ўтиши лозим. Шундан келиб чиқадикки, анъанавий педагог ролидан воз кечиб, ҳамкор педагог ролига кириш фойдалидир.


Анъанавий ва ҳамкор педагогларнинг фарқлари

Анъанавий педагог	Ҳамкор педагог
Бошловчи донишманд (қандай йўл билан иш тутишни ўргатади, кўрсатади, хабар беради).	Гид (ота-оналар ташаббусига асосланган ҳолда йўл бошлайди).
Бошқаради.	Саволлар беради.
Болани баҳолайди ва унинг ривожланиши ҳақида ота-оналарга маълумот беради.	Ота-оналардан бола ҳақида сўрайди ва улар билан биргаликда ривожланишини баҳолайди.
Барча саволларга жавобни ўзи билади.	Ота-оналар билан биргаликда муаммолар ечимини излайди.

Болани ва умуман гуруҳни ривожланиш мақсадларини белгилайди.	Ота-оналарнинг болага ва умуман гуруҳга нисбатан хоҳиш-истакларини ўрганади ва уларга ўзининг таклифларини қўшади.
Ота-оналарга уйга топшириқ беради.	Ота-оналар билан биргаликда муҳокама қилиб, оилавий шароитга ва ҳаёт йўналишига мос келадиган фаолият турларини излайди ва тавсия этади.
Кўпинча махсус сўзларни (атамаларни) қўллайди.	Ота-оналарга тушунарли тарзда гапиреди.
Ота-оналар унга билагон мутахассис сифатида муносабатда бўлишларини хоҳлайди.	Ота-оналарга ўзининг куч ва билимларини баҳолашларига, ўз ҳаракатларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишларига ёрдам беради. Нафақат ўқитишга, ўқиб ўрганишга ҳам тайёр.

Болаларни тарбиялашда ҳар бир педагог барча фаолиятларни ота-оналар билан ҳамкорликда ташкил этса болалар жуда катта ютуқларни қўлга киритадилар, тезда яхши натижаларга эришадилар. Шу сабабли ҳам ота-оналар билан ҳамкорликнинг самарали йўлларини тинимсиз излаш ва қўллаш лозим.

Болаларни тарбиялашда оила ва мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигини ошириш йўллари



Ижобий мулоқот малакаларини қўллаш:

- Маслаҳат ва кўрсатма беришдан кўра кўпроқ боланинг ота-онасидан сўраш ва тинглаш.
- Боланинг ривожланишидаги ютуқлари ва муваффақиятлари ҳақида ёзма ва оғзаки равишда доимий ота-оналарга маълумот бериш.
- Оилаларга маълумот бериш ва олишнинг индивидуал шаклларини қўллаш.
- Ота-оналар билан фарзандларига тегишли бўлган ҳар қандай мавзуларни муҳокама қилишга тайёр бўлиш.
- Ота-оналарга таълим дастурининг мақсад ва вазифаларини эълон қилишдан аввал улардан истак ва хоҳишларини сўраш.
- Ота-оналарнинг илтимослари, ғоялари ва таклифларига ўз вақтида ижобий муносабат билдириш.
- Фарзандларига тегишли муаммоларни ҳал этишда ота-оналар билан биргаликда қарор қабул қилиш.

Ота-оналарга танлаш ва қарор қабул қилиш имконини бериш:

- Ота-оналарга ўзлари ва фарзандларининг истакларини умумлаштиришга кўмаклашиш, мақсадлар рўйхатини биргаликда тузиш.
- Хизматларни режалаштириш ва кўрсатиш жараёнида ота-оналарга фарзандлари билан боғлиқ масалаларда энг яхши эксперт сифатида муносабат билдириш.
- Ота-оналар билан ҳамкорликда таълим ва тарбия стратегияларини белгилаш, ота-оналар стратегиялардан қайси бири уларнинг эҳтиёж ва захираларига мос келишини ўзлари ҳал этишларига имкон бериш.
- Ота-оналарга улар фарзандларининг таълим тарбияси масаласида қаерда, қачон ва қандай иштирок этишларини танлаш имконини бериш.

- Доимий равишда ота-оналардан танланган стратегиялар самарадорлиги, дастур бўйича ишлар натижаси ва киритмоқчи бўлган ўзгаришлари бўйича фикрларини сўраш.

Оила ва боланинг кучли томонларини аниқлаш ва қўллаш:

- Сухбат, телефон ва мактублар орқали оилаларга фарзандларининг кучли томонлари ва ютуқлари ҳақида маълумот бериб бориш.
- Оила ва боланинг келажагига оид мақсадлари, умид ва орзулари ҳақида ота-оналардан маълумот олиш.
- Ота-оналарнинг бола тараққиётига қўшган ҳиссаларини тан олиш ва миннатдорчилик билдириш.
- Ота-оналарга мақсад ва ҳаракатларини боланинг кучли томонларига қаратишларига кўмаклашиб, уларнинг таклифларини ривожланиш дастурига киритиш.
- Ота-оналар фарзандлари ҳаётига салмоқли ижобий таъсир кўрсата олишларини тушунишларига кўмаклашиш.
- Оила ноёблиги ва турли-туманлигини хурматлаш кераклигини таъкидлаш.
- Оилаларнинг ҳиссиёт ва фикрларини қабул қилиш, ҳамда хурматлаш.
- Оилаларнинг маданий қадриятларини тушуниб ишлашга ҳаракат қилиш.
- Оила ва мактабгача таълим муассасаси ўртасида дўстона ҳамкорликни йўлга қўйиш.
- Оила аъзоларига гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этиш, гуруҳ тадбирларини ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилиш имконини бериш.
- Ота-оналарни болалар таълимига жалб этиш, шу билан бирга шундай шакллар танланадиги, ота-оналар таълим жараёнида ўзларини қулай ва енгил ҳис қиладилар.
- Ота-оналарни кун давомида исталган вақтда гуруҳда қабул қилишга тайёр туриш.
- Оилаларга бошқа жамоат хизматларини топишга кўмаклашиш.

Мактабгача таълим муассасасини ривожлантиришда жамоатчилик фикрини ўрганиш

*М.М.Нуриддинова
МТМХҚТ ВА УМОРЎММ*

Инглиз тилидан олинган “Public Relations” (Паблик рилейшнз – PR, пиар) атамаси – “Жамоатчилик билан алоқалар”, “Оммавий алоқалар”, “Жамоатчилик билан муносабатлар” деган маъноларини англатади.

Жамоатчилик фикри - ижтимоий воқеаликка кишиларнинг

муносабати, қарашлари, шунингдек билдирилган ҳатти ҳаракатлар ифодаси ҳамдир.

Тарихий ёндашувлар асосида шуни айтиш мумкинки, Жамоатчилик билан алоқалар Шарқда қадимдан оддий турмуш тарзида намоён бўлган, жумладан, одамлар фикрини билиш учун шаҳарга юрт бошқарувидаги энг ишончли одамлар чиқарилиб, ўзгалар фикрини билишга уринишган, одамлар билан мулоқот қилиб, жамоатчиликни бир ерга тўплаб уларнинг фикрларига кулоқ солишган.

Буюк саркарда бобомиз Амир Темур ҳам ҳар жанг олдидан яқин қариндошлари ва дўстлари билан суҳбат уюштириб, улар фикрларини ўрганган. Ушбу ҳолатларни жамоатчилик фикрини ўрганишнинг дебочаси дейиш мумкин.

Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш масаласи узоқ йиллар турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани тарихий манбаларда кўп учрайди. Бу ғояни милоддан олдин яшаган Сукрот илгари суриб, ўз шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаган.

PR ибораси илк бор АҚШнинг учинчи президенти Томас Жефферсон томонидан қўлланилган. У 1807 йили ўзининг “Конгрессга еттинчи мурожаати”да ушбу атамани биринчи марта қайд этган. Бундан мақсад, ўша даврда ҳукуматнинг жамоатчилик билан алоқаларини давлат даражасига кўтариш, илмий-ташкилий жиҳатдан йўлга қўйиш эди.¹

PR - Ўзбекистонда эндигина ривожланиб келаётган замонавий фанлардан биридир. Ушбу соҳада фаолият юритаётган ва мамлакатимизда PR соҳасининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган пияршунос олимлар Файзулла Мўминов, Тўлқин Эшбеков, Шавкат Миралимов, Наргиз Қосимова яратган адабиётлари Ўзбек PR шунослигида PRнинг назарий асосланишининг ўрганилиши жиҳатидан илк манбалар бўлиб ҳисобланади.

PRнинг амалиётдаги асосчиларидан бири АҚШлик журналист Айви Ледбеттер Ли бўлгани ҳақида “Паблик рилейшнз”га оид манбаларида қайд этилган.

Жамоатчилик билан алоқаларнинг энг асосий йўналиши бу икки томонлама фикр эшитишдир. Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйишда аввало соҳа аудиторияси яъни жамоатчилик айнан кимлардан ташкил топганлигини аниқлаштириш ва аудиториянинг фикрларини эшитиш мақсадга эришувнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Мактабгача таълим - таълим тизимининг пойдевори саналади, бу масканларда келажагимизнинг эртанги куни эгалари тарбиланаётган экан демек, барча ҳаракатлар ва бор кучимизни ана шу тизимга қаратиш лозимлигини, бугунги кунда жаҳон андозаларига мос тарбия тизими ва замонавий бошқарувга ўтиши вақти келганлигини даврнинг ўзи тақзо этмоқда.

Айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасасининг жамоатчилик қисми булар энг аввало педагоглардан иборат муассасанинг жамоаси,

¹ Тўлқин Эшбек. “Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари”Т., УзМу.2012.46.

тарбияланувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, масъул шахслар (ХТМФМТТЭБ), маҳалла фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакилларида иборатдир.

Ушбу тизимда жамоатчилик фикрини аниқлаш ва шу йўсинда фаолиятни ташкил этиш қийинчилик туғдирмаслигининг сабабларидан бири ушбу жамоа узвий ва доимий алоқадалигида намоаён бўлаётир.

Мактабгача таълим муассасасининг фаолиятини яхшилашда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва натижаларга кўра истиқболдаги режаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Муҳим йўналишга эга фан жамоатчилик билан алоқалар (PR) назарияси ва амалиётини малака ошириш институтларида танишув сифатида ўрганиб бориш, тажрибали мутахассислар томонидан маҳорат мактабларини ташкил этиш етук раҳбар-кадрларни тайёрлашга замин яратади.

Тингловчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш

*Ў.О.Тоҳиров
МТМХҚТ ва УМОРЎММ
бўлим бошлиғи*

Янги авлодни тарбиялаш, уларни вояга етказиш, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун бугунги кун педагоглари таълим жараёнига оид инновацияларни жорий қилиш компетенцияларига эга бўлишлари зарур ҳисобланади.

Ҳозирда таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки, шу вақтгача анъанавий таълимда малака оширишга келган тингловчиларни фақатгина тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган бўлса, замонавий технологияларда эса, улар эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб мустақил равишда, илмий ёндошган ҳолда ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулоса ва тавсияларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари эса бу жараёнга шахснинг баркамол ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шарт-шароитларни яратади ҳамда ривожлантирувчи, бошқарувчи, йўналтирувчи функцияларини ҳам бажаради.

Шунинг учун ҳам тингловчиларнинг малакасини ошириш жараёнида инновацион педагогик технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя катта бўлиб, тингловчиларнинг педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлардан фойдаланиш, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Шундай экан “Инновацион педагогика ўзи нима?” деган савол туғилади. Бу борада қуйидагиларга тўхталиш мумкин.

Инновацион педагогика атамаси ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда 60-йилларда пайдо бўлган. Инновацион фаолиятга оид қарашлар О.Н.Гоноболдин, В.А.Сластинин, Н.В.Кузмина, А.И.Щерванов ва бошқалар ишларида тадқиқ этилган.

Педагогика луғатларида инновация сўзининг луғавий маъноси қуйидагича келтирилган. Инновация – (инглизча) – янгиликни киритиш (тарқатиш) деган маъноларни билдиради.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти америкалик инновациячи Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг таснифи, уларнинг янгиликка бўлган муносабати ва бошқаларни кўрсатган.

А.И.Григорин инновация деганда, муайян ижтимоий бирликка – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга, янги, нисбатан турғун (унсур) элементларини киритиб боровчи мақсадига мувофиқ ўзгаришлар эканлигини таъкидлаган.

Бу жараёнга икки хил қараш (Григорин, Сазонин, Степанов ва бошқ.) мавжуд.

Биринчи қарашда, ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда, алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирламчи, рақобати ва натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Педагогика адабиётларида инновацион жараённинг қуйидагича босқичлари келтирилади. Унга кўра:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгиликнинг пайдо бўлиши (кашфиёт босқичи) деб юритилади.

2. Ихтиро қилишлик – янгилик яратиш босқичи;

3. Яратилган янгиликларнинг амалда қўллай билиш босқичи;

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи;

5. Муайян соҳада янгиликка ҳукмронлик қилиш босқичи.

Педагогик инновацияда “янги” тушунчаси марказий ҳисобланиб, педагогик фанда – хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик – бу восита, янги метод, методика, технология ва бошқалардир.

“Инновация” – бу таълим: маълум босқичлар бўйича ривожланадиган жараён ҳисобланади.

Инновацион жараёнлар, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Демак, тингловчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда инновацион педагогик технологияга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Инновацион педагогик технология – педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш, янгиларини лойихалаш асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, қўйилган мақсадга эришиш ва қўзланаётган натижаларга олиб келувчи ҳамда натижаларни ишончлилигини кафолатлай оладиган тизимдир”

Шундай экан аввало тингловчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Инновацион педагогик фаолиятни энг муҳим омилларидан бири – тингловчи шахси: у новатор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик ва замонавий янгиликка ўч бўлишлиги талаб қилинади. Бундан ташқари, қуйидаги омилларни ҳам келтириш мумкин:

- тингловчи шахсининг ижтимоий, маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлиши;

- тингловчи шахсининг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қилиш орқали компитентлик фаолиятини ривожлантириш, ўқув-билув ҳамда касбий ихтисослашувини фаоллаштириш;

- тингловчилар томонидан янгилик яратиш жараёнига ўзини бахшида қилиши, янгиликларни амалиётда синовдан ўтказиши ва жорий қила олиш малакаларига эга бўлиши;

- тингловчининг тайинли мулоқоти, қарама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда муаммоли вазиятларни ҳал қилишга тайёрлиги;

- тингловчилар фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчи мотивлари ҳамда креативлигини шакллантириш.

Тингловчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини тўғри режалаштириш келгусидаги ташкилий ва педагогик иш фаолиятларни самарали ташкил қилишга, янги билим, кўникма ва малакаларни ўрганишга, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда иновацияларни таълим жараёнига жорий қилишга хизмат қилади. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли китобларида бежизга “Яна бир бор таъкидлайман, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш, керак” – деб таъкидламаганлар.

Управление качеством дошкольного образования в инновационном режиме работы ДОУ

*Л.Г.Евстафьева
Методист РУМЦППКРДУ*

Инновационные методы обучения сегодня являются актуальным вопросом в общем образовательном процессе дошкольных учреждений

Модернизация современного образования предполагает новую образовательную политику его развития, которая нацелена на обеспечение качества образования на основе сохранения его фундаментальности, соответствия актуальным и перспективным потребностям личности, общества и государства. В этом отношении качество первой ступени общественного образования – дошкольного образования выступает важнейшей ценностью современности.

Система дошкольного образования в настоящее время активно развивается. Современное общество предъявляет новые требования к дошкольным образовательным учреждениям, к организации в них воспитательно-образовательного процесса, выбору и обоснованию содержания базовой и парциальных учебных программ, результатам и результативности их деятельности, подбору и обучению педагогических кадров. Время, в которое мы живем, требует глубоких, разносторонних и прочных знаний, высоких темпов их обновления, непрерывности освоения. С учетом требований сегодняшнего дня главными задачами стали: обеспечение более высокого уровня профессионализма и педагогической компетентности.

Образовательно-воспитательный процесс будет эффективным только в том случае, если воспитатель и ребенок, как участники образовательного процесса, проявляют высокую активность, при этом педагог использует разнообразные инновационные технологии.

Инновационные методы обучения сегодня являются актуальным вопросом в общем образовательном процессе. Это связано с тем, что современное общество и инновационно направленная экономика страны, требует интеллектуально и разносторонне развитую личность, а традиционные методы образования не всегда отвечают этим требованиям. Инновационными методами в обучении можно считать методы, которые отличны от традиционных, имеют кардинально новую структуру, отвечающую современным требованиям к подготовке профессионалов. Как можно воспитать новатора, который будет генерировать новые идеи и воплощать их в жизнь? Только используя новые, современные методы обучения.

Инновационные методы обучения базируются на новых технологиях и прежде всего использование компьютерных технологий и интернета, поскольку они являются неотъемлемой частью современного мира. Их применение преподавателями начинается в дошкольном учреждении, в начальной школе с помощью компьютерной техники устраиваются уроки-демонстрации, в средней школе и старших классах, ученики уже сами используют их для творчества, поиска информации. А в высших учебных заведениях будущие специалисты сами конструируют модели, проверяют свои разработки, ставят опыты активно используя новейшие разработки в компьютерной технике и программировании.

Еще одним видом инновационных методов в образовании можно назвать подход учителя к образовательному процессу. Вместо скучных лекций и "задиктовок" нового материала многие современные преподаватели используют приемы игры на уроке, когда ученикам задается задание, и они

коллективно решают его, строя теории проверяя их, моделируя развитие ситуации и в конечном итоге сами приходят к определенным выводам и закономерностям. Такая подача материала улучшает его усвоение, понимание и запоминание.

Инновационные технологии в дошкольном образовании сейчас приобретают также, большую популярность. Они позволяют лучше подготовить ребенка к школе, всесторонне развить его. В наше время занятые родители практически не имеют времени на общение с ребенком и всё чаще обращаются к детским центрам дошкольной подготовки. Кроме того, профессиональные воспитатели нацелены на развитие ребенка, учитывая его индивидуальные качества, то есть на обучение не по шаблону.

Инновационные технологии в дошкольном образовании важны, прежде всего, потому, что Узбекистан выходит на новый уровень производства и потребления товаров, выходит на мировой рынок. Динамично развивающемуся обществу нужны предприимчивые, готовые к нестандартным решениям люди, а воспитание таких людей должно начинаться еще до школы. Во многом установки ценностей ребенка, его поведения в дальнейшей жизни, закладываются в период до семи лет. Кроме того, в дошкольном возрасте дети более открыты, доверчивы, восприимчивы к общению.

Одной из самых популярных в наше время инновационных технологий в дошкольном образовании является так называемый **метод проектирования**, его применяют многие дошкольные учреждения г.Ташкента и Ташкентской области. Воспитатель дает группе детей определенную задачу, которую они должны решить тем или иным способом с помощью наставника. Этот метод деятельности весьма перспективен, так как, **во-первых**, он помогает детям повторять и применять на практике уже известные им знания, **во-вторых**, развивает их воображение, позволяет фантазировать, **в-третьих**, укрепляет отношения в группе, позволяет ребенку развить навыки коммуникации, **в-четвертых**, дает новые знания об окружающем мире. Работа оформляется в виде проекта, то есть раскрытия цели, проблемы работы и описания методов решения данной проблемы.

Инновационные технологии в дошкольном образовании – важная часть дошкольного образования. Инновации не минуют ни одну из сторон современной жизни, а используя их в обучении детей до семи лет, воспитатели закладывают основу формирования нового человека – человека индустриального общества.

Инновационные технологии в дошкольном учреждении, можно классифицировать на новейшие приемы развития **памяти**, развитию **речи** и зрительного **восприятия**, а также, воспроизводство увиденного, хорошим примером таких методов является иллюстрированные занятия, когда детям предоставляют демонстративный ряд картинок с последующим диалогом, обсуждение увиденного.

Для тренировки памяти сейчас разработаны специальные тексты в форме небольших четверостиший, учить которые детям легко и они способны через достаточно длительное время воспроизводить их.

В последнее время широко используются **игровые технологии**, эти методы позволяют в легкой форме игры предоставлять ребенку новые знания, детям интересно и познавательно. Особое место занимают **музыкальные технологии**, которые позволяют ребенку не только услышать, но еще увидеть и почувствовать все многообразие окружающего мира.

Однако применение инновационных методов в воспитании дошкольника требует четкой организации. Ведь по данным психофизиологов у детей в возрасте до 7 лет более активно правое полушарие мозга, которое обеспечивает целостную, познавательную деятельность, а использование методов, активизирующих левое полушарие (методы направленные на развитие логики) приводят в резонанс детскую психику и ребенок может совсем потерять интерес к обучению.

Примерами инноваций могут служить различные методики, направленные на формирование и развитие личности ребенка – это развивающие методики с использованием демонстративного ряда картинок, ребенок самостоятельно определяет их содержание, ищет взаимосвязи, представляет целостную картину увиденного, конструирует свое личное видение вещей; использование музыкальных технологий, помогающих ребенку быстрее запоминать, тренировать дикцию, вырабатывать коллективные взаимоотношения.

Без внедрения новых идей и технологий в работе каждого ДОО невозможно реформирование всей системы ДОО. Развитие образовательных систем происходит благодаря тому, что создаются, распространяются и осваиваются новшества.

Поэтому, в настоящее время в сферу инновационной деятельности включены уже не отдельные дошкольные учреждения и педагоги-новаторы, а практически все дошкольные учреждения Республики.

Инновации определяют новые методы, формы, средства, технологии, используемые в педагогической практике, ориентированные на личность ребёнка, на развитие его способностей.

Педагогические инновации могут либо изменять процессы воспитания и обучения, либо совершенствовать.

Инновационные преобразования приобретают системный характер. Созданы новые типы, виды и профили дошкольных учреждений, образовательная программа «Болажон», позволяющая обеспечить качественную работу воспитательно-образовательного процесса, ориентированного на индивидуальность ребенка и запросы его семьи.

«Государственные требования, предъявляемые к развитию детей дошкольного возраста» и «Концепция дошкольного образования».

Потребность в инновациях возникает тогда, когда появляется необходимость разрешить какую-то проблему, когда создается противоречие между желанием и реальным результатом.

Источником инноваций является проблема. Решить проблему - значит изменить систему, привести ее в соответствие с желаемой. Если изменения имеют качественный характер, то в результате решения проблемы происходит развитие системы.

Степень актуальности новшества определяется значимостью той практической проблемы, решению которой может способствовать его использование. Инновационная образовательная деятельность – это деятельность, благодаря которой происходит развитие образовательного процесса.

Общая цель инновационной деятельности – улучшение способности педагогической системы образовательного учреждения достигать качественно более высоких результатов образования.

Участники инновационного процесса всегда **должны помнить**, что новое: добывается признания, пробивает себе дорогу с большим трудом; носит конкретно-исторический характер и может быть прогрессивным для определенного отрезка времени, но устареть на более позднем этапе, стать даже тормозом в развитии.

Грамотные, профессионально выверенные действия всех, кто работает в педагогической системе по реализации задач развития системы образования, возможны при осмыслении необходимости и актуальности перемен в образовательной системе.

Педагог новой формации и стиля профессиональной деятельности должен обладать личностно-гуманной ориентацией, способностями системного восприятия образовательной реальности и системного действия в ней, свободной ориентацией в области дошкольного образования, а также должен владеть современными образовательными технологиями.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш

*Ф.Хошимхонова,
МТМХҚТ ва УМОРЎММ
Методисти*

Ҳозирда Республикамизнинг барча жабхаларини ислоҳ қилиш ишлари амалага оширилаётган бир вақтда ёш авлодни “меҳнатга онгли эҳтиёжини” тарбиялаш, иқтисодий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга молик масалалар бири эканлигини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики ёш авлодни мустақил меҳнатга тайёрлаш ва меҳнатсеварликка ўргатишда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари зиммасига ҳам маъсулиятли вазифалар юкланганлигидан далолатдир.

Кичик ёшдаги болаларни мустақил меҳнат фаолиятига амалий ва психологик жиҳатдан пухта тайёрлаш мактабгача таълим муассасалари

олдида турган энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу даврда уларда меҳнатга яхши муносабатда бўлиш асослари таркиб топа бошлайди, меҳнатга ҳавас уйғониб ижтимоий фойдали ишларда иштирок этиш ҳисси тарбияланади. Бинобарин унинг энг яхши ахлоқий сифатлари илк бор ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида шаклланади. Онгли равишда бажарилган муҳит меҳнат ва шахс камолотига ҳамиша ижобий таъсир этади. Шу жараёнда шахснинг барча сифатлари, психик жараёнлари, хусусиятлари ва физиологик чиникиши номоён бўлади.

Ёш авлодни меҳнатга психологик таёрлаш эса унинг ҳамиша умум фойдаси учун астойдил меҳнат қилишига бўлган ички таёргарлигини юзага келтиради. Бунинг учун эса, аввало уни шу меҳнатга ҳар томонлама қизиқтириш эмоционал ҳайри хоҳликни шакллантириш лозим. Чунки ана шу қизиқишлар орқали изчиллик хушчақчақлик, мустақиллик ва ташаббускорлик каби ҳислатлар таркиб топади. Бола меҳнатга ўз - ўзидан қизиқиб қолмайди. Мадомики қизиқиш бўлмас экан меҳнатга муҳаббат ҳам бўлмайди. Агар, болалар меҳнати нотўғри уюштирилса бола меҳнатдан беизиб қолиши мумкин.

Болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга таёрлаш асосан қуйидаги икки йўналиш бўйича олиб борилади. Биринчи йўналишда кўпроқ меҳнат дарсларининг мазмундорлиги унинг бола психикасига, қобилиятига ва касб танлашига мос келиши, шунингдек бола онгида қизиқишларни шакллантириш асос қилиб олинади. Масалан, болалар учун янги йил ўйинчоқларини ясаш, боғчадаги бузилиб қолган ўйинчоқларни созлаш, турли хил техник моделлар таёрлаш кабиларда болаларнинг қобилиятларини кўникма ва малакаларини шакллантирилади. Уларда фойдали иш қилганликларидан қувонч ҳисси ортиб, ижтимоий мотивларнинг шаклланиши учун дастлабки замин ҳозирлайди. Биринчи гуруҳ тарбияланувчиси Дурдона; мен Эъзозага конверт ясаб бердим, менга эса Ғанишер конверт ясапти, мен уни албатта авайлашим керак деб қувонади.

Кўрамизки бола ўзгаларга фойда келтираётганидан ғоят мамнун, айти бир вақтда бошқалар меҳнатини қадрлашга, эъзозлашга одатланапти.

Иккинчи йўналиш бўйича эса мактабгача таълим муассасасидан ташқари ишлар жараёнида болалар онгига жамоавийлик, ватанпарварлик, ташаббускорликни ҳис этиш сингари хусусиятлар сингдириб борилади. Шу билан бирга ижтимоий фойдали меҳнатга иштирок этишдан ўзини четга оладиган айрим болаларга ҳам жамоа таъсири кучайтиради. Жамоа меҳнати болаларга ўз олдига вазифалар ва уларни ҳал этиш имконини беради. Бундай топшириқларни улар алоҳида бажара олмайдилар, топшириқлар уларда ўзаро назорат қилиш бир-бирига танқидий кўз билан қараш малакасини шакллантиради.

Шу боисдан индивидуал ва жамоадаги меҳнатнинг бола шахсини ривожлантиришга бўлган таъсири масаласи муҳим тараққиёт обектига айланган. Ҳар бир бола ёшлигиданоқ жамоа ишларини сидқидилдан бажаришга одатланиш, ўзининг ижтимоий маъсулиятини тўғри талқин қилишга ўрганиш керак.

Акс ҳолда унинг меҳнати фақат ўзи ёки ўз оиласи учунгина фойдали бўлиши мумкин, холос. Бу эса болада салбий иллатларни таркиб топишига замин ҳозирлайди.

Масалан; қандай ишни тиришқоқлик билан бажарадилар, меҳнат қиладилар? Лекин боғчадаги ижтимоий фойдали меҳнатдан устун кўядилар. Бу ҳол уларнинг психикасига худбинлик ва шахсий манфаатпарастлик каби салбий сифатлар шаклланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир тарбиячи бундай болаларга кўпроқ эътибор бериб, улар билан индивидуал тарбиявий ишлар олиб бориши керак.

Меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида таассуротли суҳбатлар ўтказиш ҳам болаларда меҳнатга муҳаббат ҳиссини уйғотади. Болаларнинг ташаббускорлигини юзага келтирувчи бир қатор методлардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, болалар ўзлари бажарган ижтимоий – фойдали меҳнатнинг натижасини доимо кузатиб борадилар. Жамоа бўлиб бажарган ишлари кўпчилик томонидан қадрланса, болалар ниҳоятда қувониб, ўзларига гўё “қўлидан иш келадиган ва умум манфаати учун хизмат қиладиган кишидек ҳис этадилар.

Болаларни меҳнат фаолиятига психологик – педагогик тайёрлашнинг восита ва йўллари қуйидаги методик имкониятга таянади.

Болаларни меҳнатга тайёрлашда унинг интеллектуал меҳнат мазмунини англаб, идрок қила олиш, тафаккур жараёнларини ривожлантириш, болани сабр-тоқатли бўлишга, тиришқоқликка, мустақилликка, принципиалликка, мустақилликка ундаш, эмоционал меҳнат фаолиятига бевосита қизиқиш ишининг ижтимоий маъсулиятини ҳис этиш, ўз меҳнатидан завқланиш каби, томонларига асосий эътиборни қаратиш ғоятда муҳимдир.

Болаларда меҳнат фаолияти орқали фақат ижобий сифатларни ўстиришни кўзлаш;

Меҳнат қуроллари боланинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши ва ундан ўринли фойдаланишни таъминлаш;

Меҳнат топшириғини бажартиришдан олдин болада шу ишга нисбатан кўникма, қизиқиш ва малакаларни ҳосил қилиш ва уни пухта мустаҳкамлаш;

Меҳнат тарбияси мавзуларида суҳбатлар уюштириш орқали ҳар бир боланинг ахлоқий дунёқарашини ривожлантириш;

Ижтимоий фойдали меҳнат орқали ҳар бир болада ижтимоий жавобгарлик ҳиссини сингдириб, ривожлантириш;

Боланинг меҳнат фаолиятини тарбия жараёни деб билиш ва шу асосда иш тутиш.

Бу кабиларни амалга ошириш жараёнида пухта тайёргарлик кўриб борилади. Бу тайёргарлик эса боланинг ҳаётдаги ижтимоий муҳитга бўлган ижобий муносабатини шакллантириб замонамизнинг муносиб кишиси бўлиб етишиши учун пухта замин ҳозирлайди.

"Тежамкорлик сабоқлари" дастури асосида таълим-тарбия ишларини олиб боришда мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги

М.З. Файзуллаева
МТМХҚТ ва УМОРЎММ

2015 йил 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия сифимларини қисқартириш энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги ПҚ-2343- рақамли қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим тизимида "Тежамкорлик сабоқлари" дастури асосида таълим-тарбия ишларини олиб бориш вазифаси қўйилди.

Ўқиш махсус дастурлар асосида олиб борилади. Мактабгача таълим муассасаларида тежамкорликни ўрганиш бўйича "Тежамкорлик сабоқлари" махсус курси ўргатилади.

Ҳар бир бола тежаш –бу нарсаларни исроф қилмаслик, уни қадрлаш, ҳар бир табиий бойликларни (сув, газ, электр токи), ўз меъёрида ишлата билиш, ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англашни гўдаклигидан ўрганиши лозим.

"Тежамкорлик сабоқлари" дастурининг мақсади болаларда умумий ахлоқ меъёрлари талабларига жавоб берадиган, уларнинг шахс сифатида камол топишига асос бўла оладиган иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, жамоат жойларида ўзини тутушни, ер ости бойликларини (сув, газ, электр токи) исроф қилмаслик, уни қадрлашни тарбиялаб боришдан иборат.

Тежамкорлик сабоқлари мактабгача таълим муассасаларда интеграциялашган машғулот тарзида: атроф-муҳит, табиат билан таништириш, бадиий адабиёт, одобнома, тасвирий фаолият машғулотларини мужассамлаштирган ҳолда олиб борилади. Оилада кун давомида сув, газ, электр энергияни тежаш ҳақида турли жараёнларда яққол мисоллар билан тушунтирилади. Тарбиячи ота-оналарга "Тежамкорлик сабоқлари" дастурини тарғибот қилишда оилага борганда мақсади режасида, ҳисоботида ва махсус кундалигида акс этиши керак. Тарбиячи "Тежамкорлик сабоқлари" дастури вазифалари оилада қандай амалга оширилишини танишади ва керакли маслаҳатлар беради.

Тарбиячиларни ота-оналарга оилада "Тежамкорлик сабоқлари" дастури асосида билим беришлари учун қандай тавсиялар беришлари лозимлиги ҳақида фикр юритамиз:

1.Тарбиячи ота-оналарга **оилада сувни тежаш бўйича**: хонадонда ўстирилаётган гулларни суғориш, уй, ҳовли, кўчаларни тозалашда суни тежаб ишлатишни; сувнинг нечоғлик инсон учун зарурлигини тушунтириш: инсонни тана аъзоларини поклашда, буюм, кийим-кечак, идишларни озода сақлашда сувнинг ўрни, ундан фойдаланишда

исрофгарчиликка йўл қўймаслик кераклиги тушунтиради. Болага сувни ишлатгандан сўнг водопровод жўмрагини ўчириб қўйишни доимо эслатиб туриши, сувни тежаш ҳақида ибратли ҳикоялар ўқиб бериши кераклиги ҳақида тавсия беради.

2.Оилада электр энергияни тежаш бўйича:электр ёриткичларни фақатгина керакли пайтда фойдаланиш, телефондан фойдаланилганда ҳам аниқ, қисқа ва чиройли сўзлар билан муомилага киришишни тушунтириб, телефондан фойдаланилганда электр энергия сарфланишини ва уни тежашга ўргатиб бориш, теливизорда мультфильмни кўришни ҳамма болалар яхши кўришлари, лекин меъёрдан ортиқ, тўхтовсиз кўриш бола соғлиғи учун зарар эканлиги ҳақида маълумот бериб, теливизорни бўш пайтдагина кўриш зарурлигини тушунтиради.

3.Оилада газ плитасига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш бўйича: Ошхонада гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш ва улардан фойдаланишни ман қилиниши, болаларга ошхонада газдан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни, ошхонада газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш ҳақида тушунча беради.

Мактабгача таълим муассасасининг "Тежамкорлик сабоқлари" дастурини ҳаётга татбиқ этишда ота-оналар билан ҳамкорлиги болаларнинг онгида атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ер, ер ости бойликлари, сув ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англаш каби ижобий хислатларни таркиб топтиришда самарали ёрдам беради.

**Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 5-6 ёшли болаларнинг ижтимоий-ҳиссий ривожланиши.
(Фарзандингиз иқтидорли бўлса! Ота-оналар учун маслаҳат)**

*У.Б. Гафурова
МТМХҚТ ва УМОРЎММ
Н. Газиева
Ангрен шаҳар
34-мактаб психологи*

Агар фарзандингиз барча вазифаларни осонлик билан бажарса, унда мантикий тафаккур, кузатувчанлик, мустаҳкам хотира, барча нарсаларга қизиқувчанлик, ўз фикрини тушунтира олиш, математик амалларни бажара олиши, дунёқарашининг кенглиги - буларнинг барчаси унда билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланганлиги ва катталар томонидан етарли даражада эътибор бериш кераклигини талаб этади. Иқтидорли бола қуйидаги хусусиятларни ҳам ўзида мужассам этади:

ижодий, оригинал фикрга эга;

юмор, ҳазилни тушунади;
бирор нарсани билишга нисбатан чексиз интилиш ва қизиқувчанлик;
бой тасаввурга эга (ижодий, тасвирий, муסיқий фаолиятда намоён бўлади);

кўп ҳолларда ўз тенгдошларидан мустақиллиги билан ажралиб туради, катталар билан мулоқотга интилади.

Баъзида эса ота-оналарни фарзандларининг ўз тенгдошларига ўхшамаслиги, боладаги ўта қизиқувчанлик, билишга катта иштиёқ хавотирга солади. Боланинг хатти-ҳаракатлари қатъий ва ноанъанавий бўлса, масалан, “Нимага?”, “Нима учун?” каби саволларни кўп берса баъзида ота-оналар бу саволларга жавоб беришга қийналсалар, болаларга танбеҳ беришлари, ва ҳаттоки, уни жазолашлари мумкин. Бундай ҳолатларда ота-оналар боладаги ижодий имкониятларни ривожлантириш ўрнига уни сўндирадилар.

Иқтидорли болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганда улар фарзандларининг барча соҳаларда биринчи бўлиши каби ҳоҳишларини таъкидлайдилар. Масалан, она “менинг фарзандим қобилиятли бўлса-ю, нима учун ўқишни ҳоҳламайди?” деган саволни бериши мумкин. Баъзида шундай ҳолатлар бўладики, ота-оналар болани ҳаддан ташқари бирор бир машғулот билан шуғулланишга мажбур қилишлари, болада ана шу фаолиятга нисбатан нафратни уйғотиши мумкин, чунки айна вақтда бола бошқа машғулотларга қизиқаётган бўлиши мумкин. Бирор муддат вақт ўтса, боланинг ўзи ихтиёрий равишда бу машғулотга қизиқиб қолади.

Психологлар шуни таъкидлайдиларки, агар узоқ вақт иқтидорли боланинг интеллектуал ёки ҳаракат эҳтиёжлари қондирилмаса, бу боланинг ҳис-туйғуларига путур етказиши ва невроз ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари иқтидорли болаларнинг ота-оналари баъзида қизим ёки ўғлим ўз тенгдошларини ўзиб ўтиб, масалан 7 ёшида 3-синфда ўқишларига интилиш тўғримиқан, деган савол билан мурожаат этадилар. Ҳар бир ҳолат ўзига яраша ноёбдир, лекин шу ўринда боланинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ҳақида унутмаслик керак. Ахир у бошқа, ўзидан катта болалар томонидан қандай қабул қилиниши маълум эмас-ку. У яққаланиб қолмасмикан?

Болангизнинг бошқалар билан мулоқотига ва мулоқотнинг ижтимоий кўникмаларини коррекция қилувчи гуруҳий ўйинлар билан банд бўлишларига кўпроқ аҳамият беринг. Бундай ўйинларни ўтказишда фақатгина билиш жараёнларининг ривожланишига аҳамият бермасдан, балки бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилишларига ҳам эътибор бериш керак.

Иқтидор билиш, ўқув, ижодий, бадиий, ҳаракатли фаолият соҳаларида намоён бўлади. Иқтидорли боланинг ўқув фаолиятдаги ютуқлари унинг эрта ёшдан ўқишга бўлган интилишида намоён бўлади. Баъзида болалар 3-4 ёшида, катталарнинг ёрдамсиз мустақил равишда ўқий бошлайди. Бола китобларни томоша қилиши, расмлар асосида ҳикоя тузиши, ҳарфларни ёзиши, катталар ўқиётганда узоқ вақт сабр билан тинглаши, ўз ёшига мос бўлмаган математик амалларга қизиқиши, математик белги ва ишораларни

тушуниб эслаб қолиши, баъзида табиатга, табиий фанларга қизиқишини ҳам намоён қилиши, турли предметларнинг келиб чиқиши ва уларнинг вазифаси ҳақида саволлар бериши мумкин. Бадий фаолият соҳасида бола ўзини эртароқ намоён этади: эрта расм чизишни бошлайди, кўп вақтини, масалан пластилиндан турли нарсаларни яшашга ажратади, бунда ўзининг моҳирлигини намоёниш этиш орқали, ранглар, композицияларни тўғри танлай олади. Шунингдек, мусиқага ҳам эрта қизиқиш пайдо бўлади, мусиқий товушларни ажрата олади.

Ҳаракатлантирувчи соҳадаги иқтидор болада турли ҳаракатларни бажариш, яъни югуриш, сакраш турли акробатик машқларни бажариш, мувозанатни сақлай олишда намоён бўлади.

Бола турли ёки битта соҳада иқтидорли бўлишига қарамай, мана шу табиат томонидан берилган қобилиятни ўз вақтида аниқлаб, унинг ривожланишига ёрдам беришимиз керак.

Агар фарзандингиз иқтидорли бўлса, у ҳолда:

- унинг қизиқиши, ижодкорлигини, фикрлар оригиналлигини қўллаб-қувватланг;

- болани ҳеч қачон бирор бир нарсани нотўғри бажардинг деб койиманг;

- боланинг ўз севимли машғулоти ёки ўйин турини танлашига ва ўз фикрини баён этишига имкон беринг;

- бола сизга эмас Сиз унга мослашишингиз кераклигини унутманг;

- тенгдошлари ва катталар билан муносабатлардаги муаммоларни бартараф этишда ёрдам беринг;

- ўзи каби ҳар томонлама ривожланган дўстлари бўлишига аҳамият беринг;

- болангизнинг ҳар доим ҳам ғолиб бўлишига ортиқча интилманг, акс ҳолда бошқа болалар, тенгдошлари уни ёмон кўриб қолишлари мумкин;

- уни ҳаддан ташқари мақтаманг, иқтидорли эканлигини ўзининг олдида гапирманг;

- боладан ҳар доим ва ҳамма соҳада биринчи бўлишини, мактабда эса аълочи бўлиши кераклигини талаб қилманг (чунки мактабда аъло баҳоларга ўқиш ҳар доим ҳам иқтидорли бўлишга боғлиқ эмаслиги исботланган).

-боланинг ютуқларини эмас балки уни қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо фарзандингиз ҳис этсин;

-ҳеч қачон болага бошқалардан ёмонроқсан деб айта кўрманг, уни бошқа болалар билан таққосламанг;

-боланинг ҳар бир саволига имкон қадар рост ва сабр билан жавоб бериш лозим;

-ҳар куни фарзандингиз билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратишга ҳаракат қилинг;

-болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг;

-у билан ғурурланишингизни таъкидлашдан уялманг;

-болага нисбатан ўз ҳиссиётларингизни баҳолашда ростгўй бўлинг;

- болага ҳар доим рост гапиринг, агар бу сиз учун фойдасиз бўлса ҳам;
- болани айби учун жазоламоқчи бўлсангиз (масалан, бирор бир нарсани синдириб қўйса ёки кийимини ифлос қилиб келса) унга айна вақтдаги айби учун танбеҳ беринг;
- куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсини ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади;
- болангиз хато қилишга ҳақли эканлигини тан олинг;
- боланинг ёдида фақат бахтли онлар муҳрланиб қолишига ҳаракат қилинг;
- катталар болага қандай муносабатда бўлишса, бола ҳам ўзига худди шундай муносабатда бўлади;
- ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида боланинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

Фарзандларимизнинг тарбиясига салбий ва ижобий таъсир этадиган қуйидаги фикрларга кундалик турмушимизда амал қилсак, келажак авлоднинг мустақил фикр эгаси, маънан ва ақлан баркамол бўлиб етишишига, давлат ва жамиятимизнинг равнақиға муносиб ҳисса қўшишига эришамиз.

Ҳурмат гўдакликдан бошланади

*Г. Бабаярова
МТМХҚТ ва УМОРЎММ
ривожлантирувчи таълим,
ўйин-ўйинчоқлар
бўлим бошлиғи*

Буюк аждодларга муносиб авлодни тарбиялашнинг биринчи омили – оилада, мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларга тўғри тарбия бериш, уларнинг мурғак қалбида ота-онага, нуроний кишиларга ҳурмат ҳиссини тўғри шакллантиришдан иборат. Кайковуснинг “Қобуснома” асари ибратли ҳикматларга бой бўлиб, уни ҳар бир тарбиячи эътибор билан ўқиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Асарда шундай битиклар бор: “Ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онангга нима қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади”. Ота-онанинг ҳаёт чоғлари фарзанднинг энг бахтиёр, энг масъул ва ғанимат дамларидир. Шу боис, уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир. Буни оиладан ҳам кўра боғчаларда тарбиячи опалари гўдакларнинг мурғак қалбига синдириши жуда ижобий самара беришини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Бой маънавий меросимиз негизида қарияларга муносабат асосий ўрин эгаллайди. Жажжи ўғил-қизларга тарбия беришда кекса авлодга қанчалик кўп меҳр уйғотиб, ҳурмат ҳиссини шакллантирсак улар катталарга шунга

муносиб равишда улғаядилар. Ана шунда аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлашга муносиб ҳисса кўшган бўламиз. Демак, қарияларни ҳурмат қилиш, улар соғлом турмуш шароитида яшашлари учун имконият яратиш аввало оиладан бошланса, мактабгача таълим муассасаларида у изчил давом эттирилади. Оила, она ва бола, қарияларни кадрлаш, кексаларни эъзозлаш юртимиз мустақиллиги йилларида чинакам инсоний кадриятларга айлангани том маънода бахтимиздир. Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, “қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахонлар истиқомат қилса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлади. Қариялар – нуроний отахон ва онахонларни, аввало, бой ҳаётий тажрибага эга, турмушнинг аччиқ-чучугини кўрган инсонлар сифатида улуғлаймиз. Инсон кексайгач, унинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Ҳар қандай муомала ҳам ёқавермайди. Шундай ҳолларда уларни тушуниб, эъзозлаш лозим бўлади. Ота-она фарзандини тарбия қилишда ҳар қанча машаққат бўлса ҳам сабр қилган, норози бўлмаган. Аксинча, унга бор меҳрини бахшида этган. Фарзанд гўдаклигида ота-онага қанчалик муҳтож бўлса, ота-она ҳам кексайганида фарзанди ёрдамига шунчалик муҳтождир”. Дарҳақиқат, ҳаётимиз файзи бўлган нуронийлар ҳамиша эъзозга муносибдир. Ҳаёт қонуни шу: ота-она ёши улғайиб, кексайган сари ақл доираси тўлиб боради, ҳаёт тажрибаси ортади. Айни вақтда, хасталикларга тез чалинишади, ҳолсизланиб қолишади, руҳий ҳолатлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Фарзандлар ва қариндошлар ҳар қандай вазиятда ҳам бундай ҳолатни тўғри тушунишлари, улар билан муносабатда самимий, мулоҳим ва ширинсухан бўлишлари шарт.

Бола учун жамиятдаги ижтимоий воқеликлар ўзига хос тарбия муҳитини яратишга хизмат қилади. Мамлакатимизда ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши замирида улкан маъно мужассам бўлиб, ўша йиллар доирасида ўтказиладиган турли тадбирлар, анжуманлар кичкинтойлар руҳиятига, таъбир жоиз бўлса, тарбиясига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Айтиш жоизки, бу йиллар замирида ҳаётнинг турли жабҳаларида миллий маънавиятимиз юксалиб, кадриятлар янада кадр топиб бормоқда. Буни аввало ўша йилларнинг номларида ҳам кўриш мумкин. 1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар”, 2002 йил – “Қарияларни кадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Меҳр ва мурувват йили”, 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Шифокорлар ва ҳомийлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 – “Ёшлар йили” ва 2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлик йили” деб номланиши мамлакатимизда муайян соҳалар ривожига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида маънавий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ. Халқимиз учун кексаларга ҳурмат азалий ибратли кадриятлардан ҳисобланади. Ҳукуратимиз истиқлол йилларида қарияларни улуғлаш борасида бир талай хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, 2002 йил мамлакатимизда “Қарияларни кадрлаш йили” деб эълон қилиниб, ёши улуғ кишиларга ҳурмат ва эътибор янада кучайтирилди. Махсус ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида амалга

оширилган улкан бунёдкорлик ишлари халқимизнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. 9 май юртимизда Хотира ва кадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу байрам шарофати билан кекса отахону онахонларимиз халқимиз эъзозидан бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Бу кун тарихнинг оғир синовларини бошдан кечирган, фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдагиларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Халқимизнинг “Кадр кўрсатган кадр топади”, деган пурмаъно доно ҳикмати амалда намоён бўлади. Кексаларни кадрлаш, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш борасида бизнинг халқимиздек бағрикенг, меҳр-мурувватли халқ бўлмаса керак. Бу, аввало, оилада ва оиланинг бевосита узвий давоми ҳисобланган мактабгача таълим муассасаларида жажжи ўғил-қизларнинг ота-онага ғамхўрлиги, тарбиячи опаларга меҳрибонлигида ўз ифодасини топади.

Қариси бор уй энг бахтли саналади, бу оилада униб-ўсаётган фарзандлар тарбиясига барча ҳавас қилиши ҳам бор гап. Оила барқарорлигини таъмин этувчи муҳим омиллардан бири нуроний ота-оналарнинг оилаларга, ҳатто, маҳалла-кўйга қанчалик фойз киритишлари билан изоҳланади. Қариялар – хонадонларимизнинг фойзи ва фариштаси. Кекса отахон ва онахонлар истиқомат қиладиган хонадонларда муҳит ўзгача бўлади. Маълумотларга кўра, айти пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук инсонлар яшашпти. Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва фойзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, ҳар бир кунимиз маъноли ва сермазмун ўтишида ота-боболаримизнинг маънавий таъсири беқиёс эканини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Кексалар – оила устунни, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Нуронийлари бор хонадондаги ёшлар, биринчи навбатда, уларни эъзозлаб, уларнинг иззат-ҳурматларини жойига қўйишлари лозим. Оила билан ҳамisha ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи мактабгача таълим муассасаларида ҳам тарбия пойдевори ана шу муқаддас қадриятларга асосланган ҳолда тобора мустаҳкамланиб бориши мақсага мувофиқдир.

Мактабгача таълим муассасаси имижини яратиш

Р.Мусаева

МТМХҚТ ва УМОРЎММ

Инсонларга ёқиш санъати ва фани деб юритиладиган имиж йўналиши, ҳар бир инсонни жазибдор ва бетакрор бўлишга чорлайди. Имиж² (инг. image, лот. imago - тимсол, кўриниш) - шахс, ҳодиса, нарсанинг оммалаштириш, реклама қилиш ва бошқа мақсадларда одамларга ҳиссий-

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. Эл. Манба: WWW.ziyouz.com.кутубхонаси.132-б.

рухий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакллантириладиган қиёфаси; тарғиб қилиш воситаларидан бири (масалан, сиёсий арбоб имиж).

Эмоционал, ёрқин яратилган, махсус шакллантирилган имиж муассасанинг жамоасига, тарбияланувчиларига ҳамда ота-оналарига маълум маънода рухий таъсир кўрсатади. Муассасада ҳар бир шахсга ижодий эркинлик яратиш керак. Болаларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, катталар жамоасига эса ўзларининг касбий малакаларини оширишга имкон туғдиради. Муассасадаги ҳар бир ходим корхонанинг юзи ҳисобланади, чунки ходимларга қараб муассасага бирламчи умумий баҳо берилади.

Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзининг педагогик имижига эга, шу билан бирга барча ходимларни бир хил кўринишдаги ягона имиж бирлаштиради. Педагогнинг ташқи кўриниши, муомала маданияти, ақлий салоҳияти, ним табассуми, хулқ атвори ҳамда касбий фахри унинг имижини яратади.

Муассанинг имижини унинг кўрғазмали воситаларига ҳам боғлиқ бу ўринда муассасага танланган ном, байроғи, махсус кўкрак нишони (бейжик), баннерлар ва ташқи реклама воситалари, гуруҳларнинг болаларбоп безалиши, ёзги майдончаларнинг жиҳозланиши, ижодий хоналарнинг шинамлиги, хонадаги танланган рангларнинг уйғунлиги, гуруҳлар интерьерлари ҳамда ҳамоҳанглиги ва шу каби воситалар имижини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Муассаса раҳбари сиймоси ва унинг ишбилармонлигига ҳам имижнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Хушмуомала, мулоқотга тез киришувчан, билимли ва масъулиятли, бир сўз билан айтганда замонавий раҳбар - муассасанинг имижини ошириши шубҳасиздир.

Республика миқёсидаги конкурслар, матбуот анжуманлари, ижодий кечалар, болалар фестиваллари ва спорт тадбирларини мунтазам уюштириш, болалар ва катталар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, илғор иш тажрибаларни оммалаштириш, устоз-шогирд тизимида иш юритиш, янги, қизиқарли йўналишларни топиш жамоатчилик эътиборини тортибгина қолмай, мактабгача таълим муассасасининг имижини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Шунингдек, Худудий халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида (ХТМФМТТЭБ) да муассасалар имижини бўйича “Энг обод муассаса”, “Кўркама майдонча”, “Энг яхши тарбиячи”, “Энг намунали раҳбар”, “Зукко методист”, “Чакқон йўриқчи”, “Креатив мусиқа раҳбари”, “Энг билимдон психолог”, “Меҳрибон энага” каби кўрик танловларни туман, шаҳар ва вилоят кесимида ўтказиш ва натижаларга кўра истиқболдаги фаолият йўналишини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача таълим муассасаси имижини аниқлаштирувчи усуллардан кенг фойдаланиш, сўровнома (очиқ ва ёпиқ) ўтказиш, тест (ички ва ташқи) олиш, суҳбат (якка ва жамоавий) уюштириш, амалий ўрганишлар муассаса имижини баҳолашда кўл келади. Муассаса имижини нафақат таълимий-тарбиявий жараёнларга таъсир кўрсатибгина қолмай, жамоанинг аҳиллигини сақлаш, бирдамлигини таъминлашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг замонавий жиҳатлари

М.Каримова
МТМХҚТ ва УМОРЎММ
Д.Узоқова
Навоий ВХТХҚТМОИ

7 ёшдаги болалар мактаб ўқувчиси ролини бажаришга тайёр бўлади, унда янги ўқув фаолияти ва билимларини ўзлаштиришга мойиллик пайдо бўлади. Шунингдек, болаларда шахсий сифатлар ва психологик томондан тайёрлик шакллана бошлайди. Боланинг психик ривожланишидаги бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мақсадга йўналтирилган педагогик таъсир натижасида пайдо бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, агар оилада таълим олиш учун зарурий шароитлар яратилмаса, бола тенгдошлари орасида ривожланишдан ортда қолади. Психолог олимларнинг фикрича болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида уларга ортиқча юклама ва топшириқлар берилса, ўзини бошқариш ва таҳлил қилишга қийнала бошлайди. Бироқ ҳар қандай ёшда шахс ўзининг баҳолаш ва юқори даражада туришга ҳаракат қилади.

Психик ривожланиш жараёнида болалар маълумотларни эсда сақлаш, таҳлил қилиш, қиёслаш ва умумлаштиришга ҳаракат қилади. Яъни бунда оптимал даражада ривожланиш имконияти пайдо бўлади ва ёш даврига хос ўзгаришлар рўй беради. Мактабга тайёрлик даврида бундай ҳолатлар шаклланмаса, бола ривожланишида салбий бурилиш хосил бўлиши мумкин. Мактабгача таълимнинг асосий вазифаси болани ҳар томонлама мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Мактабгача ёш даврида болаларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда педагоглар ва ота-оналардан мақсадга йўналтирилган фаолият талаб этилади. Ота-оналар ва педагоглар болалар тарбиясида уларнинг психик ривожланиш қонуниятларини чуқур англашлари, кейинги ёш босқичининг ўзига хос томонлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим. Боланинг келгуси ривожланишида қандай ўзгариш ва янгиликлар бўлишини олдиндан билишлари лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, болаларда талаб этиладиган мактабга тайёрлик даражаси ота-оналарнинг фаол таъсирисиз намоён бўлмайди. Шунинг учун ота-оналар катта ва мактабга тайёрлов ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларини билишлари керак. Мактабга тайёрлашни самарали ташкил этишда ота-оналар болаларни мактабга тайёрлаш учун суратли қўлланмалардан (5 та китоб) тўғри фойдаланишни билишлари, жараёнда учрайдиган қийинчиликларни бартараф эта олишлари лозим.

Ота-оналарда болаларга тарбия беришда пайдо бўладиган муаммоларни ечиш учун давра суҳбати, тренинглар, ўйин фаолияти орқали маслаҳатлар бериб борилади. Болаларни мактабга тайёрлаш даврий равишда давом эттирилади. Болалар атроф-олам ҳақидаги билим ва тасаввурларни турли хил усуллар асосида ўзлаштирадиган масалан:

буюмларни ўрганиш, тасвирий фаолият, ўйин, катталар билан мулоқот орқали.

Боланинг фаолияти ўқитиш шакли ва ўқув фаолияти тўғри танланса, у ўзлаштираётган билимлар мақсадга йўналтирилган, фаолликка ундайдиган бўлсагина, самарали кечади. Шунда бола бирон бир ҳатти-ҳаракатни бажариш натижасида янгиликларни ўрганadi, тушунади ва ўзлаштиради. Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида ўқув фаолияти кўникмалари ва хулқ-атвор меъёрлари яъни мактабда дарс жараёнида партада ўтиришни билиш, педагог саволларига қўл кўтариб тўғри жавоб бериш кўникмалари аста-секин шакллантирилиши зарур. Юқоридаги ҳолатлар ўқув фаолиятига тайёрликнинг асосий шакли эмас, асосийси шундаки, болалар ўқув вазифалари ва топшириқларини бажаришга диққатини қарата олишлари лозим. Бунинг учун болалар гуруҳда партада ёки гиламда ўтириб яқка ўзи ёки тенгдошлари билан тарбиячи берган топшириқни бажариши керак. Тарбиячи 1-синфдаги ўқитиш мазмуни катта ва тайёрлов гуруҳларда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларга ўхшаш эканлигига диққатни қаратиш талаб этилади. Масалан катта ва тайёрлов гуруҳи болалари сўзларни тўғри талаффуз қила олади, ҳарфларни танийди, рақамларни ва санашни билади ҳамда асосий геометрик шаклларни ажрата олади. Ўқувчилар биринчи ярим йилликда асосан мактабгача даврда ўзлаштирган, уларга таниш бўлган билимларни оладилар. Болаларни мактаб таълимига мослашув жараёни ҳам айнан биринчи ярим йилликда қийинчилик билан ўтади. Мактабда билим ва кўникмаларни самарали ўзлаштириш ўқувчиларда аниқ мақсад асосида ўқув фаолиятини ташкил этишни талаб этади. Мактабгача ёшда болалар билимларни кўп қисмини ихтиёрсиз ўзлаштирадилар, машғулотлар қизиқарли шаклда турфа хил ташкил этилади. Болалар хоҳиш-истакларига кўра турли фаолият орқали билимларни ўзлаштиришлари мумкин. Болани мактабга тайёрлашда фақатгина уларнинг хотираси, диққати ва тафаккурини ривожлантириш етарли эмас. Боланинг мактабга тайёрлик даражаси мактабда олиш лозим бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини таъминлаш билан амалга оширилади. Яъни ўқув фаолияти ва ўқитиш мазмуни боланинг билиш жараёнлари, образли тафаккурининг юқори даражада ривожланишига туртки бериши лозим. Мактаб таълимига тайёрликни кўрсаткичи сифатида болада геометрик шаклларни таҳлил қила олиш, улардан турли хил образлар яратиш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш, ифодали, раван гапириш малакаларига эгаллигини мисол қилишимиз мумкин.

Боланинг билиш фаолиятини юқори даражадалиги ўқув мотивациясини етарли эканлигига кафолат бермайди, балки боланинг билишга қизиқишини ошириш мактаб таълимининг мазмун ва шартларига узвий равишда боғлиқ бўлиши керак.

Демак, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси болани мактаб таълимига тайёрлашда машғулотларни замонавий усулда ташкил этиши, ота-оналар билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилиши, ўз устида тинимсиз

ишлаши, умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур.

Оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги – замон талаби

*Л.Р.Миржалолова
Л.Абидовалар
Тошкент шаҳар
ХТХҚТМОИ*

Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Оила – башарият яратган бебаҳо, маънавий қадриятдир. Оилада тарбияга эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам, бундай миллат дунёда узоқ яшай олмайди. Шунинг учун ҳам ҳамма асрларда, ҳамма халқ ва миллатларда дунёнинг буюк олим ва фузалолари, таниқли адиблари умрларининг охиригача қимматли соатларини оилани яратиш, уни барқарорлаштириш, инсонни энг ноёб фароғатдан баҳраманд қилиш бахтига муяссар этиш устида бош қотириб ўтказадилар.

Ҳозирги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш таълим муассасалари билан бир қаторда, ота-оналар, оила аъзолари, маҳалла, жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи, инсонийлик масъулиятидир.

Шунингдек, миллий қадриятларни асраш, миллат шаъни, ғурури учун жон куйдириш туйғусини болалар шуурига сингдиришда оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида тарғибот ишларининг олиб борилиши яхши самаралар беради. Болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ахлоқ-одобига жавобгарликнинг барча масъулияти нафақат ота-она ва мактабгача таълим муассасаси жамоасига, балки давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам тушади. Кўп ҳолатларда айнан оиланинг катталари ва уларнинг ҳаёт тажрибаси болани қинғир йўлларга кириб кетмасликдан сақлайди, онанинг бола тарбияси учун масъуллигини оширишда етакчи омил ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилаларда соғлом муҳит яратиш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилса, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик мавжуд бўлгандагина ҳар томонлама баркамол инсон шаклланади.

Албатта оилада боқувчисини йўқотиш ёки ота-онанинг ажралиб кетиши, аввало, фарзанд тақдирига салбий таъсир кўрсатади. Вояга етмаган боланинг ушбу ҳолатда қаттиқ изтироб чекиши, унинг биринчи навбатда, саломатлигига, қолаверса, тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда болаларнинг мустақил фикрлашлари учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Болаларнинг онги тайёр шаблонларга шу қадар ўрганадики, улар охир-оқибат ҳар қандай ёт ғояларга эргашиб кетаверадиган бўлиб қолади. Бу каби ҳолатларда жамият аъзолари билан учрашганда деярли интерфаол мулоқотни юзага келтириш болаларда ақлан етукликка интилиш ҳамда мустақил фикрлаши учун замин яратади.

Демак, ота - она жамиятнинг асоси бўлган оиланинг етакчи аъзолари, вояга етмаган фарзандлари учун давлат ва жамият олдида илк масъул бўлган шахсдирлар. Маълумки, миллий кадриятларимизга кўра бува, буви, ота-она, ўғил-қиз фарзандлар аҳил, тинч яшаётган оила мустаҳкам оила ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон психологик илмида бола хулқ-атвори ва руҳиятининг шаклланишида оиланинг маҳалла, таълим муассасалари билан ҳамкорлиги етакчи муҳим ўрин эгаллайди. Асосий масалалардан бири ана шу ҳамкорликни янада такомиллаштириш, фан ва илмий тадқиқотларда қўлга киритилган натижаларни амалиётга жорий этишдир. Бола шахси ривожланишида “Мен” тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг ўзи ва ўз фазилатлари тўғрисидаги тасаввурлари дастлаб оила тарбиясидан бошланади, мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар ёрдамида эса ушбу тасаввурлар янада кенгайиб, комил шахс фазилатлари ривожланиб боради. Мактабгача ёшдаги бола шахси ижтимоийлашуви жараёнида унинг ўзи тўғрисидаги тасаввурлари тизимининг шаклланишида оила омилининг роли шундаки, бунда асосий шакллантирувчи механизм оиладаги маънавий-руҳий муҳит, ота-она ва яқинларининг ўзаро муносабатларидан ташқари ота-онанинг фарзандга бўлган муносабатлари ва болани комил инсон этиб тарбиялаш тўғрисидаги билимлари муҳим ўрин тутди. Демак, боланинг ўзини, ўз шахсини, қайси бир жинс вакили эканлигини англаши ва ҳаётий тасаввурларининг шаклланишида ота-оналик муносабатларининг уйғунлашган бўлиши катта аҳамиятга эга. Нормал ривожланаётган болалар мактабгача таълим муассасаларида катта ҳаётий тасаввурларга эга бўлиб бордилар, бу ердаги таълим ва тарбиянинг самарадорлиги оила билан ҳамкорликка таяниши барчага маълум. Кўплаб халқларда қайси ёш даврида болаларга қандай муомала қилиш ҳақида маълум тасаввурлар шаклланган. Ана шу тасаввурларнинг ҳаммаси бир нарсани таъкидлайдики, бола шахси тараққиёти ундаги турли сифатларнинг шаклланиши учун энг масъулиятли давр бу боланинг 5-6 ёшгача бўлган даври, яъни илмий психологик тил билан айтганда мактабгача ёш даври ҳисобланади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деганларидек бола оилада нимани ўзлаштиради, ҳаётда ҳам шу тажрибани қўллайди, яъни шафқатсизлик қилсак шафқатсизликни, қўполлик қилсак қўполликни, бефарқлик қилсак бефарқликни, лоқайдлик қилсак лоқайдликни. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар кенгашларини ташкил этишда муаммолар мавжуд бўлиб, улар асосан мактабгача таълим муассасалари маъмурияти, тарбиячи-педагоглар ҳар доим ҳам барча тарбияланувчиларнинг оиласи, ундаги шароитлар, ота-онанинг бола баркамол бўлиб вояга етишига қанчалик қизиқиши ва

манфаатдорлигини яхши билмаслигидан иборат бўлиб, натижада баъзан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган бола психологиясида айрим муаммолар, кемтиклар келтириб чиқаради. Мактабгача таълим муассасалари маъмурияти, тарбиячи-педагоглар мана шу муаммо ва кемтикларни бартараф этишга бефарқ бўлмасалар, ота-оналар билан ишлашда ҳамкорликни таъминласалар болалар тарбиясида баркамолликка эришиш самарадорлиги янада ошади.

Мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни таълимга жалб этиш

*З. Файзиева
ТШХТХҚТМОИ “Мактабгача,
бошланғич ва махсус таълим”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Мактабгача ёшдаги болаларнинг келгусида мактабда яхши ўзлаштириши, мактабга мослашувнинг енгил ўтиши, бола шахсида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, қийинчиликларни бартараф этишни амалга оширишда шу болаларнинг мактабгача таълим муассасасига жалб этилганлиги, бу билан таълимга қамралганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ҳар бир мактабгача таълим муассасаси жамоаси ўз худудида яшовчи оилаларнинг таркибини ўрганиб, оиладаги 7 ёшгача бўлган болаларнинг таълимга қамралганлик даражасини ўрганишлари зарур. Бу жараён анча жиддий муносабатни талаб этади. Аввало, ҳар бир оиланинг ижтимоий ҳолатига эътибор бериш талаб этилади. Шунингдек, оиладаги 7 ёшгача бўлган болаларнинг таълимнинг қайси тури ва кўринишига жалб этилгани аниқланади. Агар бола мактабгача таълим муассасасига қамралмаган бўлса, у ҳолда бунинг сабаби албатта белгиланади. Ота-оналарга тегишли тавсия ва маслаҳатлар бериш, тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш режалаштирилади. Бу ишнинг мазмуни ва тузилиши юзасидан маҳалла фаоллари билан ҳам ҳамкорлик қилиш лозим. Масалан, болаларни мактабгача таълим муассасаси қошида ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳларга жалб этиш, кўшимча таълим билан қамраш, оилада таълим бериш орқали уларни мактаб таълимига тайёрлаш борасида тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактабгача таълимга қамралмаган болаларни мактабгача таълим муассасасига жалб этиш ҳам ўзига хос ёндашувни талаб этадиган жараён. Бунда, аввало, ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаси ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, ижобий фикрлар ҳосил қилиш, муассасада ташкил этиладиган таълимий жараёнга уларни жалб қилиш, ҳамкорликдаги тадбирлар ташкил этиш, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигидаги тадбирларга ота-оналарни жалб этишга эътибор қаратилади.

Пировард мақсад, ота-оналар онгида боланинг мактаб таълимига тайёрлигида уларнинг шахсан масъуллиги ҳақида фикрнинг шаклланиши, бунинг учун ота-оналар ўз фарзандларини албатта мактабгача таълим билан қамралишига шароит яратишлари лозимлигини тушуниб етишларидан иборат. Ижтимоий мактабгача таълим муассасалари давлат томонидан белгиланган вазифаларни изчил бажара бориб, мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши, рухий – ижтимоий йўналишда кўникма ва малакаларга эга бўлиши, нутқининг талаб даражасида шаклланиши ҳамда ақлий ривожланишни таъминлайди. Шу муносабат билан, ҳар бир боланинг мактабгача таълимга қамралиши давлат аҳамиятидаги вазифа эканлиги, ота-оналар ҳам бу борада масъул эканлиги эътиборга олиниши зарур. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки:

Оилани таълимга жалб қилиш мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришга қаратилган ҳар қандай дастурнинг муҳим таркибий қисми саналади.

Оиланинг бошқа аъзолари ҳам, масалан, ота-онаси, бувиси, ака-опалари жалб қилинган ҳолда таълим ишлари олиб борилса, болалар ўқишга, таълим муассасасига нисбатан янада ижобий муносабатда бўладилар ва яхши ўзлаштиришни намоён қиладилар.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган тавсияларимиз айнан мактабгача таълим муассасасига қамралмаган болалар, уларнинг ота-оналари билан ишлашга қаратилган. Улардан ўз фаолиятингизда ижодий ёндашиб фойдаланишингиз мумкин.

МТМ худудида фарзандлари таълимга қамралмаган оилалар билан танишиш сўровномаси

1. Исми шарифингиз
2. Нечта фарзандингиз бор?
3. Уларнинг нечтаси ўз вақтида МТМга борган?
4. Мактабга борадиган фарзандларингиз борми?
5. Мактабгача ёшдаги болаларингиз борми?
6. Уларнинг нечтаси МТМ га боради?

1. МТМга бормаслигининг сабаби нимада :

- Хали кичкина
- Тез- тез касал бўлиб қоляпти
- Буви-буваси борлар, қараб туришади
- Ўзим ишламайман, уйдаман
- Бадал пули қимматроқ
- Уйимизга боғча яқин эмас
- Болалани боғчага олиб боришга одам йўқ, кичкина болам бор
- Боғчада бўш жой йўқ экан
- Боғчада яхши ўргатишмайди
- Бошқа болаларим ҳам боғчага бормаган

2. Агар фарзандингизни МТМга олиб бориш имкони бўлганда МТМга нисбатан қандай талаблар қўйган бўлардингиз:

- Таълим сифатини кўтариш чоралари кўрилса
- Болалар соғлигини кўпроқ назоратга олишса
- Рус тилида ишлайдиган гуруҳлар бўлса
- Болаларни овқатлантиришга эътиборни кучайтиришса
- Мактабга тайёрлашда ёрдам беришса
- Шанба ва якшанба кунлари ҳам ишлашса
- Болалар спортга эътибор кўпроқ бўлса
- ... бошқа таклифлар

МТМ га қамралмаган болаларнинг ота- оналари ва мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда қўлланиладиган суҳбат саволлари

БОЛАГА, УНИНГ ОИЛАСИГА ТЕГИШЛИ САВОЛЛАР

1. Исминг нима?
2. Ёшинг нечада?
3. 3 йилдан сўнг неча ёшга тўласан?
4. Ойинг (даданг)ни исми нима?
5. Оилангларда неча киши яшайсизлар?
6. Ойинг (даданг) ким бўлиб ишлайди?
7. Боғчага боришни истайсанми?
8. Ўртоқларинг боғчага борадими?
9. Боғчанг қандай бўлишини истардинг?
10. Қандай ўйинчоқларинг бор?
11. Сенга уйда эртақлар айтиб (ўқиб) беришадими?
12. Расм чизишни яхши кўраманми?
13. Китобларинг борми?
14. Қандай мултфилмларни ёқтирасан?
15. Ойинг (даданг) билан паркка борганмисан?
16. Ойинг (даданг) билан поликлиникага борганмисан?
17. Ойинг (даданг) билан дўконга (бозорга) борганмисан?
18. Нега боғчага бормаяпсан?
19. Мактабга боришни истайсанми?
20. Қандай таомларни яхши кўрасан?...

Бола ривожланишида бу жараённинг ҳар бир даври алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, мактабгача ёшда бола бутун ҳаёти давомида унга асқотадиган маълумотларнинг 70 фоизини ўзлаштириш имкониятига эга бўлар экан, шу даврда у ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни ўз вақтида шакллантириш зарур.

Соғлом бола таълим -тарбиясида оила ва мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги - самарадорлик омили

Бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш таълим муассасалари билан бир қаторда, ота-оналар, оила аъзолари, маҳалла, жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи, инсонийлик масъулиятидир.

Мустақил Ўзбекистонимизда болалар муаммосига у ёки бу даражада алоқадор бўлган ҳар бир ташкилот ёки шахснинг вояга етмаганларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ўз ўрни, аҳамияти, ўзига хос таъсири бор.

Жумладан, миллий қадриятларни асраш, миллат шаъни, ғурури учун жон куйдириш туйғусини болалар шуурига сингдиришда Оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида тарғибот ишларининг олиб борилиши яхши самаралар беради. Болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ахлоқ-одобига жавобгарликнинг барча маъсулияти нафақат ота-она ва боғча жамоасига, балки давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам тушади.

Нотинчлик ва зиддиятларни бошидан кечирган оилаларнинг вакиллари фарзандларига тўлақонли таълим ва яхши тарбия беришлари учун ўзлари саводли ва муайян касб-ҳунарнинг эгаси бўлишлари керак. Нотинч оила соҳибларининг малакаси ва билим даражаси юқори эмаслиги, бу эса оилада соғлом маънавий муҳитни ташкил этиш, фарзандларни тўғри тарбиялашда ота ёки онанинг ўзлари етарлича хабардор эмасликларидан хабар беради. Демак, юртимизда ёшларни касб-ҳунарга юз фоизга жалб этиш сиёсати истиқболда оилаларнинг мустаҳкам бўлиши, ўз маиший-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, фарзандларга тўғри меҳнат тарбияси беришлари учун шарт-шароит яратишда муҳим ҳисобланади.

Фарзанд тарбияси ва уларнинг тақдирига ёлғиз ота ва онадан ташқари бувилар ва боболар, амаки ва бошқа яқин қариндошлар, шунингдек, қўни-қўшнилар алоқадор бўладилар. Кўп ҳолатларда айнан оиланинг катталари ва уларнинг ҳаёт тажрибаси болани қинғир йўлларга кириб кетмасликдан сақлайди, онанинг бола тарбияси учун масъуллигини оширишда етакчи омил ролини ўйнайди.

Маҳаллаларда миллий қадриятларни асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болаларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар бўлими, “Сен ёлғиз эмассан”, “Соғлом авлод учун” ва “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармалари билан ҳамкорликда тарғибот ишлари олиб бормоқ зарур.

Албатта оилада боқувчисини йўқотиш ёки ота-онанинг ажралиб кетиши, аввало, фарзанд тақдирига салбий таъсир кўрсатади. Вояга етмаган боланинг ушбу ҳолатда қаттиқ изтироб чекиши, унинг биринчи навбатда, саломатлигига, қолаверса, тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳалқимизда азал-азалдан “Маҳалла - Ватан ичра Ватандир”, “Отанг - маҳалланг, онанг - маҳалла” деган ҳикматлар бежиз тилга олинмаган ва уларга изчил риоя қилиниб келинган. Дарҳақиқат, маҳалла фуқароларни, биринчи навбатда, болаларни одоб-ахлоқ, ор-номус, бирдамлик, умуман миллий анъана руҳида тарбиялаш ўчоғидир.

Оила ва маҳаллада соғлом муҳит мавжуд бўлгандагина уларда ҳар томонлама баркамол инсон шаклланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятнинг инсонпарварлиги, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғизлар, етимлар, ночор кишиларга бўлган меҳр-мурувватида намоён бўлади. Оила ва маҳалла доирасида фуқароларни, айниқса, ёшларни турли ёмон таъсирлардан асрашда ахлоқий кадриятлардан фойдаланиш ва бундай ахлоқий таъсир воситаси сифатида оиладаги маънавий-маърифий муҳитни мўътадиллаштириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Ёшларни тарбиялашда ахлоқийликка ўргатиш ахлоқан ва маънан юксак бўлиш - таъийқни, куч ишлатишни бутунлай рад этади.

Болалар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда болаларнинг мустақил фикрлашлари учун шароит яратиш лозим, акс ҳолда унинг онги тайёр шаблонларга шу қадар ўрганадики, улар охир-оқибат ҳар қандай бидъат ёки ёт ғояларга эргашиб кетаверадиган бўлиб қолади. Яъни оила аъзолари ва маҳалла аҳли билан учрашганда омма билан деярли интерактив мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ақлан етукликка интилиши ва мустақил фикрлашига ёрдам беради.

Оила – маҳалла – мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлашда маҳалла посбони, диний маърифат ва маънавий - ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин - қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда жамоатчилик назоратининг ўрни катта аҳамият касб этади. Агар маҳаллаларда оила-маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилса, иш ҳеч қачон судгача етиб бормади.

Демак, ота - она жамиятнинг асоси бўлган оиланинг етакчи аъзолари, вояга етмаган фарзандлари учун давлат ва жамият олдида илк масъул бўлган шахсдирлар. Маълумки, миллий кадриятларимизга кўра бува, буви, ота-она, ўғил-қиз фарзандлар аҳил, тинч яшаётган оила мустаҳкам оила ҳисобланади.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, барча давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда жипслашиб, ҳамкорликда фаолият олиб борсалар, улар фаолиятидаги иш самарадорлиги кўлами янада кенгайишига шубҳа йўқ. Уларнинг ҳар бирининг ўз иш йўналишлари мавжуд бўлса-да, лекин пировард мақсадлари яқдил, яъни маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш ва уларнинг фаровонлигига эришишдир.

Таълим тизимининг дастлабки босқичи мактабгача таълимдир. Мактабгача таълим – жамиятнинг эртаси бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаши, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиши, мунтазам таълим олишга тайёрлаши лозим.

Ҳар бир ёш даврида бола турли фаолият босқичларини босиб ўтади ва ҳаётий тажрибаси ортиб боради. 6-7 ёшли болада ҳали ўйин фаолияти устунлик қилиб, таълим фаолиятига оид мотивлар, эҳтиёж ва қизиқишлар

таркиб топа бошлайди. Боланинг мактаб таълимига тайёрлиги тушунчаси уларнинг жисмоний, психологик, ақлий, ахлоқий тайёрлиги билан белгиланади.

Хабаримиз борки, туман худудларида кўп бола мактабгача таълим муассасасига қатнамайди. Боланинг асосий вақти оила муҳотида бўлганлиги учун ота-онанинг болани мактабга тайёрлашдаги роли беқиёсдир. Ҳар бир ота-онанинг вазифаси фарзандининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, табиий уй шароити муҳотидаги воқеа-ҳодисалар жараёнида фарзандига ўқишнинг ақлий меҳнат эканлигини; диққатини, иродасини ишга солиши кераклигини; бундан ташқари ўз хулқини идора этиши, хатти-ҳаракати учун жавоб бериши лозимлигини англатиши зарур. Оиладаги соғлом муҳит одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзандларнинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатлари тўғри шаклланишига ёрдам беради. Шундай экан, ота-она боланинг биринчи тарбиячиси ҳисобланади ва ҳар бир ота-она фарзандида мактаб ҳақидаги илк тасаввурни ҳосил қилиши лозим ва бу ўринда ота-оналарга маҳалла ва шу худудда жойлашган мактабгача таълим ходимлари томонидан жиддий ёрдам бериш талаб қилинади, яъни мактабгача таълим муассасаси ва маҳаллалар қошида “Саводхонлик марказлари”ни ташкил этиш лозим.

Албатта ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб етишишида дастлабки таъсир этувчи омил бу – мактабгача таълим ҳисобланади. Ҳозирги кунда болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаларнинг роли жуда катта. Сабаби боланинг дастлабки дунёқараши шаклланишида мактабгача таълим муассасаси психологи, тарбиячи ва барча педагог ходимларининг ўрни катта аҳамият касб этмоқда, яъни болалар илк саводхонликни мактабгача таълим муассасаларида олмоқдалар. Болаларни ақлий, ахлоқий ва жисмоний етук инсон қилиб тарбиялашга муассасаларда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, улар болаларда зукколикни, зеҳнини, тафаккурини, хотирани кучайтириш мақсадларига қаратилган.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам кўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради ва шунинг учун муассасаларда тарбиячилар томонидан, оилада ота-оналардан боланинг мактабга тайёргарлиги ундаги идрок, кузатиш, хотира, тафаккурнинг ривожланиши, вақт ва фазовий тушунчалар олами, ижтимоий

ходисалар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши лозимлигини англашиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, жисмоний, психологик, ақлий, ахлоқий тайёр болаларгина мактаб таълимига тайёр ҳисобланади. Бу жараёнда эса мактабгача таълим муассасасининг ва ота-онанинг роли муҳим аҳамиятга эга, яъни мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари томонидан бериб келинаётган таълим-тарбияни оилада ота-оналар ўз назоратларига олсалар; оилада боланинг ички имкониятларини, эҳтиёжини ва қизиқишлари, ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ақлий зўриқишга йўл қўймаслик, болага индивидуал ёндашиш; ва энг асосийси - ўйин фаолиятдан фойдаланиб, болада таълим фаолиятига оид кўникмаларни шакллантириб, уни мактаб таълимига тайёрлашдир.

6-7 ЁШЛИ БОЛАЛАРДА ЎҚУВ МОТИВЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Т.Хурвалиева-п.ф.н. доцент.
Тошкент ВХТХҚТМОИ*

Болаларни мактабга тайёрлаш уларда мактабга нисбатан ижобий муносабат ва ўқув мотивларини шакллантириш ота-оналар ва мактабгача таълим муассасаси педагоглари олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг фаолияти болада мактабга қизиқишни ошириш учун қуйидаги асосий вазифани бажаришга йўналтирилади.

□ Болаларда ўқиш ва мактаб ҳақидаги тасаввурни тўғри шакллантириш.

□ Мактабда ўқишга нисбатан ижобий эмоционал муносабатни шакллантириш.

□ Ўқув фаолияти тажрибасини шакллантириш.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда турли усул ва шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, болалар билан мактабга саёҳат уюштириш, мактаб ҳақида суҳбатлашиш, мактаб ҳаётига доир ҳикоя ва шеърларни айтиб бериш ва ёд олдириш самарали усуллардан ҳисобланади. Мактаб ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган расмни томоша қилиш ва улар ҳақида суҳбат уюштириш, мактаб расмини чизиш ҳам болаларни ўқув фаолиятига киришишларига туртки бўлади. Болаларга айтиб бериладиган мактаб ҳақидаги ҳикоя ва шеърлар шундай танланиши лозимки, унда мактаб ҳаётининг ҳамма жабҳалари ёритилиши ҳамда кўрсатилиши керак. (Масалан: мактабга бораётган боланинг хурсандлиги; мактабда олинадиган

билимнинг муҳимлиги ва аҳамияти; мактаб таълимининг мазмуни; мактабда ўртоқлик ва дўстлик ҳурматини юқорилиги; синфдош ва мактабдошларга ёрдам бериш зарурлиги; дарс ва мактабда хулқ-одобга риоя қилиш қоидалари). Бунда болаларга “яхши ўқувчи” ва “ёмон ўқувчи” образини кўрсатиш мумкин. Болалар билан ижобий ва салбий одоб-ахлоқ меъёрларини солиштиришга доир мавзуларда суҳбатлар ўтказиш керак. Катта ва мактабга тайёрлов гуруҳ болалари мазмунан қизиқарли, кулгили ҳикояларни иштиёқ билан тинглайдилар. Мактабга уюштирилган экскурсиядан сўнг ҳосил бўлган тасаввурни мустаҳкамлаш, мактабга ҳиссий муносабатни шакллантириш учун турли хил ўйинлар ташкил этиш, ўйин мазмунини “Билмасвой” роли орқали ифодалаш мумкин. Бунда “Билмасвой” ўқишни хоҳламайдиган, ҳаммага ҳалал берадиган, белгиланган қоидаларга риоя қилмайдиган ҳолатларни тасвирлаб беради. Ўйин якунида тарбиячи болалар билан ўйин жараёнини таҳлил қилади ва хулосалар чиқаради.

Мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларда ўқув мотивларини шакллантириш оилада яратилган шароитга бевосита боғлиқдир.

Янги билим олишга интилиш; китоблар ва турли хил мазмундаги журналларга қизиқиш кўникмаси; мактабда ўқишнинг аҳамиятини англаш; ўзининг “истайман”, “керак” сўзларига бўйсун олиши; бошлаган ишнинг охирига етказиш ва меҳнат қилиш истагини ҳосил бўлиши; ўзининг ишидан қониқиш, иш натижасини таққослай олиш кўникмаси; хатоларини кўра олиш; муваффақиятга эришишга ҳаракат қилиш ва ўзини адекват баҳолаш-буларнинг барчаси мактабда ўқишнинг асосий мотивлари ҳисобланади.

Келтирилган омилларнинг барчаси оила деган муҳим ячейкада ташкил этилган тарбия ва эътибор орқали амалга оширилади. Агар оиладаги тарбия нотўғри ташкил қилинса, мактабгача таълим муассасасида эришилган барча ижобий натижаларнинг ўзи кифоя қилмайди.

Болаларга бериладиган ўқув топшириқлари бола учун “шахсий фикр”ни юзага келтириши лозим. Бунинг учун бола фаолиятга киришиш, ютуқларга эришишни ўзи аниқлаши керак. Тарбиячи болани топшириқни тўғри ва хатосиз бажаришга ҳаракат қилишига ундаши лозим. Болаларда ўқув вазифаларини бажаришда икки хил вазият юзага келади:

1. Тарбиячи кўрсатмасига кўра берилган топшириқни бажариш истаги. ўзи учун яъни шахсий сифатларни таҳлил қилиш, топшириқни яхши тушуниш ва нима қилиш кераклиги, вазифани бажаргандан сўнг қандай натижага эришиш мумкинлигини англаш.

Бундай вазиятларнинг асосий сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин.

- Бола вазифани қабул қилади ва тушунади (топшириқни бажаришни хоҳлайди ва тушунади, нима қилиш кераклигини билади).

- Бола вазифани қабул қилади, лекин тушунмайди (топшириқни бажаришни истайди, бироқ нима қилиш кераклигини тушунмайди).

- Бола вазифани қабул қилмайди, лекин тушунади (вазифани қандай бажариш лозимлигини билади, бироқ бажаришни хоҳламайди).

- Бола вазифани бажаришни хохламайди, нима қилиш кераклигини тушунмайди.

Болаларда ўқув вазифаларини бажариш истагини юзага келмаслик сабабларини аниқлаш учун ўқув мотивларини пайдо бўлганлигига эътибор қаратиш керак. Болага топшириқ беришда аниқ вазифаларни белгилаб бериш керак.

1. Нима қилиш керак? (мақсадни тўғри қўйиш).
2. Қандай қилиш керак? (бажариш учун кўрсатма берилади).
3. Нимага эришиш зарур? (натижага эришиш мезонлари берилади).

Топшириқни бажариб бўлгандан сўнг бола билан биргаликда олинган натижа берилган вазифа эталонига мос тушганлиги, катталар берган кўрсатмадан фойдаланилганлиги ва бажарилган ишга умумий баҳо берилади.

Катталар берган вазифа боланинг фаолиятини бошқаришга ёрдам бериши, ҳаракатларини назорат қилиш ва ўзини олинган натижага кўра тўғри баҳолашга йўналтириши лозим.

Болаларни муваффақиятли таълим олишлари уларда ўқув элементларини англашлари ва ўқув фаолиятини тўғри бажаришларига боғлиқ. 6-7 ёшдаги болаларда қуйида ўқув элементларини юзага келтириш керак.

1. Болаларда оғзаки сўзлашиш, ҳарфларни билиш ва ўқий олиш, сўзларни бўғинга бўлиш, гап туза олиш, сўз бойлиги ва тўғри талаффуз қилиш кўникма ва малакасини шакллантириш.

2. Математик билим ва тасаввурлар:

- 10 гача тўғри ва тескари санаш;
- Сонлар хосил қилиш, математик масалаларни ечиш;
- Геометрик шаклларни фарқлаш (квадрат, айлана, учбурчак, тўғритўртбурчак, овал);
- Фазони идрок қила олиш (юқори, паст, ўнг ва чап).

3. Ўқув фаолияти кўникмаси:

- Партада тўғри ўтириш;
- Ёзув малакаси;
- Ўқитувчи топшириғини тинглай олиш ва бажариш кўникмаси;
- Дарсда ўқувчи қондасига риоя этиш одоби.

Юқоридаги ўқув мотивлари болаларда шаклланмаса ўқишнинг биринчи куниданоқ қийинчилик юзага келади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасасида машғулот жараёнида болаларни мунтазам равишда кузатиб бориш талаб этилади.

Тарбиячилар ота-оналар билан ҳамкорликда болаларда хулқ-атвор сифатларини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари лозим. Яъни болаларни катталарни диққат билан тинглашга, берилган топшириқни охиригача эшитиб кейин бажаришга ўргатиш. Катталар кўрсатмасига кўра аниқ ҳаракат қилиш, вазифани бажариш вақтида тушунмаган ёки ёдидан чиққан нарсаларни сўраш, катталар билан ижобий кайфиятда мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Р.Носирова
Тошкент ВХТХҚТМОИ

Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаси болани мактаб таълимига ҳар томонлама тайёрлашдан иборат. Мактабгача таълим муассасасида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни болаларда мустақилликни, муваффақиятли ўқув фаолиятини ташкил эта оладиган иродавий шахсий фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Мактаб таълимига қадам қўйишдаги асосий муаммолардан бири мактабда рўй берадиган турли хил вазиятлардан бола ва ота-оналарнинг ҳавотирланишидир. Бўлғуси мактаб ўқувчиси мактабни турлича тасаввур қилади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаси психологи тарбиячи билан ҳамкорликда болаларни мактабга руҳан тайёрлашлари ҳамда мактабда юзага келадиган қўрқиш ва ҳавотирларни олдини олиш учун профилактика ишларини олиб боришлари керак. Шунда ота-оналар мактаб таълимидан кутилаётган турли хил вазият ва ҳолатлар ҳақидаги ҳавотирдан чалғийдилар. Ота-оналар билан уларни ҳавотирга соладиган масалалар бўйича сўровнома ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Психолог болалар ва ота-оналар билан профилактик ишларни яқка ва гуруҳий шаклда олиб бориши лозим.

Тажрибалар 6-7 ёшли болаларнинг ақлий ва психик ривожланишидаги муаммолар куйидагилар эканлигини кўрсатди:

1. Нутқ ривожланишидаги етишмовчиликлар, товушларни нотўғри талаффуз қилиш;
2. Мактаб ҳақидаги тасаввурнинг тўлиқ эмаслиги;
3. Майда қўл моторикасини яхши ривожланмаганлиги;
4. Диққат ривожланишидаги етишмовчилик;
5. Ихтиёрий диққатни барқарор эмаслиги;
6. Ўқув мотивациясини шаклланмаганлиги;
7. Ҳиссий ривожланишдаги муаммолар (қўрқиш, агрессивлик, ўзига ишонччи пастлиги);
8. Хулқ-атвордаги муаммолар.

Юқоридаги келтирилган айрим муаммоларни логопед ва дефектолог ҳамкорликда ҳал этишлари керак. Баъзилари эса психологик методлар билан бартараф этилади ёки логопед, дефектолог ва психоневролог билан биргаликда олиб борилади.

Психолог коррекцион-ривожлантирувчи ишларни бола ривожланишидаги муаммоларга қараб режалаштириши лозим. Олиб борилган тадқиқотлар бир меъёрда ривожланган болалар мактаб таълимида билимларни тўла ўзлаштиришда муваффақиятга эришишини асослаб

беради. Болаларни мактабда эгаллаган кўникма ва малакаларини қўллаб-қувватлаш уларни келгуси ҳаётидаги мақсадларини аниқлаш ва амалга оширишда асосий туртки бўлиб хизмат қилади.

Ўқув жараёнидаги фаоллик, қизиқувчанлик, қобилият, фантазия яъни ҳаёл қилиш, ўзини ва ўзгаларни ҳис қилиш, ҳамфикрлилик боланинг келажак ҳаётда муваффақиятга эришишида асқотади. Тушкунлик, буйсунувчанлик, бошқаларга тобелик эса бола шахсининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Аксарият 6-7 ёш болаларда диққат ривожланишида муаммолар учрайди. Диққатни тўғри тақсимлаш ва диққат барқарорлиги ўқув фаолиятини тўла ўзлаштиришга сабаб бўлади. Баъзи болалар тез толиқиб чарчаб қолади, бунинг сабаби она ҳомиладор вақтида турли салбий ҳолатларга учраган ёки соғлиги яхши бўлмаганидан дарак беради. Психолог олимлар болаларда рўй берадиган толиқишни икки турини аниқладилар.

Биринчи турида-бола чарчаган, уйқучи, топшириқни юзаки бажарадиган бўлади. Бундай болаларни дам олишга ёки улар учун қизиқарли бўлган фаолиятга жалб этиш керак.

Иккинчи турида-эса толиқиш ҳисси аксинча болани ҳаракат қилишга ундайди. Бунда болалар тасодифий ҳодисаларни енга олади, топшириқни бажаришга ҳаракат қилади. Бундай болаларни жим ўтиришга мажбурлаш керак эмас, фаол бола ўқишга аста-секин киришиб кетади.

Толиққан ёки чарчаган бола машғулот жараёнида тарбиячи билдираётган фикр ва мулоҳазаларни тушуна олмайди. Боланинг диққати тарқоқ бўлиб, тарбиячи берган топшириқни хатолик билан бажариши мумкин. Диққатни тақсимланишида, турли хил фаолиятни бажарганда қийинчиликни бошидан кечиради. Агар бола топшириқ олса, уни бажариш учун ўз олдига аниқ мақсад қўяди яъни ихтиёрий диққат рўй беради. Айнан ихтиёрий диққат ўқув фаолиятининг асоси ҳисобланади. Болаларда ихтиёрий диққат натижасида қўйилган мақсад сари интилиш пайдо бўлади. Биринчи навбатда бу ўйин жараёнида юзага келади. Психологлар тарбиячи ва ота-оналарга болаларни тенгдошлари билан ўйнашларига шароит яратишларини тавсия этадилар. Ўйин бола учун иш бўлиб, кейин эса унинг иши ўқишга айланади. Маълумки, мактаб таълимига бораётган бола жисмонан, ақлан, ҳиссий ва ижтимоий томондан ривожланган бўлиши зарур.

Мактаб таълимининг зарурий шартларидан бири боланинг ижтимоий етуклиги, яъни катталар ва тенгдошлари билан тўлақонли мулоқот ўрната олишидир. Болаларда аниқ белгиланган тартибга риоя қилиш, мактабдаги турли хил вазиятларга мослашиш ва енга олиш кўникмаси шаклланган бўлиши керак. Педагог болаларга ўйин ва машғулотларда мулоқот қилиш учун шароит яратиши лозим.

Мактаб таълимининг асосий шартларидан яна бири боланинг ақлий етуклиги ҳисобланади. Мақсадга йўналтирилган психик фаолият, ютуқларга эришиш учун боладан иродали бўлиш, диққатни тўғри йўналтириш ва ҳиссий барқарор бўлиш талаб этилади. Бола мактабда оддий умумлаштиришни

билиши, буюмларни белгисига қараб бирлаштириш ёки гуруҳлай олиши лозим (масалан: мевалар, сабзавот, идиш-товоқ, уй жиҳозлари). Шунингдек, атроф-оламдаги воқеа ва ҳодиса, нарсаларни англаши, фарқлай олиши керак.

Тарбиячи болаларда сенсорикани ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Мактабга тайёрлов ёшидаги болалар асосан 6 та рангни билишлари, геометрик шаклларни фарқлай олиш, солиштириш ва таққослашни билиши муҳим. Бола мактабда она тилида суҳбатлашиши ва тушуниши зарур. Бунга эса болаларда китобга бўлган қизиқишни ошириш орқали эришилади.

Болаларда нутқ ва майда қўл моторикани ривожлантиришда педагог ва дефектолог, ота-оналар мунтазам равишда ҳамкорликда ишлашлари лозим.

Болаларда майда қўл моторикани ривожлантиришда қуйидаги психологик-педагогик талабларни амалга ошириш керак:

- Топшириқларни бир меъёрда бериш ва аста-секинлик билан кўпайтириш;

- Машғулот вақтида дам олиш дақиқасини ўтказиш;

- Машқлар 10-15 дақиқадан ошмаслиги ва болани қониқтириши;

- Боланинг бажарган иши умумий талабларга мос келмаса ҳам уларни рағбатлантириш, ҳатто у кўринмас ютуқларга эришса ҳам;

- Болани ҳеч ҳам ёзишга мажбурламаслик.

Айрим болаларда қалам ушлаш кўникмаси шаклланмаган бўлади, шунда уларга штрих чизиш машқини ўргатиш мумкин. Аввало педагог болаларга намуна кўрсатиши керак. Чизиқ бўйлаб қоғозни қирқиш, қоғозларни майда қилиб қўл билан йиртиш, расмларни бўяш орқали ҳам болада майда моторикани ривожлантиришга эришилади. Топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг бармоқчалар учун дам олиш машқларини ўтказиш зарур. Ҳар бир машқни такрорлашни болаларнинг истак-ҳохишларига қараб камайтириш ёки кўпайтириш мумкин. Топшириқни бажариш вақтида болаларда ихтиёрий диққат ва иродавий сифатлар шаклланади. Шунингдек, хотира, тафаккур ва ҳаёл жараёнлари бевосита иштирок этади.

БОЛАНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ОИЛА БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Н.Рустамбекова
Тошкент ВХТХҚТМОИ

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини модернизация қилиниши, моддий техника базасини яратилиши уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Болаларнинг мактабгача таълим муассасалари ва оилада таълим олишлари “Таълим тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйилган. Шундай экан, болалар мактабга боргунларига қадар оила унга элементар ҳаракатлардан

тортиб оламни ва ундаги воқеа-ҳодисаларни идрок этиш, англаш борасидаги дастлабки кўникмаларини шакллантиради. “Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларнинг ота-оналари учун тайёрланган 5 номдаги расмий китоб амалиётда самарали натижа берди. Китоб ёрдамида болаларнинг мактабда яхши ўқишига, уларда ўқув мотивларини шаклланишига эришилмоқда. Зеро, болалар оилада тарбияланади, унда содир бўладиган воқеалар уларга катта таъсир кўрсатади. Ота-оналар биринчи галда ўз фарзандининг индивидуал хусусиятлари ва ўқишга бўлган муносабати ҳақида бошланғич синф ўқитувчисига тўғри, асосли маълумот беришлари зарур. Агарда ота-оналар фарзандининг соғлиги, интилишлари, ҳаракатлари, феъл-атвори, ўқишга бўлган умумий тайёргарлиги тўғрисида аниқ маълумот берса, уни мактабга тайёрлаш осон кечади. Барча ота-оналар ўз фарзандининг ютуқларидан хабардор бўлишни хоҳлайдилар.

Педагоглар ота-оналар билан бола ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштириш ва имкон қадар самарали ишлаш учун боланинг уйдаги ва мактабгача таълим муассасасидаги ҳолати, унинг кучли ва заиф томонларини, ташвиш туғдирадиган барча жиҳатларни таҳлил қилишлари керак.

Ота-оналар болани мактабга тайёрлашда аввало унинг жисмоний ўйиндаги ҳаракатларини, расм чизишга бўлган интилишларини, кўрган, билган воқеа-ҳодисаларини айтишга, мусиқа тинглаш, ўйинчоқларни эҳтиётлаб сақлаш, кийимларни кийиш, ечиш, ота-онага ёрдам бериш каби фаолиятларни кузатиб, у ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим. Унда ота-она боланинг юқоридаги фаолиятларида ақлий ривожланиш даражаси ва мустақиллиги қандай таркиб топаётганлигига асосий эътиборни қаратиши керак. Чунки, буларнинг барчаси боланинг ўйини, меҳнати жараёнидаги ақлий даражаси, мустақиллиги, тенгдошлари билан бўладиган муомала ва муносабатларида ўз ифодасини топади.

Оилада ота-оналар болани мактабга тайёрлашда қуйидаги шароитларни яратиши талаб этилади.

- Мактабгача таълим даврида турли рангли расмий эртақ, ҳикоя китоблар билан таъминлаш ва улар билан машғулотларни олиб бориш;
- Соғлиги, шахсий гигиена кўникмаларни таркиб топтириш юзасидан ғамхўрлик ва назорат қилиш;
- Болада соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- Расм чизиш ва ҳарф элементларини бажаришга аста-секин ўргата бориш;
- Ўйин, ўқиш, меҳнат ва дам олишларини уйғунлаштириш;
- Болани мактаб таълимига руҳан, ақлан ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш;
- Болани топшириқларни бажаришда бурчни ҳис қилишга, онгли равишда бажаришга одатлантириш;
- Боланинг луғат бойлигини оширишга, талаффузи ва нутқининг ривожланишига, ўз фикрини айтиб беришга ўргатиб бориш;

- Боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларини яхши билиши, ўрганиши;
- Ота-оналар бошланғич синф ўқитувчиси билан ҳамкорликда ишлаши;
- Боланинг билим олишга бўлган майлини, хоҳиши ва интилишларини таъминлаш ва таркиб топтириш.

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналар кўмитаси фаол иштирок этиши, ота-оналар учун семинар-тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Оила тарбиясида болалар ҳаётини тўғри уюштириш- уларни вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишнинг асосий гаровидир. Боланинг оиладаги вақтини ўйин, меҳнат ва ўқиш фаолиятларига тўғри тақсимлаш ниҳоятда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки болани мактабга тайёрлашда ота-она ва мактаб педагоглари ҳамкорликда фаолият олиб борсалар, таълим-тарбия самарадорлиги янада ошади.

Санъат – эстетик тарбия воситаси сифатида

*М.М.Ахмедов,
ЎзДК доценти, п.ф.н*

Санъатнинг шахс камолотидаги, айниқса мактабгача ёшдаги болаларда олам ҳақидаги асосий тасаввурларни шакллантиришдаги ўрни бекиёс. Чунки санъат табиатдаги ҳодиса ва жараёнларни, улар орқали олам «тасвири»ни, инсонлар фаолиятини билиш имконини беради. Бу билан санъат маърифий характер касб этади. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни санъат билан ошно бўлишини, уларда муайян эстетик тасаввурларни шакллантириш болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг самарали шакли сифатида қараш лозим .

Санъат ҳар доим маълум бир ғоянинг тарғиботчисидир. Зеро, у даврнинг асосий ғоясини оммага тушунтириш воситаси. Хатто айрим даврларда қурол сифатида вазифа бажарганлиги учун ҳам унинг ғоявий мазмунини англаш лозим бўлади. Айниқса, бугунги кун санъатининг нафақат ғоявий мазмуни, балки моҳиятан ҳам ўзгачалиги боис фарзандларимизни, айниқса мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг дунёқарашига таъсир этиш воситаси сифатида танлаб, олинаётган санъат асарларининг ғоявий қаторлари, қатламларига алоҳида эътибор билан қараш лозим.

Санъатнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг тарбиявий функциясида намоён бўлади. Зеро, санъат фақат эстетик тарбия воситаси эканлиги билан чекланмайди. У жамият руҳиятининг турли қирраларини очиб беришга ҳаракат қилади. Бу қирралар эстетик, маънавий, ахлоқий, диний ва бошқа мазмунда бўлиб, инсонлар дунёқарашини шаклланишига хизмат қилади.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш айнан санъат асарлари орқали теварак атрофдаги одамлар, кишилар ва жамиятнинг ҳаётини, унда амал қиладиган муайян меъёрлар, талаблар, қонунларга

бўйсунуш, мослашиш ва уларни ўз ҳаётига татбиқ қилиш кўникмаларини тарбиялайди. Шу боисдан барча нарсаларга қизиқувчи, тақлид қилувчи мактабгача ёшдаги фарзандларимиз ўз хатти-ҳаракатларини муайян эстетик нормалар нуқтаи-назаридан тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Бу биз тадқиқ этаётган соҳанинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Санъат ўз таъсири орқали инсонларда ўз фаолиятларида маълум ўзгаришлар, қайта қуришларни амалга оширишга даъват этади, яъни унда ижтимоий мўлжаллар, интилиш ва фаолият йўналишида ижтимоий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Бу ҳолат мактабгача таълим ёшидаги болаларда ҳам кузатилади. Фарқи шундаки, уларда ижтимоий ўзгариш эмас, балки ижтимоий мўлжал тариқасида юзага чиқади.

Санъатнинг асосий функцияларидан бири шубҳасиз шахс маданиятини маънавиятини оширишга хизмат қилади. Зеро, санъат инсонларнинг онги, шуурини ривожлантириш орқали уларни ижодий-ижобий фаолиятга ундайди. Инсоннинг табиати шундай тузилганки, у ҳар доим ниманидир ўз истак хоҳиши тўлалигича бажара олмайди. Бу хусусият ёш фарзандларимизга ҳам хос хусусият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни оила шароитида санъатга унинг турли соҳаларига жалб этиш, йўллаш уларнинг кўнглидаги қандайдир кемтикликларни тўлдириш, ўрнини босиш хусусиятига эга.

Санъатнинг гедонистик³ функцияси шунда намоён бўладики, санъат инсонларда, шу жумладан ёш болаларда ҳам завқланиш, маънавий қониқиш ҳисларини тарбиялайди. Бу сифат эстетик тасаввурларни тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Санъатдан айнан қониқиш, завқланиш инсон руҳиятини хотиржамлаштириш орқали тиббий-соғломлаштирувчи восита сифатида ҳам аҳамиятлидир. Санъат тарихида инсонларни маданият ва санъат намуналарини йиғишга, тўплашга интилиш ундан завқланиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу ҳолатнинг тарбиявий аҳамияти ҳам мавжуд. Шу тариқа санъат асарлари, бадий ҳунармандчилик буюмлари инсонларнинг турмушига кириб келган ва айрим кишиларнинг ижтимоий ҳаракат фаолиятига айланган. Ўзбек ҳонадонларининг айримларида бу жараён маълум маънода алоҳида тарзда содир бўлган.

Маданият ва санъат намуналарини ўз ҳонадонларида йиғилиши туфайли юзага келадиган тарбиявий таъсир кучи ҳамма даврларда эътироф этиб келинган. Оилада амалий санъат буюмларини сақлаш билан фарзандларни нафосатга ошно қилиш, уларнинг эстетик дидларини кучайтириш ҳамда ўзига хос тарбиялаш воситаси ҳамдир. Бундан биз шундай хулоса қиламизки, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш учун уларни санъатнинг бирор бир турига алоқадор фаолиятга жалб этиш шарт эмас. Айрим ҳолларда санъат намуналарини доимо кўриб, кузатиб, у билан бевосита мулоқотда бўлишларини ўзигина улардан эстетик тарбияси ҳам етарли бўлади. Санъат прогностик функция бажаради. Зеро, санъат аҳли назарий-теоретик олимлар каби илғор фикрлар оғушида яшайди. Шу тариқа улар

³Гедонистика - (юнонча hedone – завқланмоқ) эраמידан олдинги IV асрда шаклланган қадимий юнон фалсафасининг ахлоқий таълимоти

мунтазам янгилик яратишга интилишни ўзларининг ҳаётий тарзларига айлантирганлар. Шу боис улар, бошқа одамлардан бадиий-ғоявий жиҳатдан маълум даражада илгари юрадилар. Шу тариқа келажакни маълум даражада башорат қиладилар десак муболаға бўлмайди. Бу ўринда телевиденияда ташкил этилаётган мулоқотларда кўп ҳолларда саънат соҳасининг кишиларини таклиф этишади. Шунинг учун ҳам уларнинг бадиий-ижодий меҳнатларининг самараси-санъат асарлари прогностик характер касб этади. Болаларни санъат асарларини идрок этишга жалб этиш эса уларни келажакни ҳис қилишлари, янгиликка интилишга чорлайди. Бадиий янгиликка интилиш ҳам болаларда, жумладан мактабгача таълим ёшидаги болаларда оила шароитида бадиий маданиятни, унинг дастлабки бўғини-эстетик тасаввурларни шакллантириш воситаси сифатида қаралмоғи лозим.

Санъатнинг функциялари ҳақидаги назарий маълумотлар ҳар қандай йўналиш ва мазмундаги тарбиявий, хусусан бадиий-эстетик таълим ишларининг негизини ташкил этади. Зеро, муайян-илмий назарий асосга эга бўлмаган ҳар қандай амалий фаолиятнинг пировард ижобий натижаси кафолатланмайди. Шу маънода Республикамиздаги айрим оилаларда мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир .

Оила ва боғча ҳамкорлиги асосида болалар дунёқарашини шакллантириш

*Р.Орипова,
ТошДАУ доценти, п.ф.н.*

Комил инсон таълим-тарбияси комплекс таъсир этувчи воситалар негизида амалга оширилади. Бу комплексда бадиий-эстетик мазмундаги тасаввурлар, билимларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Шунинг учун ҳам барча тарихий даврларда ёш авлоднинг эстетик тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралиб келинган. Мактабгача ёшидаги болаларнинг дунёни англаши, атроф муҳитдаги воқеа ва ходисаларга нисбатан ўзларининг муносабатларини намоён этишлари эстетик тасаввурлар, билимлар, муайян ҳолдаги кўникмалар ва малака шаклланган бўлиши лозим. Айнан мана шу сифатлар воситасида болалар ўзининг «мен»ини дастлабки чизгичларини ифодалаб, тасвирлай бошлайди. Унинг сифати ва шаклланиш жараёнининг боришини суръати, тезлиги мавжуд педагогик шарт-шароитлар, уларга таъсир этувчи омилларга боғлиқ. Зеро, эстетик мазмундаги фаолият умумий дунёқарашнинг таркибий қисмидир.

Таълимнинг шу қаторда оилавий шароитда бола тарбиясининг йўналиши, мазмуни болаларнинг шахс сифатида шаклланишида етакчи ўрин тутди. Бу йўналиш истиқболида болаларни ўзларини ҳаётларида фаолият кўрсатишлари учун муайян ижтимоий тажрибалар тўплайди, Дунё, теваарак атроф ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш, болаларни ўз-ўзини намоён этиши борасидаги ҳаракат, интилишларини ижодий, ижобий тарзда рағбатлантиришга қаратилади. Бу борада эстетик мазмундаги машғулотлар

асосий ўринни эгаллайди. Бу ёшдаги болаларда олам ҳақидаги илмий дунёқараш бўйича элементлар тасаввурларини шакллантиришда бадиий-эстетик мазмундаги машғулотлар устувор аҳамият касб этади. Бизнингча улар ҳаммага, барча ёшдагилар учун ҳам умумий ҳисобланади. Зеро, «муסיқий, тасвирий ижодиёт, драма, рақс, адабиёт инсоннинг маънавий маданиятини ажралмас қисмидир. Айти пайтда инсоният томонидан атроф-муҳитни, замон ва маконни, унинг қонуниятларини, бадиий ижодиёт намуналарини ўрганишнинг, ўзлаштиришнинг умумий универсал йўлидир».

Боланинг боғчада эстетик мазмундаги машғулот, яъни бадиий ижодиётнинг у ёки бу тури билан шуғулланиши, бу жараённинг иштирокчиси сифатида дунёни теварак атроф оламни англашлари демакки, уларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришнинг педагогик жиҳатидан кафолатланган шаклидир.

Болаларда дунёқарашни шакллантиришда бизнингча ҳам муסיқий тарбиянинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда айнан муסיқа инсоният ҳаётига энг чуқур кириб борган, ижтимоий-маданий мажмуа сифатида бадиий-эстетик жиҳатидан юқори таъсир кучига эга. Тарихдан маълумки, бизнинг буюк қомусий олимимиз Абу Наср Форобий дунёдаги асосий фанларни тўрт гуруҳга бўлиб, шулардан бири муסיқа эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Оилада болалар дунёқарашини шакллантиришда бадиий адабиётларнинг ҳам аҳамияти беқиёс даражада катта. Буюк шахслар, таниқли ижодкорларнинг биографиялари билан танишар эканмиз, уларнинг дунёқарашларини шаклланишида, ижодкорлик куртакларини ёйилишида бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳамид Олимжон, рус олимларидан А.С.Пушкинларни эслашнинг ўзи кифоя, улар бувилари, энагаларининг эртаклари орқали дунёни таниганлар. Шу маънода мактабгача ёшдаги болаларга эртак айтиб бериш, бу жараёни мақсадли таълимий ва тарбиявий тадбир сифатида урғу бериш лозим. Бола эртакнинг пассив эшитувчиси эмас, балки эртак сюжети асосида оламни, дунёни фаол англаб етувчи субъект сифатида қабул қилиниши лозим. Бу жараёни педагогик жиҳатидан тўғри ташкил этишида болаларнинг эртак сюжетини ўз тафаккурида «қайта ишлаш» га ўргатиш, сюжет бўйича саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш, хулосалар, умумлаштириш орқали шахсий мулоҳазалар билдира олишга ўргатиш муҳим таълимий ва тарбиявий тадбирдир.

Оилада болаларни дунёни таркиб топтиришида бадиий-эстетик манбалардан - эртакларнинг тарбиявий аҳамиятининг катталиги ҳаммамизга маълум. Бу жараённинг қиммати шундаки, катта ёшдагилардан фарқли ўлароқ эртакдаги воқеа-ҳодисалар болалар томонидан у қандай айтилган бўлса ўшандай қабул қилинади. Бунда яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик кабиларга болалар ўз муносабатларини билдира бошлайдилар. Ўзларича эртак бўйича у ёки бу сюжетларни тўқий бошлайдилар, нималарнидир ихтиро қила бошлайдилар. Шу тариқа болаларнинг дунёқарашларида аниқ чизмалар шакллана боради. Булар кўп ҳолларда

ижодий характер касб этади. Шу тариқа уларнинг хаёлий тасаввурлари ўса боради.

Эртақлар мазмуни асосида тасвирий фаолият кўрсатиш тасаввурдаги ҳодисалар, ундаги образларни қайта талқин қилиш, унга ўз «тахрири» ни сингдириш, шахсий фаолиятининг янги қирраларини, усулларини ўзлаштиришга кенг йўл очиб беради. Бу жараён болада фикрлашга, ўз тасаввурларини тушунтиришга, пировард натижада мустақил ҳолда фикрлашга ўргатади.

Фарзандларимизнинг мустақил фикрлашлари дунёни англашлари, муайян дунёқарашга эга бўлишларининг дастлабки босқичи бўлади. Мактабгача ёшидаги болалар тажрибасида тасвирий фаолиятнинг улуши ҳам катта. Шу боис мактабгача ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларнинг нафақат умумий дунёқарашларини шакллантириш воситаси, балки уларни умумий ривожланишлари, муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида, мактаб таълимига тайёрлаш воситаси сифатида қараш жоиз. Зеро, таълим йўналишлари, тамойиллари, унинг мазмуни, услублари қанчалик такомиллаштирилмасин, фарзандларимизни мустақил фикрлашга ўргатмас эканмиз, уларнинг билимлари теран, мустаҳкам бўлмайди, шу боис унинг амалий татбиқи ҳам маълум даражада оқсайди.

Болаларнинг мустақил муסיқий қобилиятини ривожланишига оила ва мактабнинг таъсири

*С. Раджабова
ЎзДК “Муסיқий педагогика”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Мустақилликка йилларида, ўзлигимизни англаб бораётган бир даврда улкан маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган миллий муסיқий маданиятимизга суяниш, анъанавий қўшиқларимизга мурожаат қилиш табиий бир ҳолдир. Буларнинг барчаси баркамол авлод тарбиясида, ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Муסיқий маданият халқ маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, унинг маънавий эҳтиёжини барча даврларда қондирган ва ҳар доим ҳамдард бўлган, беминнат хизмат килган. Зеро, бугунги мустақиллик давримизда ҳам ўзининг маънавий бурчини муқаддас билиб, халқимизга хизмат килмоқда. Шунинг учун ҳам муסיқа маданиятимиз бугунги куннинг улкан ижод майдонига айланди.

Шу боисдан муסיқий тарбияни оила, мактабгача таълим муасасалари ҳамда бошланғич синфдан бошлаб болаларнинг мустақил муסיқий фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда тизимли тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил муסיқий фаолият, болаларнинг ўзларича ҳиргойи қилишда, ўзларича мустақил муסיқа тинглашларида, ўзларича чолғу асбобларининг бирор тури билан шуғулланишида актёрлар, хонандалар, қизикчилар

қилиқлари, овозларига тақлид қилишларида кўринади. Улар ўзларича турли ўзларига ёққан кўшиқларни ҳиргойи қилиб куйлайдилар, ўша ашула ижросининг оҳангига, овозига ва қилиқларига ўхшатиб ҳаракат қилишга интиладилар. Ўзларича радио, телевизор ёки плеерларда турли мусиқаларни тинглайдилар. Баъзи болалар чолғу асбоблари чалишга, агар чолғу асбоблари бўлмаётган қолса, шу чолғу асбобини чалиб кўрсатишга интиладилар. Ўзлари ёқтирган актёр ёки қизиқчилар сўзлари таҳлидан ҳаракатлар бажаради ва ҳақозо. Шундай ҳолатлар мустақил мусиқий фаолият кўринишлари ҳисобланади.

Болалар мустақил фаолиятини қаердан ўрганадилар. Бундай фаолият манбалари қаерда мустақил мусиқий фаолият манбаларини уч тоифага бўлиш мумкин.

1. Мактабдан оладиган мусиқий манбалар.

2. Оиладан оладиган.

3. Мактаб ва оиладан ташқари оладиган мусиқий манбалар.

Мактаб, боғчада дарс, мусиқа тўғараги, мусиқий тадбирлар мустақил мусиқий фаолият манбалари ҳисобланади. Болалар ўша жараёнларда эшитган ва кўрганларига тақлид қиладилар. Оилада радио эшитиши, телевизор, видео концертлар кўриши мумкин. Мактаб ва оиладан ташқари болалар кўча-куйда, театр, кинотеатр, оммавий сайллар, бозор ва бошқа жойларда, тўй ва маросим бўлиши ва у жараёнда эшитган ва кўрган мусиқий чиқишларга тақлид қилиши мумкин. Мустақил мусиқий фаолиятнинг болалар қизиқишларидан пайдо бўлишига эътиборни қаратишимиз лозим. Демак болалар мусиқий фаолиятнинг у ёки бу турига қизиқар эканларки, шу кўрган ва эшитган мусиқий жараёнини хотираларида сақлаб қолаётдилар. Биз педагоглар болалар мустақил мусиқий фаолиятини қандай баҳоламоғимиз лозим.

Албатта мустақил мусиқий фаолиятга ижобий баҳо бермоқ лозим. Зеро бу фаолият болаларни имкон қадар мустақил бўлишга ўргатади. Тасаввур қилинг бирор ишни ўзи фикрлаб, бажара олмайдиган, қачон тепасида туриб буйруқ бериб турсангиз бирор иш қилади акс ҳолда ўзича бир иш қилолмайдиган шахсларнинг вояга етишганидан на ота-она ва на жамият манфаатдор. Жамиятга ўзларича ташаббус кўрсатувчи янгиликлар яратувчи ифтихорлар, кашфиётлар қилувчи соғлом, ҳаракатчан фуқаролар керак. Шундай экан мустақил мусиқий фаолият педагогдан кузатувчанликни, сезгирликни талаб қилади. Зеро педагоглар мустақил мусиқий фаолиятини ижобий баҳолаши бундай фаолият кўрсатаётган болаларга тўғри муносабатда бўлишиб уларни турли йўллар билан рағбатлантириб бошқаларга намуна қилиб кўрсатиши боланинг бундай фаолият тури билан шуғулланишдан манфаатдор эканликларини англатиши келажакда улардан буюк ижодкорлар ва санъатнинг кўзга кўринган намоёндалари чиқиши мумкинлигига ишонтира олиши лозимдир. Дарҳақиқат, бола қанчалар мусиқий тушунчани мустақил фикрлаб, амалда бажаришга ҳаракат қилса, мусиқий қобилиятининг ривожланиши ҳам шунчалар мувоффақиятли бўлади.

Бола ва унинг қобилиятларининг ўсиши катта киши томонидан уюштириладиган фаолиятда: кўшиқ, ритмика, музыка тинглаш ва музыка асбобларини чалишда содир бўлади. Болалар ўзларининг мусиқа эшитиш тажрибалари асосида ўз тасаввурларини кўшиқ, ўйин, рақс ижодида намоён қилишга ва мусиқа саводининг оддий элементларини эгаллашга қодирдир. Шу билан бирга фаолиятининг ҳар бир тури умуман мусиқа қобилиятларининг ўсишига, махсус қобилиятларнинг шаклланишига, масалан: ашула айтиш, ашулачилик овози ва куй қобилиятининг таркиб топишига ёрдам беради.

Буларнинг барчаси турли ташкилий формаларда: машғулотларда, ўқишдан ташқари ишларда (болалар боғчаси турмушида мусиқа) ва мустақил фаолиятларида бўлиб ўтади.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда оиланинг маданий-маънавий хусусиятлари

*З.Шаронова
ТошДАУ
катта ўқитувчиси*

Дунёни тараққиёти инсонлар томонидан кашф этилган янгиликлар билан таъминланади. Шу кашфиётларни энг буюги – бу оила бўлса ажаб эмас. Зеро, оила у қайси миллат, қайси давлатга оид бўлишидан қатъий назар айнан мана шу миллатни, мана шу давлатнинг хусусиятини ўзида мужассам этади. Шунинг учун ҳам «Оила инсониятнинг илоҳий ва мўъжизавий кашфиёти»дир.

Педагогик, психологик, физиологик тадқиқотлардан маълумки, болаларнинг дунёқарашини асосий қисми уларнинг мактабгача бўлган ёшларида шаклланади. Шунинг учун ҳам боланинг мактаб таълимига тайёргарлик даражаси маълум маънода пировард натижада баркамол шахсининг тарбиялаш кафолатидир. Зеро, боланинг ўз «Мен»ини танлаш жараёни айнан оилада содир бўлади. Боланинг дунёқарашини маънавий сифатларининг мазмунида эстетик тасаввурлар муҳим ўрин тутди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий ислохотлар, амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида таълим устивор соҳа сифатида эътироф этилди. Шунга монанд тарзда узлуксиз таълим тизимида, жумладан унинг мактабгача таълим бўғинида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Айни пайтда Республикада янгича иқтисодий тамойил, қонунларни амал қила бошлаши натижасида айрим қийинчиликлар ҳам юзага келди. Хусусан, узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим бўғинида мактабгача таълим муассасаларига жалб этилган болаларнинг салмоғи камайиб борди (мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг 50 % болалар боғчасига қатнайди) . Шу муносабат билан оила тарбиясининг аҳамияти жамиятнинг долзарб

ижтимоий-педагогик муаммосига айланиб бормоқда. Инсон ва таълим-тарбия ажралмас ҳодиса. Биологик одамни инсон мақомини олишида айнан таълим-тарбия асосий ўринни эгаллайди. Тарбияда таълим ҳам муайян педагогик шарт-шароит, мазмун ва услублар асосида амалга оширилади. Унинг натижаси ҳам моддий, ҳам маънавий бойлик яратишнинг заминидир. Бу аввало ижтимоий ҳодиса. Тарбия жараёни, шу жумладан мактабгача ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш ҳам ижтимоий ҳодиса сарасига киради. Бу жараёни самарали кечиши ва пировард натижасининг кафолатини эса педагогика фани таъминлайди. Худди шунинг учун ҳам мактабгача ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёни ижтимоий-педагогик муаммодир.

Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари узоқ давом этган тарихий эволюцион тараққиётга эга. Бу тарих ҳар бир тарихий давр ва жараёнлар учун ўзига хос мазмун ва хусусият касб этган. Муҳими, эволюцион жараёнлар муайян миллатнинг қадриятига айланган хусусиятлар, анъаналарнинг такомиллаштириш, бойитиш ҳисобига амалга оширилган. Тарихий манбаларнинг, хусусан шарқ алломаларининг илмий мерослари, жумладан уларнинг таълимий ва тарбиявий қарашлари, ғояларини ўрганиш ва таҳлил этиш юқоридаги эътирофни ҳаққонийлигидан далолат беради.

Оила кишилик жамиятининг муқаддас гўшасидир. Бу гўшадаги муқаддас вазифа - бу бола таълим-тарбиясидир. Бу масала таъкидлаб ўтганимиздек қадимий бўлиб, Шарқда ҳам оилада бола таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралган. Оиладаги ўзаро муносабатлар, маданият масаласи тасаввуф фалсафасидаги ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу фалсафанинг йирик вакиллари бўлган Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ота ва оналар ўзаро муносабатлари фарзандлар камолатидаги роли алоҳида таъкидлаб ўтилганлигини кўрамиз.

Марказий Осиё мутафаккирлари ва маърифатпарварлари Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Девоний, Алишер Навоий, Мунис Хоразмий, Бобур, Бедил, Бехбудий, Қори Ниёзий, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатлар ҳақида қимматли фикрлари мавжуд.

Шахс тарбияси нафақат педагогик, айти пайтда ижтимоий мазмун касб этиши шу ва бошқа омиллар билан далилланади.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш бевосита оила маънавияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам эстетик тасаввурлар маънавиятнинг таркибий қисми сифати ижтимоий-педагогик моҳиятига эга. «Оиланинг маънавий олами ижтимоий тараққиётнинг таъсири ва унинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир ўтказади. Бу умумаксиологик⁴ қонунлардан келиб чиқади. Маданиятли инсоннинг маънавий олами негизида ижтимоий мақсадлар, қараш ва ғоялар ётади». Демак, оиладаги маданий-маънавий муносабат муҳим. Болаларда

⁴ Аксиология (يونونча axios) - Қимматли қадриятлар ҳақида фалсафий таълимот

эстетик тасаввурларни шакллантиришни нафақат эстетик мазмундаги жараён, балки оиланинг ижтимоий моддий ва маънавий барқарорлашуви, бойиш воситаси сифатида қаралиши лозим.

Бугунги ўзбек оиласининг маънавий муҳити қандай? Бу муҳит болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга қандай таъсир ўтказмоқда? Ундаги миллий ўзлигимизга хосликлар, Шарқона кадрият ва анъаналардан қай тарзда фойдаланаяпмиз? Бир қарашда оддийдек туюлаётган бир қатор омиллар мавжудки, уларни турмуш тарзимизга кириб келиши, аввало оила маънавиятини, ахлоқий меъёрлар ва унга оид тасаввурларни, тушунчаларни, шу жумладан эстетик дунёқарашни тўғри шаклланишига салбий таъсир ўтказмоқда.

Оила тарбияси тамойилларининг трансформациялашуви.

Ш. Абдужалилова

Тош ДАУ

“Педагогика, психолгия ва ўқитиш методикаси”

кафедраси доценти, п.ф.н.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида оила тарбиясини янада кучайтириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Чунки оилада шахс учун бутун ҳаёти давомида таъсир кўрсатадиган тарбия берилади. “Одобли, билимдон, ақлли, меҳнатсевар ва иймон-эътиқотли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир” [1,56]. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексида “Оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилиш” ҳар бир кишининг вазифаси сифатида белгиланган [3,2-модда].

Оила тарбиясини кучайтиришда оила тарбияси тамойилларининг трансформациялашуви муаммосини ҳал қилиб олиш асосий омиллардан биридир. Оила тарбияси тамойилларининг трансформациялашуви бу – ***муайян давр ва жамият талабларига мос равишда тарбия тамойилларининг тезкор ва изчил равишда янгиланиб, сайқалланиб ва такомиллашиб боришидир.*** Бу ҳодиса айниқса, “миллий тарбия жараёнида яққол” кўзга ташланади[2]. Трансформациялашуви жараёни учун уч хусусият хосдир:

- 1) Ўзак тарбиявий тамойилларнинг анъанавий тарзда сақланиб қолиши;
- 2) Муайян тарбиявий тамойилларнинг давр ва жамият талабига мос равишда устивор даражада амалда бўлиши;
- 3) Трансформациялашуви жараёнининг ижобий ёки салбий хусусияти касб этиши.

Мисол учун, Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари”асарида биринчи бўлиб жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбияни оила тарбиясининг асосий тамойиллари сифатида белгилаб берган. Бу ёндашув Марказий Осиё

мутафаккирлари томонидан яқдиллик билан қабул қилинган. 1914 йилга келиб Абдурауф Фитрат “Оила” асарида мазкур ёндашувни айнан такрорлайди ва оилада болани жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш асосларини илмий таҳлил қилиб кўрсатади. Бунда оила тарбияси асосий тамойилларининг анъанавий тарзда сақланиб қолаётганига дуч келамиз.

Юсуб Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида оилада болани касб-ҳунарга йўналтириш(эрдам) масаласини белгилаб кўрсатади ва дехқончилик, чорвачилик, савдогарлик, ҳарбий иш, ҳунармандчилик каби касб-ҳунар турларини изоҳлаб беради. XX аср I чорагига келиб Маҳмудхожа Бехбудий яна бу масалага эътиборни қаратади ва тижорат, банк иши, нақлиёт(транспорт), кон иши, журналистлик каби касб-ҳунар турларини тавсифлаб ўтади. Бунда оилада болани касб-ҳунарга йўналтириш тамойилида давр ва жамиятнинг эҳтиёжига кўра амалиёт илк режага чиққанини кўрамиз.

Имом ал-Бухорий “ал- Жомеъ ас-Саҳиҳ” асарида ҳадис ҳукмидан келиб чиқиб, оила қуришда томонлар тўрт масалага диққат қаратиши мумкинлигини таъкидлайди:

- 1) Номзоднинг мол-мулкига;
- 2) Насл-насабига;
- 3) Ҳуснига;
- 4) Диёнатига(ахлоқига-Ш.А.).

Бу диёнатлилик бирламчи билиниши кераклиги уқтирилади. Мазкур ёндашувЮсуб Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” ва Абдурауф Фитрат “Оила” асарида ҳам айнан шундай тавсифланган. Уларнинг умумий фикрича, Диёнатли инсон ҳалол бойликки,насл-насабликка ва чиройга эга бўла олади. Аммо, бугунги кунда оила қуришда номзоднинг мол-мулки ёки насл-насаблигига диққат қилиш устувор даражада кўзга ташланмоқда. Бунда оила асоси трансформациялашувида салбий хусусият устувор бўлаётганлигига дуч келамиз.

Оила тарбияси тамойилларининг трансформациялашуви тарбиявий асосларининг сайқаллашуви, такомиллашуви ва тарбия самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши керак. Бу жараён табиий ва мантиқи равишда кечиши керак. Негаки ҳозирги жамиятимиз жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан юксак даражада тарбияланган шахсга эҳтиёж сезмоқда. Бунинг учун ота-оналарнинг тарбиявий масаласини юксалтириб боришга эҳтиёжи мавжуд. Шу маънода биз бу масалада қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ,-деб ҳисоблаймиз:

- Марказий Осиё мутафаккирларининг педагогик қарашларида оила тарбияси тамойилларининг трансформациялашувини чуқур ўрганиш;
- Мазкур жараённинг оила тарбиясини такомиллашувидаги ўрнини белгилаш;
- Ота-оналар ва катта ёшли оила аъзоларини мутафаккирларнинг оила тарбиясига оид қарашлари ва тажрибалари билан кенг таништириб бориш.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, оила тарбияси, унинг таркиби, бола тарбияси жамият олдидаги вазифа бурчи, масъулият ҳиссини тарбиялашда, уни ҳаётда қўллай олиши учун замин яратилиши асосан оила аъзоларининг ва жамиятнинг зиммасида эканлигини ҳамisha ҳис этмоғимизни тақозо этади.

Мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни

*З.Ережепова
Қорақалпоғистон республикаси
Халқ таълими вазирлиги
З.Худойберганова
Қорақалпоғистон республикаси
ХТХҚТУМОИ*

Мактабгача таълим муассасаси ва оиланинг ҳамкорликдаги ишлари бир тизимда олиб борилиши лозим. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигида олиб бориладиган ишларнинг истиқбол режасини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Режада оила билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилиши лозим.

Режа ишлаб чиқишда тарбияланувчиларнинг оилаларининг эҳтиёжи, истаклари ва қизиқишларини ҳисобга олиш, шулар асосида мактабгача таълим йўналишларини аниқлаш лозим

Ушбу истиқбол режа 6 қисмдан иборат бўлиб:

1 – қисм. Реклама бўлимининг вазифаси: мактабгача таълимга болаларни жалб қилиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш. Бунинг учун реклама қилувчи буклетлар, варақалар, ота- оналар учун турли стендлар тайёрлаш, муассасада ташкил қилинадиган “Очиқ эшиклар куни”, таълим хизматларининг рекламалари, матбуотда чоп қилинаётган янгиликлар билан таништириб бориш, ота- оналарга маслаҳатлар бериб бориш лозим.

2 – қисм. Ташхис бўлимининг вазифаси ота- оналарнинг таълим- тарбия соҳасидаги эҳтиёжларини, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашдаги ота- оналарнинг билим даражаларини, ота- оналарнинг МТМда олиб бориладиган таълим- тарбия сифати ҳақидаги фикрларини аниқлашдан иборат. Бу жараён саволномалар ўтказиш, интервьюлар, суҳбатлар, тестлар орқали амалга оширилади.

3 – қисм. Бу бўлимда ота- оналар билан педагогик маънавий – маърифий ишлар олиб борилади. Ушбу қисмнинг мақсади ота- оналарнинг психологик- педагогик маърифий билимларини ошириб боради. Бу ишлар кўргазмали педагогик маърифат ишлари, ота- оналар мажлислари, услубий тадбирлар орқали амалга оширилади.

4 – қисм. Бу бўлимда муассаса жамоаси ва ота- оналарнинг ҳамкорликдаги фаолияти ёритилади. Бу қисмнинг вазифаси ота- оналарни таълим- тарбия

жараёнларида фаол қатнашишга жалб қилиш, ота- оналар ва болалар олдида педагогнинг мавқеини оширишдан иборат. Бу турли кўнгилочар тадбирларни ўтказиш, ота- оналарни педагогик жараёнга жалб қилиш, “Ота- оналар университет” ини ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

5 – қисмга, педагогларни ота- оналар билан ҳамкорликда ишлашга тайёрлаш вазифалари киритилади. Бу қисмнинг вазифаси педагогларни тарбияланувчиларнинг ота- оналари билан ҳамкорлик ишларини сифатли ташкил қилишдан иборат.

6 – қисм. Назорат қисмининг вазифаси мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигининг натижавийлигини аниқлашдан иборат. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаси ва педагогларининг педагогик мулоқот маданиятини тарбиялаш, ўзаро тажриба алмашинув ишларини амалга ошириш зарур.

Мактабгача таълим муассасасининг оила билан ҳамжиҳатликда олиб бориладиган иш шакллари:

1. Жамоавий ҳолда олиб бориладиган ишлар (ота- оналар мажлислари, очиқ эшиклар куни, тренинг машғулотлари) мастер класслар, семинарлар, ролли ўйинлар, давра суҳбатлари, конференциялар, танловлар, оилавий педагогик лойиҳалар, саволномалар, тестлар ва бошқалар.

2. Индивидуал ҳолда олиб бориладиган ишлар (маслаҳатлар, “Почта қутиси”- болалар шаклланиши тўғрисида савол ва жавоблар банки, ишонч телефонлари, педагогик вазиятлар таҳлили, ота- оналар томонидан мактабгача таълим муассасасида ўтказиладиган машғулотлар ва кўнгилочар тадбирлар).

3. Кўргазмали-маълумотлар (болалар кўргазмалари, мусиқий- бурчак, ота- оналар учун бурчак, маълумотлар банки, фотобурчак).

Педагог ва ота- оналар ўртасидаги мулоқот ўзаро ишонч асосида ўрнатилиши лозим. Бу эса келгусида ҳамжиҳатликда олиб бориладиган ишларга асос ҳисобланади. Бунинг учун педагог ўзи ва шу оила аъзоларида боладаги ижобий фазилатларни кўра билишга ўргатиши лозим. Бу нарса жуда муҳим, чунки кундалик мулоқот даврида тарбиячи ва ота- оналар фарзандидаги ижобий фазилатларини кўрмайди ва фақат фарзандидаги салбий сифатлари ҳақида гапиришлари мумкин. Педагог бундай вазиятда агар боланинг салбий томонларини кўрсатса, бу педагогга нисбатан ота- онада ишонч ҳисси йўқолади, ва бундан кейин ота- она педагог билан биргаликда ҳамжиҳатликда иш олиб бора олмайди. Шунинг учун биринчи босқичда педагог ота- она билан ишончли муносабатни ўрнатиши лозим. Иккинчи босқичда педагог ота- она томонидан аниқланмаган боланинг ижобий томонини айтиши (масалан гуруҳдаги боланинг тутган ўрни ҳақидаги социометрик далиллар ёки машғулот вақтида педагог томонидан аниқланган боланинг қизиқишлари) лозим. Бунда педагог бу соҳада олиб бораётган ишлари ҳақида ота- оналар билан фикрлаша олиши мумкин. Шу тариқа педагог ўз олдида ота- оналар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишни асосий мақсад қилиб қўяди. Учинчи босқичда катталар рол алмашинади. Педагог оиладаги бола тарбияси билан танишади ва тўртинчи

босқичда диққатини педагог ва ота- она ҳамжихатликда бола тарбияси, жараён қатнашчилари билан тарбия жараёнидаги камчиликларни йўқотишга қаратади.

Хулоса қилиб айтганда мактабгача таълим муассасаси педагоглари ва ота- оналар ўртасидаги ўзаро ҳамжихатликда олиб бориладиган ишлар жараёнини сифатини кўтариш учун олиб борилган ишлар икки томонлама баҳолаб борилиши зарур.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари ҳамжихатликда олиб борилган ишларнинг самарасини баҳолаши учун қуйидагиларга амал қилиши муҳим:

- педагог оила бола тарбиясида асосий рол ўйнашини ва ўзи ота- оналарнинг бола тарбиясидаги ёрдамчиси эканлигини тушуниши;
- ота- оналар билан иш жараёнини олиб боришда меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиши;
- тарбияланувчиларнинг оила аъзолари билан ўзаро ҳамжихатлик алоқаларини ишончли муносабат орқали ўрнатиши;
- педагог ва ота- оналарнинг биргаликда иш олиб боришининг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаши, таълим- тарбия жараёнида болага қўйиладиган талаб, усулларни танлашда бир хилликка интилиши;
- асосий мақсад ва вазифаларни аниқлашда оилаларнинг эҳтиёжларини ва қизиқишларини, оилага хос жиҳатларини ва таълим- тарбия соҳасидаги ютуқларини инобатга олиш зарурлигини;
- ҳамжихатликда олиб бориладиган ишларни тўғри режалаштира олишни;
- ишлаш усулларининг шакли ва усуллари оилада олиб бориладиган ишларнинг мазмун ва моҳияти бир- бирига мос келиши.

Болаларни жисмоний ривожлантириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишда мактабгача таълим муассасаси ва оиланинг ҳамкорлиги

*Г. Боймуротова
ҚҚР Хўжайли туман
ХТМФМТТЭБ*

Мактабгача таълим муассасаларида ўсиб келаётган ёш авлодни соғлиғини муҳофаза қилиш, ривожлантириш учун жисмоний тарбия машғулотларини тўғри ташкил этиш, уларни мунтазам ўтказиб бориш болаларни жисмоний томондан ривожлантириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш асосий вазифалардан биридир. Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда ота- оналар ва мактабгача таълим муассасасининг ҳамкорликдаги ишлари муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бунинг учун мактабгача таълим муассасасида болаларни жисмоний томондан тарбиялаш, уларни соғломлаштириш ишларини олиб боришда “Оиладаги соғлом ҳаёт тарзи – бола соғлигининг гаровидир” шиори асосида “Соғлом оила” клубини ташкил этиш мумкин. “Соғлом оила” клуби ота-оналарни таълим-тарбия жараёнига жалб этиш, мактабгача таълим муассасасида болалар ҳаётини ташкил этишга қизиқишларини уйғотиш, уларни турли тадбирларда иштирокини таъминлаш, билимларини кенгайтириш, болаларни жисмоний томондан тарбиялаш ва ривожлантиришда соғлом оиланинг роли муҳимлигини тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ундан ташқари клуб ота-оналар билан оилада болаларни жисмоний томондан тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларни ташкил этишдаги қуйидаги вазифаларга болаларни жисмоний ва психологик томондан соғлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, жисмоний ривожланиши, болаларни мустақил ҳаракат активлигини ўстириш учун оилада шарт-шароит яратиш, болаларда соғлом ҳаёт тарзига хоҳишни тарбиялаш, ота-оналарнинг ижодий фаоллигини ошириш, ота-оналарни, болаларни жисмоний ва соғломлаштириш ишларига жалб қилиш, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний маданият жамоат иш эканлигини шакллантириш кабиларга алоҳида эътибор берилиши лозимлигини назарда тутади.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим муассасасида ташкил этиладиган “Соғлом оила” клубининг йил давомида амалга оширган ишлари натижасини аниқлаш, олиб борилган ишларнинг натижавийлигини билиш, яъни баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш лозим. Олиб борилган ишлар натижасида болаларни соғлом бўлишлари учун улар ўз хоҳишлари билан жисмоний тарбия билан шуғулланишларига, болалар соғлигини муҳофаза қилиш, уларда учрайдиган касалликларни камайтиришга, болаларда тарбияланган соғлом турмуш тарзини ҳаёт давомида қўллашга ўргатишга, ота-оналарнинг ижодий фаоллигини оширишга, тадбирларида иштирокини таъминлашга, келгусидаги ишларни режалаштириш ва олган билимларини оилада қўллаш каби натижаларга эришилади.

Кутилаётган натижаларни баҳолашда расмий тестлар, интервью, баҳс мунозара, болалар ҳаракатини кузатиш, ижодкор ота-оналар гуруҳини тузиш, ота-оналар билан анкета сўровномасини ўтказиш каби методлардан фойдаланиш мумкин.

Клуб ишини ташкил этишда тарбиячи, жисмоний тарбия инструктори, педагог-психолог фаол иштирок этади. Мактабгача таълим муассасасида бундай ишларни ташкил этишда ота-оналар билан янги ўқув йилида ўтказилган анкета сўровномалари муҳим роль ўйнайди (анкета сўровномасининг мавзуси “Фарзандингиз соғлиғидан шикоятингиз йўқми?”, “Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш шарт-шароитлари”). Бу эса ота-оналарнинг оилада болаларни жисмоний ривожлантиришга қизиқишларини янада оширади.

Ота-оналар билан оилада жисмоний маданиятни шакллантириш, жисмоний фаолиятни ошириш, болалар ўртасида соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва касалланиш даражасини пасайтириш жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш самаралидир. Ота-оналар билан ёшликда ўйнаган ўйинларини эслаб, уларни болаларни жисмоний томондан ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида суҳбатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, клубда ота-оналар билан болалари учун оиладаги режимни таъминлаш, соғломлаштириш, тўғри овқатлантириш борасидаги ишларни олиб бориш.

Оилада тўғри ташкил этилган шарт-шароитлар болаларни жисмоний ва психологик томондан тўғри ривожланишига замин бўлади, бунда оила ва мактабгача таълим муассасасининг ҳамкорлиги самарали натижаларга эришишга ёрдам беради.

Кичкинтойлар хулқида учрайдиган муаммоларни бартараф этишда оиланинг ўрни

*К. Оқилова
С. Рахимова
Самарқанд
ВХТХҚТУМОИ*


Болалик дунёсидан чиқиб кетган катталар унга қайтиб кира олмайдилар. Турмуш ташвишлари бунга йўл қўймайди. Катталар фақатгина болалар билан мулоқот давридагини бу оламини кузатишлари ва унинг ажойиблигидан қувонишлари мумкин. Лекин шуниси қизиқ-ки, биз катталар бу ажойиботни кўриш ва ундан баҳраманд бўлиш ўрнига ундан қочамиз ва бу ишни кимларгадир топширамыз. Баъзан ота-оналар бўла туриб қўйидаги хатоларга йўл қўямиз:

- Бола тарбиясида оиладагиларнинг турлича муносабатлари (бува, буви, ота, она).
- Ҳиссий илиқликнинг етишмаслиги.
- Асабийлашган болани бошқариш малакасининг етишмаслиги.
- Болага қўйилаётган талабнинг бир-бирига мос келмаслиги.

Бу хато ва камчиликларимиз болажонларимиз хулқида муаммоларни келтириб чиқаради. Баъзан бу муаммоларни ечимини топишга ҳам қийналамиз.




Оиладаги носоғлом муҳит жанжалкаш болалар тарбияланишига сабаб бўлади. Ҳар қандай одам стресс ҳолатида жанжаллашишга мойил бўлиб қолади. Табиийки жаҳл ва унинг турлари ёш хусусиятларига кўра турлича бўлади. Бир икки ёшли бола жаҳли чиққанда жаҳлини чиқарган одам билан



урушмайди, балки у ерга ётиб йиғлайди, ўзини ўзи уради. Болани қанча шошилтирсак у шунчалик секин ҳаракат қилади. Имиллаган болалар устидан одатда оналар шикоят қилади. Бир ёшгача боладан ҳеч нарса талаб қилинмайди. Шунинг учун бу ҳолат сезилмайди. Аста-секинлик билан бу ҳолат намоён бўла бошлайди. Бу вақтда олийжаноб оналар болаларини шоширмайди. Бирор нарсага қизиқтириб тезроқ ҳаракатланишга ўргатади. Тезда жаҳли чиқиб бақириб кетадиган оналарнинг болалари ҳам қайсар бўлади. Бесабр ота-оналар доимо фарзандларини шошилтириб унинг имиллашига сабабчи бўладилар.

Болалар ўсаётганда иштаҳа билан боғлиқ муаммоларни аксарияти бир ёшдан икки ёшгача бўлади. Болақайларнинг бир йилдан сўнг иштаҳалари пасая бошлайди. Иштаҳа тишлар чиқаётганда ҳам йўқолади. Одатда болалар икки ёшдан уч ёшгача инжик бўлишади. Ҳаммамиз бола инжиклигини кўрганмиз ва кузатганмиз. Сайрга бирга олиб чиқмаганимизда, ўйинчоқ ёки ширинлик олиб бермаганимизда у айтганини қилдирмоқчи бўлади. Шу вақтда озгина иккилансак, бола буни сезиб ҳаракатга тушади. Натижада ўзимиз боламизнинг инжикланишига шароит яратган бўламиз. Қатъий турганимизда уларни осон бошқаришимиз мумкин. Бола буни ҳис қилади ва кўнади.




Инжикланишига бирор ери оғриётгани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Хуллас, агар болангиз инжикланса уни руҳий ва жисмоний сабабларини қидиринг.

Икки уч ёшли бола одатда кечаси ўрнига сийиб қўймайди. Баъзиларида бу ҳол уч ярим ёшгача чўзилса, баъзиларида эса икки ёшданок ўрни куриб туради. Болалар кечаси ўрнини ҳўл қилиб қўйишининг бир неча сабаблари бор. Шулардан бири жисмоний касалликдир. Одатда бундай болалар кундузи ҳам сийдик ушлашга қийналадилар. Уч ёшдан ошган бундай болалар албатта врач назоратидан ўтиши лозим. Энурез (сийғоқлик) ўғил болаларда кўп учрайди ва бу ўсмирлик чоғларида қолиб кетади.

Боланинг ривожланиши ва ўсиши кечасию - кундузи давом этадиган узлуксиз жараён дир. Бу даврда бола мустақилликка ўргатилиб борилади. Эндигина кадам қўйиб юришни ўрганган болангиз қўлини қўйиб юборишингизни талаб қилади. Эндигина тили чиқиб гапиришни ўрганганида эса “Мен каттаман” дейди. Отаси ёки онаси каби тезроқ катта бўлиш истаги уларда ҳамма нарсани мустақил равишда бажаришга бўлган интилишни келтириб чиқаради.

Юришни биладиган болани аравачада олиб юриш, тўкиб сочиб ҳам овқатни ўзи ейишга интиладиган болага



едириб қўйиш ва шу аснода унга тўхтовсиз равишда “Сен ҳали кичкинасан” дейиш боланинг ўсишига ҳалақит беради.

Фараз қилинг ўсаётган оёқнинг пойафзали каттасига алмаштирилмаса, бу билан ўсиш тўхтади деб айтиб бўлмайди, у ўсаверади. Лекин у мажруҳ бўлиб ўсади. Болани ўсиши учун зарур бўлган эркинликлар чегараланганда ота-оналар уларни асраб-авайлагандек кўринсада, аммо уларнинг барчаси ўзларининг ҳаловатларини сақлаш учун интиладилар.

Сиз фарзандингизга ҳаёт бердингиз. Энди унга инсон бўлиши учун ёрдам беришингиз керак.

Роль совместной работы семьи и дошкольных образовательных учреждений в воспитании детей дошкольного возраста

*Н.Б.Арифджанова
З.Ш. Рахимова
методисты Мирзо
Улугбекского
РОМООДУНО*

В нынешней социальной политике ключевая роль в воспитании ребёнка отводится семье и родителям.

Семья - одна из важнейших ценностей, созданных человечеством за всю историю его существования. Ни одна нация, ни одна культурная общность не обошлись - и не обходятся вне семьи. В её позитивном развитии, сохранении заинтересованно общество и государство.

Семья и дошкольное образовательное учреждение – два важных института социализации детей. Их воспитательные функции различны, но для всестороннего развития ребёнка требуется их взаимодействие.

Семейное воспитание детей дошкольного возраста в обществе имеет долгую историю. Его появление обусловлено социально - экономическими причинами и осознанием обществом необходимости социального воспитания ребёнка - будущего гражданина.

Ребёнку дошкольного возраста сложно самостоятельно войти в социальную жизнь, так как он не способен на равных со взрослыми трудиться, обеспечивать себя. И здесь его спасает семья, постепенно приобщая его к социальной жизни путём поэтапного расширения кругозора и опыта.

Воспитатели, а потом и учителя, меняются, оставляя большой или меньший след в душе детей, а семья остаётся всегда и более глубоко воздействует на ребёнка. Всё, что происходит между родителями и детьми, в основе своей имеет чувство любви.

Во всех развитых странах давно поняли необходимость сочетания семейного и общественного воспитания. Родитель может воспитать

определённые качества личности, дать знания, сформировать умения, навыки. Однако владея методикой воспитания и обучения, полагаясь только на интуицию, достижение главной цели - всестороннего развития личности ребёнка - будет проходить, с другой стороны возможным формированием негативных черт в личности ребёнка. Учитывая это большинство родителей во всём мире прибегают к помощи воспитателей - профессионалов, не жалея на это средств из семейного бюджета. И это не случайно, так как воспитание в дошкольном образовательном учреждении имеет существенные преимущества.

Приводя ребёнка в дошкольное учреждение, родитель приобретает возможность повысить свою компетентность: специалисты всегда посоветуют, какие книги почитать, какие выставки и спектакли посетить, как организовать досуг ребёнка. Ребёнок не может быть ограничен только миром семьи, иначе в последующем возникнут трудности вхождения в любую новую социальную среду. Поэтому и семья и детский сад должны объединить свои усилия в деле воспитания подрастающего поколения, учитывая преимущества и недостатки каждого и возможности взаимной компенсации. А начать этот процесс должны педагоги дошкольных образовательных учреждений как профессионалы своего дела. Организация взаимодействия с семьями воспитанников, прежде всего, основано на знании правовых основ регулирования этого процесса, который разворачивается в едином образовательном пространстве.

Реализуя задачу педагогического просвещения родителей, педагог обогащает их такими знаниями, которые они смогут использовать как руководство к действию. Помимо этого образование родителей заключается в формировании у них элементов педагогической рефлексии, т.е. умение самокритично оценивать себя как воспитателей, посмотреть на ситуацию глазами ребёнка. Девиз работы с родителями: «От сосуществования - к сотрудничеству и партнёрству».

Изменения, происходящие сегодня в сфере дошкольного образования направлены прежде всего на улучшение его качества. Оно, в свою очередь, во многом зависит от согласованности действий семьи и дошкольных учреждений. Существующий в работе дошкольных учреждений подход к взаимодействию с семьями воспитанников, который выражается в дистанцировании родителей от дошкольного учреждения и принятии дошкольного образовательного учреждения на себя проблем образования детей, не может обеспечить повышение эффективности процесса воспитания. Положительный результат может быть достигнут только при рассмотрении семьи и детского сада в едином образовательном пространстве (ЕОП), подразумевающего взаимодействие, сотрудничество между педагогами дошкольных образовательных учреждений и родителями на всём протяжении дошкольного детства ребёнка. Важнейшим признаком ЕОП и одновременно условием его создания служат определение и принятие участниками педагогического процесса общих целей и задач воспитания дошкольников, которые формируется в единой программе воспитания,

обучения и развития детей. Современные программы образования дошкольников строятся на основе Концепции дошкольного воспитания, достижений психологии и педагогики. Однако родители, выступающие социальными заказчиками образовательных услуг, часто не обладают глубокими знаниями в этой области. Поэтому цель и задачи общественного воспитания должны быть предметом детального обсуждения педагогами и родителями, в ходе которого педагогу необходимо донести до семьи своё видение результата воспитания ребёнка и согласовать его с педагогическими установками родителей

Следующим признаком и условием создания единого пространства развития должны стать выработка и принятие единых требований, предъявляемых к ребёнку дома и в дошкольном образовательном учреждении. Это способствует не только созданию психологического комфорта для ребёнка, но и укреплению авторитета родителей и педагогов. Не менее важным признаком и условием создания ЕОП становится выработка общего подхода к решению проблем воспитания, выделение, обобщение и согласование педагогических методов и приёмов на основе изучения воспитательного опыта семьи и передачи родителям информации о технологии образовательного процесса.

Таким образом, современность ставит перед дошкольным образовательным учреждением достаточно сложные задачи и предъявляет высокие требования к профессионализму педагогов.

Роль дошкольного образования в подготовке детей к обучению в школе

*В.М. Несговорова
Доцент кафедры дошкольного,
начального и специального
образования ТГИППКРНО*

Подготовка детей к школе -одна из важнейших задач обучения и воспитания детей дошкольного возраста. В понятие «готовность к школе» входят три составляющие – готовность физиологическая, психологическая, социальная (личностная). Все эти составляющие тесно взаимосвязаны. Недостатки в формировании любой их них сказываются на успешности обучения. Понятие «готовность к обучению школе» в равной степени зависит от физиологического, социального и психического развития ребёнка. Это не разные виды, а разные стороны проявления готовности в различных формах активности.

Самочувствие и состояние здоровья будущего первоклассника, его работоспособность, умение взаимодействовать с педагогом, одноклассниками и подчиняться школьным правилам, успешность усвоения программных знаний и необходимый для дальнейшего обучения уровень развития психических функций свидетельствуют о его физиологической.

социальной или психологической готовности. В реальности это целостное образование, отражающее индивидуальный уровень развития ребёнка к началу школьного обучения.

Учебно-важные качества, входящие в структуру «готовность», образуют сложные взаимосвязи и оказывают неодинаковое влияние на успешность обучения. В начале школьного обучения учебно-важные качества во многом зависят от уровня развития отдельных индивидуальных качеств ребёнка: мотивов учения, способность принимать учебную задачу, образного мышления, предпосылок логического мышления, графических навыков, произвольности регуляции деятельности (в условиях пошаговой инструкции взрослого) обучаемости, а также вербальной механической памяти. Структура индивидуальных качеств ребёнка до начала школьного обучения ещё не достаточна приспособлена для учения, и только в ходе учебного процесса, под руководством педагога, в результате усвоения знаний, умений и навыков и в процессе самой учебной деятельности в исходной структуре индивидуально психологических качеств происходят значительные изменения.

Поступление в школу – важное событие в жизни ребёнка. Учёба в школе – нелёгкий труд к которому ребёнок должен быть подготовлен. Будущий первоклассник должен уметь управлять своим поведением, подчинять его нормам и правилам, установленным школой, считаться с интересами окружающих, преодолевать встречающиеся трудности и это ещё не весь перечень требований. Чтобы справиться с этими требованиями ребёнку необходимо обладать такими нравственно-волевыми качествами, как организованность, самостоятельность, настойчивость и дисциплинированностью.

Дошкольный возраст – уникальный период жизни человека. Его своеобразие заключается в особой чувствительности, сензитивности к усвоению окружающей действительности; в активности дошкольника – исследовательской, предметно - манипулятивной, познавательной. Особое значение имеют накопление и обогащение чувственного опыта, который становится первой ступенькой в дальнейшем познании многих сторон действительности. Если у ребёнка отсутствуют образы представлений, включается механическое запоминание, позволяющее удерживать в памяти те или иные понятия непродолжительное время. А главное - *механическое, формальное запоминание имеет ограниченные возможности применений знаний. Перенос их в аналогические ситуации производится с трудом, а в нестандартные - становится вообще невозможным.* В процессе образовательной работы дети овладевают содержанием первоначальных представлений и понятий в соответствии с важнейшими категориями, доступными для усвоения знаний в дошкольном детстве. На основе развёрнутых практических действий с предметами, наглядным материалом происходит развитие мышления и элементов поисковой деятельности, что служит прочным фундаментом дальнейшего образования. *Ключом педагогической технологии при реализации программы обучения*

дошкольника является организация целенаправленно йинтеллектуальн о-познавательной деятельности. Она включает латентное, реальное и опосредованное обучение, которое должно осуществляться как в дошкольном образовательном учреждении, так и в семье.

Лательное (скрытое) обучение обеспечивает накопление спонтанного чувственного и информационного опыта, благодаря которому создаётся база «ясных и неясных знаний» (Н.Н.Подьяков)

Накоплению спонтанного опыта способствуют:

- *обогащенная предметная среда\4*
- *специально продуманная и мотивированная самостоятельная деятельность(бытовая, трудовая, конструктивная, учебная);*
- *созидательная продуктивная деятельность;*
- *познавательное общение с взрослыми, обсуждение вопросов, появляющихся у ребёнка в процессе обучения;*
- *коллекционирование интересных фактов, наблюдение за развитием идей в различных сферах науки и культуры, доступных пониманию сегодняшнего школьника;*
- *чтение популярной литературы (с взрослыми), рассказывающей о достижениях человеческой мысли;*
- *экспериментирование, наблюдение и обсуждение с ребёнком процесса и результатов познавательной деятельности.*

Реальное (прямое) обучение осуществляется форме специально организованной познавательной деятельности. При этом формирование представлений об окружающей среде происходит на основе эвристических методов. Использование проблемно-поисковых ситуаций позволяет будущему первокласснику конкретизировать и расширять представления, переносить знания и способы деятельности в новые условия, определять эффективность их применения и активизировать интерес ребёнка к познанию.

Опосредованное обучение предполагает использование педагогики сотрудничества, игровых проблемно-практических ситуаций и деловых игр, совместного выполнения заданий, взаимоконтроля и взаимообучения в игротке для детей и родителей, праздников, совместного времяпрепровождения. Опосредованное обучение предполагает обогащение родительского опыта по использованию педагогически эффективных методов познавательного развития ребёнка, который поможет будущему первокласснику быстро и легко адаптироваться к условиям школы.

Ориентируясь на положение Л.С. Выготского о том, что личность дошкольника- это сплав аффекта и интеллекта, в дошкольном образовательном учреждении уделяется особое внимание эмоциональному комфорту в процессе познавательной деятельности. Положительное подкрепление эвристических находок и успехов детей, эмоциональное невербальное общение взрослого с детьми (взгляды, жесты, мимика) – таков фон, на котором строится обучение дошкольника

Ни знания, ни учебная деятельность не являются целью обучения. Конечной целью, как отмечал известный психолог Д.Б.Эльконин, является вклад в умственное развитие, количественные и качественные позитивные сдвиги в ребёнке.

При определении готовности ребенка к школе выделяются 5 компонентов:

- мотивационная готовность, которая включает в себя стремление ребёнка идти в школу, его интерес к школе, желание познать новое. Чтобы определить насколько она развита у ребёнка задаются несколько вопросов типа «Хочешь ли ты идти в школу? Что в школе самое важное, интересное?» Ответы на эти вопросы помогут понять характер его представления о школе. Наличия интереса к ней. Тест- игра выявит основные стремления ребёнка.(Взрослый бросает ребёнку мяч. Проговаривая начало предложения, малыш должен бросить мяч обратно, завершив предложение по своему усмотрению Начала предложения следующие: Я стараюсь...; Я думаю о том, что... и так далее) Если в результате анализа теста обнаружилось, что перед поступлением в школу ребёнок имеет о ней весьма приблизительные представления, что у него нет интереса к ней, родителям стоит серьёзно подумать о формировании его готовности к школе.

- волевая готовность. У ребёнка должен быть сформирован комплекс волевых качеств, без наличия которых он не сможет длительное время выполнять задания учителя, не отвлекаться на уроке, доводить дело до конца.

- социально-психологическая готовность, включает качества от которых зависит умение семилетнего человека вступать во взаимоотношения со сверстниками, умение найти своё место в классе.

- умственная готовность. Она включает развитость восприятия, наблюдательности, памяти, мышления, сформированность представления о пространстве и времени, о животном и растительном мире, об общественных явлениях.

- умение учиться Этот компонент готовности ребёнка к школе включает умение слушать и слышать учителя, взрослого человека, подчиняться его указаниям, планировать свою деятельность, контролировать и оценивать её.

Из выше изложенного следует, что правильно построенный процесс обучения в детском дошкольном учреждении должно быть направленно на развитие личности ребёнка и на формировании у него устойчивых знаний, согласно его возрасту и психологических возможностей. Известный учёный А.В.Запорожец подчёркивал, что» основы всестороннего развития будущего гражданина закладываются в первые годы жизни ребёнка в детстве От того как он воспитывается в первые годы жизни, во многом зависит его будущее, его эффективное обучение в школе».

Оила ва муассаса ҳамкорлиги

*Ш.В.Ахунбаева
Юнусобод туманидаги
304-сонли МТМ
мудираси*

Тарбиянинг аввали оиладан. Киши ҳаётида олға интилиши учун зарур бўлган кучни ҳам доимо ана шу ошёндан олади. Болалар ота-оналари билан муносабатлари давомида ҳаётнинг биринчи дарсини ўқий бошлайдилар. Ота-онанинг хулқ-атвори, шунингдек, уларнинг сўзлари ҳам педагогик метод сифатида тақлид қилиш учун намуна тариқасида қаралади. Энг муҳими шуки, боланинг “нима яхши-ю, нима ёмон”лиги ҳақидаги тасавури ота-онасининг сўзи, ҳатти-ҳаракати ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатлари таъсирида шаклланади ва мустаҳкамланади.

МТМда болалар тарбияси билан мутахассис педагоглар шуғулланишади. Бироқ, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун жамиятда “Педагог-бола-ота-она” ҳамкорлигини ташкил қилиш зарур бўлади. Биз кўпинча ота-оналарнинг онгида мактабгача таълим муассасаси болалар тарбиясини ўз зиммасига олади, деган фикр шаклланаётганининг гувоҳи бўламиз. Балки шу боисдандир, фарзандларини МТМга берган ота-оналар кўпинча “Фарзандларимиз тарбияси билан мутахассислар шуғулланаяпти-ку, энди бола тарбиясида биров четга чиқсак ҳам бўлаверади” деган нуқтаи назар кучая бошлайди. Ваҳоланки бу нотўғри.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, оилада ҳар доим ҳам барча катталар педагогик жиҳатдан етарли билимга эга бўлавермаганлиги сабабли, ўзаро ва болаларига бўлган муносабатларини тўғри йўлга қўя олмайди. Шу боис, уларнинг шахсий ривожланишига ҳам етарлича эътибор қаратмайдилар. Натижада, ота-оналар билан педагоглар ўртасида соғлом муносабат ўрнатиш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Биз ота-оналарга уларнинг ёрдамисиз, истаганларидек, энг мақбул болалар боғчасини яратиш қийинлигини айтамыз. Яна шуни ҳам эслатамызки, болалар боғчаси болаларни тарбиялашда ёрдам беради, аммо у ҳеч қачон ота-оналарнинг ўрнини боса олмайди.

Биз шундай хулосага келдикки, замонавий шароитларда анъанавий усуллардан фойдаланиб ота-оналар билан ишлаш етарли даражадаги натижа бермайди (ота-оналар мажлиси, суҳбатлар, маслахатлар) Интерфаол усуллар оркали ишлаш ота-оналарга ўз фарзандларини яхшироқ ўрганишларига имкон беради. (биргаликдаги лойиҳалар, мастер-класс, амалий семинарлар, акциялар, презентация –кўрғазмалар, биргаликдаги байрам эрталиклари, спорт тадбирлари).

Тарбиячилар болаларни расм чизишга, яшашга, ўйнашга ва китобни қандай ўқишга, байрамларни қандай ташкиллаштиришга ўргатади. Бироқ болалар бунданда кўпроқ эътиборга муҳтож. Чунки улар ўзларининг қизиқиши, қобилият ва имкониятларга қараб турли-туманки, биз буни ҳис қилиш учун ота-оналардан уйларига кетишга шошмасдан гуруҳларда қолиб, болаларнинг нималар билан банд бўлишлари, муаммоларини қандай ҳал қилишларини кузатишларини сўраймиз. Сўнгра ота- оналар йиғилишига таклиф қилиб, улар билан ҳамкорликдаги ишларимиз ҳақида суҳбатлашамиз. Кўпгина ота-оналар фарзандларининг МТМда нималар билан банд бўлишлари ва бу ерда қандай ҳисларни бошдан кечиришларини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдилар. Ваҳоланки, ота-оналар фарзандлари билан бирга бўлиб, уларнинг ҳис-туйғуларига ошна бўлиши учун, биргаликда ўйнашлари ва ягона бўлган умумий вазифани биргаликда бажариб кўришлари зарур бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, фарзандларининг таълим-тарбияси ва ҳаётида фаол бўлган инсонлар ўзларини “яхши ота-оналар” сифатида ҳис қилади. Улар гуруҳларда бўлиб, боланинг бошқа болалар билан биргаликдаги ҳаракатини кузатади ва баҳолайди. Бу уларнинг бола ривожланиши билан боғлиқ масалаларни яхши тушуниб, уйда қулай тарбия методларини қўллашларига ёрдам беради.

Албатта, бошида барчаси силлиқ ва осон кечмайди. Чунки ҳамма ота-оналар ҳам бу талабга жавоб беравермайдилар. Бироқ сир эмаски, улар орасидан бунга қизиқувчилар ва уни охиригача олиб борувчилар, албатта чиқади. Бизнинг боғчамизда ҳам аввалига бу жараёнга бир қанча оналар кўшилди. Улар ўз кучига ишонмайдиган, уятчан, вазифани тарбиячига ўхшаб бажара олмасликдан, кичкинтойларга жуда катта иштиёқ ва ҳохиш билан чизиш, яшаш, шеърлар ёдлатиш ва рақс тушиш кабиларни ўргатиб боришди.. Болаларга турли қизиқарли уй вазифаларини беришди. Жумладан “Менинг оилам” деб номланган альбом тайёрлаш, болалар номидан кичик хажмдаги хатлар ёзиш ва ота-оналар стендига жойлаштириш. Масалан, уларнинг айримларида қуйидагича сўзлар ёзилган:

Ойижоним!

Биз егуликлар тайёрлашни ўрганаяпмиз!

Ҳатто, бутерброд тайёрлашни ўргандик.

Энди навбат салатга келди.

Бизга салат тайёрлаш учун нимаики зарур бўлса, барчаси керак.

Энг муҳими, оддий салатнинг рецепти ва сизнинг ёрдамингиз зарур.

Кичкинтойингиз

Биласизми, шундай ота-оналар бўлдики, улар бу ҳаракатларга кутилганидек жавоб қайтаришди. Ўзларининг рецептлари асосида келиб танловлар ташкил этишди. Энг қизиғи эса, бундай машғулотларга ота ва боболарнинг келиб кўшилишлари бўлди. Масалан, бизда футбол ишқибози бўлган ота-оналар бор. Уларнинг ташаббуси билан боғчамизда бир кунни футбол куни деб эълон қилдик. Ҳаваскор оталардан Дилшод Қориев болаларга махсус спорт кийимлари, тўп каби спорт буюмларини келтириб

берди. Машхур футболчи Жафар Ирисметов эса ўзининг ўйинларида қўлга киритган кубок, медалларини ва журналлар олиб келиб. Ютуқлари ҳақида кичкинтойларга гапириб берди. Сўнгра болалар билан футбол мусобақасини ўтказишди. У жуда қизиқарли бўлиб, ниҳоясига етгач, иштирокчиларнинг ҳар бири шоколадли (олтин) медал билан тақдирландилар.

. Ота-оналари ўзлари ёрдам бериш таклифи билан чиқишди. Жадвал тузилиб, кимлар қайси куни келиши ва болалар билан қандай мавзуда машғулот уюштириш, бунинг машғулот хонасини қандай жиҳозлаш лозимлаги ҳақида келишиб олинди.

Шунингдек, янги лойиҳаларни ҳам амалга оширишга киришилди. Масалан – “Биз бўлажак ўқувчимиз”, “Бизнинг севимли ҳайвонлар”, “Севимли ўйинчоқлар”, “Спорт ҳақида кўп нарса билгим келади”, “Менинг севимли Ўзбекистоним”, “Ватан ҳимоячилари”, “Кичик ўт ўчирувчилармиз” ва бошқалар. Болалар ва ота-оналарни бир-бирига яқин бўлишига ўтказилган акциялар “Болага китоб совға қилинг”, “Муассасамизни кўкаламзорлаштирамиз”, “Ер юзини чиқиндилардан тозалаймиз”, “Қишлоғчи қушларга ёрдам берамиз”. Ота-оналарга мастер классларда иштирок этиш жуда ёқади. Масалан “Бола билан ўйнаймиз”, “Бувижоним пишириқлари”, “Болага қандай қилиб пайпоқ тўқиш мумкин” ва хо казо.. Яна бизнинг муассасамизда турли фото кўргазмалар, биргаликдаги оилавий ижодий ишлар танлови, қишда “Қиш эртаги, баҳорда “Ассалом наврўз” ёзда “Ватаним чаманзори” кабилар ўтказилинади.

Энг қизиғи шундаки, улар даврасида болаларимиз ҳам ўзларини ота-оналари каби катта одамлардек ҳис қилишди. Уларнинг ҳар бири бу билан фархланишди. Эҳтимол. Ота-оналар билан ҳамкорликда қилинган ишларни санаб чиқсак, бир китоб бўлар, аммо биз мамнуният билан айта оламизки, (педагог-она-она-бола) тизимида олиб борилган ишлар фарзандларимиз ҳаётида анча юқори самара бериши шубҳасиз.

Айтиш лозимки, бу бирдамлик натижасида ота-оналарда боласининг янада юқорироқ кўрсаткичларга эришишга бўлган ишончи юксалиб, уларни чуқурроқ тушуниши ривожланади. Уйда ҳам болалари билан шуғулланиши натижасида, фарзандининг дўстлари билан танишиб тарбиячига ишончи ортади. Бошқа ота-оналар билан ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатадилар.

Ўз ўрнида эса, болалар ота-оналарини кўргач, МТМга бўлишга нисбатан муносабатлари ижобий томонга мустаҳкамланса, машғулотларда ота-оналарнинг иштироки этиши боланинг руҳий кўринкилигига ўз қадрини билиши, ўзини-ўзи назорат қилиши ва баҳолашига имкон беради. Ўзидан катта ёшдаги янги инсонлар билан танишиши унинг дунё қаратишини бойитади.

Педагоглар учун ҳам бу – катта ёрдам бўлиб, тарбиячилар гуруҳлар билан ишлаганда ота-оналар тажрибасини қўллаган ҳолда болаларни оддий касблар билан таништириб, тарбияланувчиларининг ота-оналари билан яқиндан мулоқот қилишлари мумкин.

Бир сўз билан айтганда, оилалар ва МТМ ўртасида алоқаларнинг ўрнатилиши идрок, хайрихоҳлик ва ишончни юзага келтиради. Уларнинг таълим-тарбияда улкан мақсад йўлида амалга ошираётган ҳамкорликдаги ишлари бир дарёга қуйилган икки ирмоққа ўхшайди.

Тайёрлов гуруҳи тарбиячилари ва 1- синф ўқитувчилари ўртасидаги ҳамкорлик

*М.С Дадаҳоджаева
Яккасарой туман
323- МТМ*

Мактабгача таълим муассаса ва мактаб ишидаги изчилликни амалий рўёбга чиқаришнинг муҳим шартларидан бири, тайерлов гуруҳлари тарбиячилари ҳамда биринчи синфлар ўқитувчилари ўртасида ишга оид ҳамкорликни ўрнатилишидир.

Бу алоқаларнинг ахамияти айниқса кейинги йилларда мактабда болаларни олти ёшдан ўқитишга ўтилиши ва ижтимоий мактабгача тарбия системасининг фаол ривожланиши муносабати билан ортди.

Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти, МТМнинг мактаб билан оммавий яқинлашуви - МТМ ва мактаб ўртасидаги изчилликни амалга ошириш ҳамда МТМ ва мактаблар педагогик жамоаларининг самарали ҳамкорлигидур.

МТМ ва бошланғич синфларнинг амалдаги дастурларини киёслаш улар ўртасида маълум алоқа борлигини кўрсатади.

Бу энг аввало, дастурларга асос қилиб олинган мазмуннинг тарбия мақсади ва вазифаларига мувофиқлиги, ҳаёт билан алоқаси ва шу қабилар.

МТМда айрим фанлар буйича - она тили, математика билан бир вақтда бошланган луғат бойлигини янада ошириш, нутқнинг ифодалилиги ва мантикийлиги устидаги иш давом эттиришдир.

МТМ ва бошланғич синфлардаги табиатшунослик билимлари хар иккала ҳолатда ҳам организм ва муҳит бирлигига таянади. Жонли ва жонсиз табиат ходисалари, табиат ва кишилар меҳнатининг бир-бирини тақозо этиши шу асосда қаралади.

Ўқитувчилар ва МТМ тарбиячилари ҳамкорлигининг асосий вазифаси: болаларни мактабга тайерлашда яқдилликга эришиш, болаларни мактабга тайерликларининг юкори даражасини таъминлаш булиб, бу кейинчалик мактабда муваффақиятли ўқишга олиб келади. МТМ ва мактаб ҳамкорлигининг мазмуни ҳамда шакллари мана шу вазифалардан келиб чиқиб аниқланади.

МТМ ва мактаб болалари билан алоқаларда ўзаро боғланган жихат: ўқитувчи ва тарбиячиларни мактабгача таълим ёшидаги таълим-тарбиявий иш вазифалари билан ўзаро таништириш, МТМ тайёрлов гуруҳлари ва мактабнинг 1-синфи дастурлари мазмунини ўрганиш, болаларнинг хусусиятлари билан чуқуррок танишишдир, бу эса тарбиячиларга болаларни мактабга тайёрлашнинг асосий масалаларини чуқуррок фарқлаш-

ларига, болани ақлий ва ижтимоий ривожланишига эришишларига ёрдам беради.

Бу мақсадда МТМ ва мактаб ўртасидаги алоқаларнинг қуйидаги аниқ шакллари: ўқитувчи ва тарбиячиларнинг болаларни мактабга тайергарликлари муаммоларига оид ҳамкорликдаги педагоглар кенгашларида катнашишлари - болаларни МТМдан мактабга ўтишларининг психологик қийинчиликлари, болаларни мактаб шароитларига яхшироқ мослашувларига ёрдам беради.

МТМда болаларда энг оддий математик тасаввурларни таркиб топтириш, нутқни ўстириш ҳамда саводни эгаллашга тайёрланиш юзасидан ўтказиладиган машғулотлар болаларни мактабда ўқишга махсус тайерлашнинг зарур даражасини таъминлайди.

МТМ ва мактаб ўртасидаги алоқалар мазмунининг амалий жиҳати, биринчидан, ўқитувчиларнинг бўлажак ўқувчилари билан МТМда олдиндан танишишларида, иккинчидан тарбиячиларни ўзларнинг собиқ тарбияланувчилари 1-синфдаги ўқиш жараёнида назорат қилиб туришларида ифодаланади. Бу ишларнинг амалга оширишни аниқ шакли ўқитувчиларни ўзларининг бўлажак ўқувчилари билан танишишлари мақсадида МТМ тайёрлов гуруҳларига мунтазам келиб туришлари, машғулот ва машғулотлардан ташқарида уларнинг фаолият ҳамда кузатишлари, тарбиячилар билан бўлажак ўқувчилари ҳақида суҳбатлашишлари, болаларни мактабга кузатишда тарбиячилар томонидан тузилган болалар тавсифномалари билан танишиш ҳисобланади.

Тарбиячи тавсифномада болалар ривожланишидаги айрим ўзига ҳос хусусиятларни таърифлайди, бу ўқитувчига боланинг мактабда бўладиган кундан бошлаб унга тўғри педагогик ёндашувни ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Тарбиячи болаларни мактабга чиқарганидан сўнг ўқувчи билан алоқада бўлиб туриши, болаларнинг ўқишга улгуришлари билан қизиқиши, айрим дарсларда катнашиши ва тарбиялатувчиларининг хулқ-атвор ва фаолиятларини кузатиши, ўқувчилари билан суҳбатлашиши, айрим ўқувчиларнинг ўқишда орқада қолиб кетиш сабабларини ўқитувчи билан муҳокама қилиши зарур. Болалар мактабга келган дастлабки ҳафта ва ойларидаги бундай назорат катта аҳамиятга эгадир, чунки у тарбиячига болаларни мактабга тайерлашишининг натижаларини яққол кўриш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, уни янада такомиллаштиришга эришиш имконини беради. Тарбиячи ва педагогларнинг ҳамкорликдаги кенгашларида болаларни мактабга тайёрлашнинг аниқ натижалари таҳлил қилиниши, камчиликларини бартараф этишнинг аниқ йуллари белгилайди.

Болада мустакилликни муваффақиятли шаклланишининг далолати тарбиячининг эслатиш ва кумагисиз хулқ-атвор қоидаларини бажариш, янги шароитларда ҳаракатнинг туғри одатий усулларида фойдаланиш, ёрдам беришга тайёрлик қобилиятидир.

Болалар МТМда қабул қилинган қоидаларга мувофиқ онгли ташкил эта билишда, фаолият натижасига эриша билиш ва уни назорат қилиш, ўз хулқ-атворини бошқа болаларники билан мувофиқлаштириш, уз хатти-харакатлари учун шахсий масъулиятни хис қилишда уз ифодасини топади.

МТМ ва мактаб алокаларининг хакикатан нафли бўлиши учун бир катор шартларга: МТМнинг мактаблар билан алокаларининг доимийлиги, ҳамкорликка оид ишдаги режалилик ва мунтазамлилик, масалаларнинг бир бутун ҳолда ҳал этилишига риоя қилиш муҳимдир. МТМ ва мактаб ҳамкорлиги режасининг амалий мазмуни ва аниқлиги уни муваффақиятли амалга оширишнинг гаровидир.

Шундай қилиб, МТМ ва мактаб ўртасида таълим- тарбиявий ишдаги изчилликни руёбга чиқаришга доир ҳар томонлама мазмунли ҳамкорликнинг ўрнатилиши, болаларни мактабга тайерлашда юқори даражага эришиш ва уларни мактабда муваффақиятли ўқишларининг гаровидир.

Преемственные связи доу, родителей (семьи), махалли через новые виды партнерства при подготовке детей в школу

*Ш.У. Зокиржанова
Яккасарайский район,
ДОУ № 323*

Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов считает, что необходимо принять новые законодательные акты и нормы, которые должны способствовать развитию и совершенствованию здорового ребенка в семье, оказание ей помощи, предоставление возможностей и льгот.

Исходя из этого, вопросы здоровой и прочной семьи, должны рассматриваться как приоритетные, находящиеся в центре внимания всех: семьи, махалли и ДОУ.

На протяжении многих лет основная роль в воспитании детей принадлежала общественному дошкольному воспитанию, что привело к самоустранению семьи от основного её долга-воспитание детей.

С принятием в 2008 году Концепции дошкольного образования Республики Узбекистан - семейное воспитание в силу своей особой значимости стало приоритетным.

Не случайно глава нашего государства неоднократно подчёркивает, что “Всесторонне развитой ребенок формируется в здоровой семейной атмосфере”, и очень часто семья и особенно молодая семья - нуждается в помощи.

Воспитание и образование – процесс трудный, многогранный и требует взаимодействие всех его участников: родителей, воспитателей, махалли. Взрослые непосредственно причастны к созданию благоприятного климата для ребенка. И поэтому на работниках ДОУ лежит ведущая роль в

воспитании и обучении детей. Но при этом нельзя принижать роль родителей, махалли, т.к от вдумчивого и внимательного их отношения в значительной степени зависит весь ход физического и духовного развития детей, будущие их успехи в жизни.

Интересы ребенка могут пострадать, если отношения между работниками детского сада и родителями не сложились.

Мы все знаем, что основную роль в воспитании и развитии ребенка играет семья. Именно в семье создается особый эмоциональный микроклимат, благодаря которому у ребенка формируются отношение к себе, его мировоззрение в целом, поведение в разных сферах общественной жизни. Он представляет собой комплекс условий и средств, определяющих педагогические возможности семьи. Сюда же относятся материальные и бытовые условия, периоды развития, структура семьи, характер отношений между его членами, обычаи семьи. Успешность семейного воспитания ребенка зависит от воспитательного потенциала семьи.

И очень часто в поддержке успешного семейного воспитания оказывает большую помощь ДОО совместно с махаллинским комитетом. И для этой цели можно предложить следующие формы работы: проведение нетрадиционных форм работы с родителями- собрание практикум, выставки. И также нетрадиционные формы родительских собраний: открытое родительское собрание; информационно-аналитические - анкетирование; социологический опрос; "почтовый ящик"; наглядно – информационные: презентации; фотовыставки; выпуск газет; паспорт здоровья; открытые занятия для родителей; мини-библиотека; информационные стенды; дни открытых дверей; познавательные : практикумы; педагогические гостинные; круглый стол; вечер вопросов и ответов; досуговые: праздники; совместные досуги; участие родителей в конкурсах, выставках, экскурсиях и т.д.

При разнообразии форм работы с родителями все-таки возникает непонимание между родителями и педагогами. Причины непонимания между родителями и педагогами: по мнению педагогов (по итогам анкетирования педагогов) - родители идеализируют своего ребенка; не могут объективно оценить его уровень развития; не хотят видеть недостатки; родители равнодушны к своим детям и детскому саду; перекладывают ответственность за воспитание и обучение на детский сад; низкий культурный и педагогический уровень родителей и т.д.

По мнению родителей (по итогам анкетирования родителей): невнимание к детям со стороны воспитателя; только поучают: так надо и так; много негативного говорят про ребенка и мало хорошего; что там с детьми нашими делают, не в полной мере знаем; мало практической информации и т.д.

Проблема непонимания заключается вовсе не в отсутствии внимания со стороны родителей, а в закрытости самого ДОО. Очень часто родители не имеют открытого доступа к работе воспитателя, нет адекватного обмена мнениями.

В основе любого взаимодействия лежит создание совместной деятельности, которая предполагает коллективную творческую деятельность. Для его организации нужно следующее: провести опрос, договориться с обеими сторонами, определить цели, средства, формы, подходы; использование разных направлений; формирование центра, чтобы создать коллективное мнение.

И в этом главная роль принадлежит ДОУ и педагогу-воспитателю.

И тут возникает вопрос – каким должен быть современный педагог? Его роль в воспитании детей?

Роль современного педагога – сотрудника, партнера:

опирается на инициативу родителя и предлагает свое; узнает о ребенке у родителя и вместе с ним оценивает ребенка; не дает готовых советов, а вместе с родителями решает проблему; подходит к родителю, учитывая индивидуальность семьи; помогает родителям создать для ребенка успешную деятельность для самореализации личности; помогает родителям в правильности семейного воспитания, иногда учится у родителей; не поучает родителей, а дает советы как дипломированный специалист. **И высшая цель и содержание работы этого педагога должен быть только – ребенок !**

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги

З.Х.Ахмедова

Учтена тумани ХТМФМТТЭБ

Мактабгача таълим бўлими услубчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сонли қарори билан “Соғлом бола йили” Давлат дастури эълон қилинган, мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятларини ота оналар билан узвий ҳамкорликда ташкил қилиш борасида аниқ чора тадбирлар белгилаб олдилар. Айниқса, муассаса ва оиланинг соғлом болани шакллантириш, тарбиялашга доир фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Хар бир таълим муассасаси худудида мактабгача таълимга қамралмаган болаларни аниқлашдан бошлаб, уларни муассасага жалб этиш ва ота оналар эҳтиёжларини ўрганиб таҳлил қилишдан тортиб, уларни амалга ошириш чораларини топиб кенг қўллашгача бўлган ишлар бу тадбирнинг бош мазмунини ташкил этади. Таълим муассасаси оила, унда ўсаётган мактабгача ёшдаги болани муассасага жалб этишининг барча чораларини фаол қўлламоғи керак.

-Бола нега таълимга жалб этилмаган? Нима учун боланинг боғчага боришига нисбатан оилада жиддий ёндашув шаклланмаган?

-Оиланинг имконият ва эҳтиёжлари нимадан иборат?

-Бу эҳтиёжларни қондириш йўллари нимадан иборат?

- Қандай қилсак оила таълим муассасасига томон юз буради?

- Нима қилсак оила боланинг таълим тарбия олишида асосий маъсул

эканлигини хис этади каби қатор саволлар хар иккала томонни баравар қизиқтириши лозим.

- Ўз навбатида мактабгача таълим муассасаси хам ўз фаолияти мазмунига танқидий назар ташлаб, унда нималарга янада жиддий ёндашиш кераклиги,
- педагоглар салохиятини ошириш чоралари нимада эканлиги,
- ота оналар ўртасида тарғибот ташвиқот ишларини қандай ташкил этиш мумкинлиги,
- муассасада таълим жараёнини сифат жихатдан такомиллаштириш усул услубларини жорий этишга янада кўпроқ аҳамият бериш зарур эканлигини чуқур хис қилиш лозим.

Болаларнинг соғлиги, рухияти ва ахлоқини ўрганиб, уларнинг тўлақонли таълим тарбия олишларига шароит яратиши, ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиши, таълимнинг юқори самарали усул ва услубларини кенг қўллаши зарур.

Болада адаптация (мослашув) енгил ўтиши нималарга боғлиқ?

- Боланинг мактабгача таълим муассасасига осон мослашуви, аввало, ота оналар ва муассасанинг узвий ҳамкорлигига боғлиқ.

- Муассасада бола таълим тарбия оладиган муҳит оилага яқинлаштирилган бўлиши лозим.

- Оилада эса бола муассасада одатланган кун тартиби қўллаб қувватланиши шарт.
- Боланинг қизиқишлари, ўзлаштириши, муаммолари борасида ота-она муассаса педагогларини мунтазам хабардор этиб боришлари лозим.
- Ўз навбатида, педагоглар хам болаларнинг муассасадаги ютуқлари, қийинчиликлари борасида ота- оналарга маълумот етказиб, тегишли тавсия маслаҳатлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.
- Боланинг кичиккина муваффақиятлари хам эътироф этилиши лозим. Болага нисбатан инсоний муносабат, унинг шахсини ҳурмат қилишга қаратилган дўстона руҳдаги мулоқот боланинг шахс сифатида янада баркамол бўлиб боришига асос бўлади.

“ Оила– болага ва таълим муассасасига қандай ёрдам бериши мумкин? ”

Бола таълим муассасасига бажонидил боришни исташи учун мактабгача таълим муассасасига оила томонидан бола ҳақида максимал маълумотлар берилиши керак.

Бола учун муассаса ва оилада яратилган шароитлар бир -бирига яқин бўлиши керак. Боланинг муассасага мослашуви енгил кечиши учун муассасада оилага яқин шароитлар яратилиши керак.

Таълим муассасаси талабларига риоя қилиш, уларни қўллаб қувватлаш, педагогик жараёнда бевосита иштирок этиш кутилган натижани беради.

Ўзаро ҳамкорлик ишлари режа асосида мунтазам олиб борилса, ривожлантирувчи муҳит яратилишида иштирок этилса

Таълим-тарбия мазмуни юзасидан таклиф мулоҳазалар бериб турилса, бола

шаҳсида мактабгача таълим муассасаси ҳақида ижобий тушунча тасаввурлар шакллантирилса болаларнинг муассасага бориш, мослашиш жараёни бирмунча осон кечади.

▪ ***Мактабгача таълим муассасаси болани муассасага жалб этишда нималарга эътибор бериш зарур?***

Болани муассасага жалб этишда, даставвал, оиланинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим.

Боланинг муассасага қамралмаганлик сабаблари атрофлича ўрганилиб, зарур ҳолларда оилага қулайлик яратиш чоралари кўрилиши керак.

Масалан, кун давомида боланинг фақат бир неча соат муассасада бўлишини рағбатлантириш, муассасага олиб келиш ва олиб кетиш

Шароити бўлмаётган оналарга ёрдамлашиш, муассасада амалга оширилаётган таълим тарбиявий иш мазмунини тарғиб этиш мақсадида очиқ эшиклар кунлари уюштириш

ота-оналарни қизиқтирган мавзуларда суҳбат, мунозара, маслаҳат тавсиялар, оилага ташрифлар, кузатувлар ўтказилиши кутилган натижани беради.

биз педагоглар, таълим-тарбия муассасалари зиммасига жуда муҳим вазифани ишониб юклаган. Бу вазифа юртимизда ўсиб унаётган ҳар бир боланинг таълим-тарбия жараёнига жалб этилишини таъминлаш, уларнинг тўлақонли таълим билан қамралишига эришиш, таълим мазмунининг барча талабларга мос бўлиши, фаолиятга ота-оналар, оилани жалб этиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, болаларнинг ҳар томонлама таълим-тарбия олиши, соғлиғи, алоҳида ва таълим муассасаси олдидаги бир-биридан долзарб вазифаларнинг чуқур хис қилинишини назарда тутати.

Таълим тизимининг дастлабки босқичи мактабгача таълимдир. Мактабгача таълим – жамиятнинг эртаси бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаши, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиши, мунтазам таълим олишга тайёрлаши лозим.

Ҳар бир ёш даврида бола турли фаолият босқичларини босиб ўтади ва ҳаётий тажрибаси ортиб боради. 6-7 ёшли болада ҳали ўйин фаолияти устунлик қилиб, таълим фаолиятига оид мотивлар, эҳтиёж ва қизиқишлар таркиб топа бошлайди. Боланинг мактаб таълимига тайёрлиги тушунчаси уларнинг жисмоний, психологик, ақлий, ахлоқий тайёрлиги билан белгиланади.

Хабаримиз борки, туман ҳудудларида кўп бола мактабгача таълим муассасасига қатнамайди. Боланинг асосий вақти оила муҳитида бўлганлиги учун ота-онанинг болани мактабга тайёрлашдаги роли бекиёсдир. Ҳар бир ота-онанинг вазифаси фарзандининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, табиий уй шароити муҳитидаги воқеа-ҳодисалар жараёнида фарзандига ўқишнинг ақлий меҳнат эканлигини; диққатини, иродасини ишга солиши кераклигини; бундан ташқари ўз хулқини идора этиши, хатти-ҳаракати учун жавоб бериши лозимлигини аниқлаши зарур. Оиладаги соғлом муҳит одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзандларнинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати,

меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатлари тўғри шаклланишига ёрдам беради. Шундай экан, ота-она боланинг биринчи тарбиячиси ҳисобланади ва ҳар бир ота-она фарзандида мактаб ҳақидаги илк тасаввурни ҳосил қилиши лозим ва бу ўринда ота-оналарга маҳалла ва шу ҳудудда жойлашган мактабгача таълим ходимлари томонидан жиддий ёрдам бериш талаб қилинади, яъни мактабгача таълим муассасаси ва маҳаллалар қошида “Саводхонлик марказлари”ни ташкил этиш лозим.

Албатта ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб етишишида дастлабки таъсир этувчи омил бу – мактабгача таълим ҳисобланади. Ҳозирги кунда болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаларнинг роли жуда катта. Сабаби боланинг дастлабки дунёқараши шаклланишида мактабгача таълим муассасаси психологи, тарбиячи ва барча педагог ходимларининг ўрни катта аҳамият касб этмоқда, яъни болалар илк саводхонликни мактабгача таълим муассасаларида олмоқдалар. Болаларни ақлий, ахлоқий ва жисмоний етук инсон қилиб тарбиялашга муассасаларда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, улар болаларда зукколикни, зеҳнини, тафаккурини, хотирани кучайтириш мақсадларига қаратилган.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам кўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради ва шунинг учун муассасаларда тарбиячилар томонидан, оилада ота-оналардан боланинг мактабга тайёргарлиги ундаги идрок, кузатиш, хотира, тафаккурнинг ривожланиши, вақт ва фазовий тушунчалар олами, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши лозимлигини англашиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, жисмоний, психологик, ақлий, ахлоқий тайёр болаларгина мактаб таълимига тайёр ҳисобланади. Бу жараёнда эса мактабгача таълим муассасасининг ва ота-онанинг роли муҳим аҳамиятга эга, яъни мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари томонидан бериб келинаётган таълим-тарбияни оилада ота-оналар ўз назоратларига олсалар; оилада боланинг ички имкониятларини, эҳтиёжини ва қизиқишлари, ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ақлий зўриқишга йўл қўймаслик, болага индивидуал ёндашиш; ва энг асосийси - ўйин фаолиятдан фойдаланиб, болада таълим фаолиятига оид кўникмаларни шакллантириб, уни мактаб таълимига тайёрлашдир.

Ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашда таълим тизимининг ўрни

*Д.М.Мусаева
УчтенаТХТМФМТТЭБ
431–ИМТМ мудираси
М.П.Қосимова
431–ИМТМ
психоневрологи*

Оила – бумуқаддасдаргоҳ, жамиятнингасосиниташкилқиладиганбирдавлат, жамиятнингбирзаррасидир.

Оилаболанитарбиялашдаунишахсифатидашакллантиришдажавобгарвамасъулдир. Куш уясида кўрганини қилади. Бола уйдаўрганинибоғчададавомэттирадивабоғчадаоиладагитарбиямаълумдаражада коррекция қилинади, яънитарбиянингнотўғрижойларитузатилади, етишмовчиликларитўлдирилади. Бола 5 ёшгакиргунча 17 яшарболанинг 50 % интеллектигаэгабўлади (Л.Н.Толстой).

Мактабгачаёшдагиболалароилагакўпроқбоғланганбўладиватарбиямасаласибиринчиўриндатуради. Оиладагиота-онанингтаълим-

тарбиявийвазифасидаоиламуҳитинингўрникуйидагиларданиборат :

– муҳофазақилувчи педагогик режимниўз ичига олганмахсус шарт-шароитлар, ижобиймуҳитнияратиш;

– боланингруҳиятиникўтариш, ижтимоийваташқидунёсигамехркўзибиланназарташлаш;

– фарзандинибошқаболаларбиланмулоқотдабўлишигаинтилиши;

– оиладаболанингмеҳнаттарбиясисифатиниузлуксизошириш, ижтимоийфойдалимеҳнатгатайёрлаш;

– фаолликнивамустақилликниривожлантиришварағбатлантириш;

– жисмонийтарбия, санитария-гигиена кўникмаларивамалакалариниривожлантириш;

– боланиоиладатарбиялаш, биргаликдамеҳнатқилиш, интизом, тежамкорлик, бажарилганишучунмасъулиятҳисларинитарбиялаш.

Бола тарбияси билан шуғулланадиган оилаларнинг болалари МТМда ўз имкониятларини машғулот жараёнида қийналмасдан кўрсата оладилар. Оила ва боғчадаги таълимнинг узлуксизлиги боланинг нафақат жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишига, балки уни маънавий шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Оила болани тарбиялашда уни шахс сифатида шакллантиришда жавобгар ва масъулдир.

Ота-она – оила таянчи, меҳрибон маслаҳатчи, барча масалаларда оила таъминотчиси, беғараз дўст ва мураббий, фарзандларининг суянган тоғидир.

Оила – ҳаёт абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган

муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Болаларни вояга етказиш, тарбиялаш аввало ота-онанинг зиммасига тушади. Асосий тарбиячи – онадан юксак тарбия, диққат-эътибор, ғамхўрлик, сабр-бардош, меҳр, ишонч, билим, хушмуомалалик талаб этилади.

Ота-оналар уй шароитида боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда коррекцион-педагогик ишларни амалга ошира олишлари лозим ва келгусида мактабда таълим олишга тайёрлаб боришлари керак. Бунинг учун ота-оналар махсус билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Ота-оналар мутахассислар, педагоглар, психолог, тиббий ходимлардан амалий ёрдам олишлари, улар билан тез-тез мулоқотда бўлишлари, машғулотлар мазмуни билан танишишлари, уй вазифасини бевосита бола билан биргаликда бажаришлари, бола билан ишлашда унга ижодий ёндашиш, адабиётлар, буклетлар, рисоалар билан яқиндан танишиб боришлари керак.

Фарзандлар тарбиясида ота-оналар қуйидаги маслаҳатларга амал қилишлари фойдадан холи эмас:

– фарзандингиз билан иложи борича диққат эътибор билан мулоим тинч оҳангда суҳбатлашишга ҳаракат қилинг;

– унинг кичкина ютуғини ҳам эътибордан четда қолдирманг, қўллаб-қувватланг, мактаб ўпиб қўйишни, рағбатлантиришни унутманг;

– уни қурби етмайдиган ишга зўрламанг;

– болага ҳадеб “унақа эмас, мана бунақа қилиш керак” деб танбеҳ берманг;

– уни бошқа болалар билан, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, қўни-қўшниларингизнинг фарзандлари билан солиштирманг ва ҳатти-ҳаракатларини танқид қилманг.

Болалар севган ишлари билан банд бўлсалар, уларда қатъийлик таркиб топади, бу уларга завқ-шавқ, хузур бахш этади, шунинг учун ота-оналар болаларнинг севимли машғулотларини бажаришлари учун зарурий ашёларни топиб бериши, қулай шарт-шароит яратишлари керак.

Фарзанд тарбияси ва уларнинг келажagini обод қилиш кўп жиҳатдан оиладаги муҳитга, атрофдаги катталарнинг болани тарбиялашга бўлган муносабатига боғлиқ. Ота-она ўз фарзандининг саломатлиги ва порлоқ келажаги учун жамият ва давлат олдида масъулдир.

Ота- она болага қандай ёрдам бериши мумкин ?

Таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, натижа шунча яхши ва самарали бўлади.

– аввало сабрли бўлинг, оилада тинч, соғлом, иноқлик муҳитини яратишга ҳаракат қилинг, зиддиятли вазиятларни четлаб ўтинг;

– болани асло уялтирманг ва камситманг, унинг устидан кулманг ва жирканманг;

– болага нисбатан қаттиққўл ва кескин иборалардан, қўрқитиш, зарда қилиш, ғазаб билан гапиришдан тийилиш, гапирганингизда қўрқитиш эмас, огоҳлантириш оҳанги бўлсин;

- болани ўраб олган салбий омиллардан (телевизор, компьютер олдида узоқ ўтириш, кўрқинчли ва тажовузкор фильмлар кўриш, бемаъни мультфильмлар томоша қилиш ва ҳ.к) ҳимоя қилинг;
 - Тақлид – боланинг ҳаёт тарзидир. Бунинг учун ота-она бола учун ибрат бўлиши, оиладаги соғлом муҳитни юзага келтириб, соғлом турмуш тарзини олиб бориши, тиббий маданиятни мунтазам ошириб бориши керак;
 - болани тез-тез мақтаб, руҳлантинг, қўллаб-қувватланг, ютуқларини рағбатлантинг. Унга қўйиладиган талаблар ёшига, қобилиятига ва иқтидорига мос бўлсин;
 - болага алоҳида хона жиҳозлаб, уни керакли ўйинчоқлар, қизиқарли китоб ва эртақлар, “лего” ва шунга ўхшаш мосламалар билан бойитинг. Унга алоҳида вақт ажратиб боғни сайр қилинг, ўйинлар ўйнанг, ҳикоя, эртақ, топишмоқлар айтинг, сўз бойлигини, билим доирасини кенгайтиринг;
 - спорт билан шуғуллантинг (пиёда юриш, югуриш, сузиш, гимнастика), танани чиниқтириш, иммунитетни оширишга катта аҳамият беринг;
 - оилада болани кучли руҳий ва жисмоний зўриқишлардан, сурункали зиддиятли вазиятлардан воз кечишга, унинг хулқи-атворидаги ёмон ҳолатлар (катталарга бақириш, кичикларни уриш)га, номақбул қилиғига нисбатан зарурий чорани қўлланг;
 - уйда тинч-осуда вазиятни яратишга кўмаклашиш, болани ҳар томонлама ривожланиши ва тарбияланиши учун шароит яратиш;
 - боланинг диққат эътиборини ён атрофдаги қувончли ва ёқимли нарсаларга қаратинг ва ижобий таассуротларни мустаҳкамланг;
 - болаларда ўз-ўзига баҳо бериш хислатини оширишга кўмаклашинг, яхши фазилатларга эга бўлишга ҳаваслантинг ва шунга амал қилишларига ёрдамлашинг;
 - болага ўйинларидаги, бир-бири билан ўзаро муносабатларидаги ютуқли имкониятлари ҳақида ҳикоя қилинг.
- Фарзандларимизни соғлом, ақл-заковатли, қувноқ, одамохун, хушхулқ қилиб тарбиялаш бизнинг асосий мақсадимиздир. Зероки улар биздан кўра ақлли, кучли, заковатли ва илмлидирлар.
- Бу замон талаби, келажак ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом, баркамол авлодниқидир. Ўғил-қизларимизни иймон-эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли, ҳур фикрли, юксак маънавиятли, гўзал инсон бўлиб вояга етказишдек муҳим масалага барчамиз масъулмиз.

**Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим
муассасаси, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги**

*Л.Н. Эргешева
46-МТМ мудираси*

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги"

Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, миллий маданияти, ўз она тилини тиклаш бўйича ҳамма миллатпарвар халқимиз баҳоли қудрат ҳаракат қилаётган бир даврда ҳар бир ота-она, маҳалла тарбиячиларнинг бола тарбияси ва ривожланиши ҳақидаги илмий педагогик билимларни такомиллаштириш давр тақозосидир. Бундай долзарб мураккаб иш мактабгача тарбия муассасалари билан оила, маҳалла амалга оширадиган ягона, яхлит тарбия тизими мавжуд бўлгандагина ижобий натижа беради. Болага оилада яхши тарбия бериш бола ҳаётининг дастлабки даврларидан бошлаб, ота-она олдида турган асосий мақсад ва вазифалар, яъни ота-она учун ҳам қарз ҳам фарздир. Оила болага таъсир кўрсатади, уни атрофдаги ҳаётга мослайди. Жамиятда эса тарбия фақат ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмасдан, балки уларнинг ижтимоий бурчи ҳамдир.

Республикамиз мустақилликка эришиб, миллий истиқлолни мустаҳкамлаш дамларини бошидан кечираётган бир даврда озод давлатимиз келажagini белгиловчи ёш авлод тарбияси олдида турган фазифалардан бири ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш ишини тубдан яхшилашдир. Бу шарафли ва маъсулиятли ишда таълим тарбия тизиминини бошланғич босқичи бўлмиш болалар мактабгача таълим муассасалари муҳим ўрин тутди. Уларнинг олдида бўлажак фуқаро шахсини мақсадга мувофиқ мактабга тайёрлаш муаммоси туради.

Ризоуддин ибн Фазридиннинг "Оила" номли рисоласида "бола тарбияси ёмон ният ва кўполлик билан эмас балки сабр-тоқат, матонат, меҳрибонлик, чидамлилик, шафқату сезгирлик билан бўлиши керак" деган фикрлар берилган.

Абу Али ибн Сино ўзининг илмий-педагогик қарашларида оилавий тарбия масаласига алоҳида эътибор беради. Бу тасодифий ҳам эмас, албатта. Чунки оила билан жамият бир-биридан ажралмасдир.

Болаларни мактабгача тарбия муассасаларида ва оилада тарбиялашнинг бутун тизими болаларни ҳар хил ҳаётий ҳодисалардан ажратган ҳолда уларда яхши ва ёмонни фарқ қилишни, ёмонга қарши тура олиш қобилиятини тарбиялашга йўналтирилган бўлиши керак.

Мактабгача тарбия муассасаларининг оила билан ишлаш тизимида аниқ мақсад, мазмун бўлиши керак. Ота-оналар, маҳалла билан ишлашнинг энг самарали шакллари бири очиқ эшиклар кунидир. МТМ ишининг бутун мураккаблиги, кўп қирралилигини ва унинг болалар тарбиясидаги ахамиятини тушуниш учун ҳамма ота-оналар болалар боғчасига бориб туришлари керак.

Очиқ эшиклар кунини ўтказиш мўлжалланганда аввал тайёргарлик ишини ўтказиш зарур, яъни ота-оналарга болаларни жисмоний чиниқтириш, овқатлантириш, машғулотларнинг бориши, сайр қисми ва бошқа кўпгина нарсаларни кўриш имкониятига эга бўлишлар ҳақида маълум қилинади.

МТМ нинг мактаб билан ҳамкорлиги ҳам болаларни мактаб таълимига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тайёрлов гуруҳи болалари билан тез-тез мактабга экскурсияга бориб туриш. Мактаб бошлангич синф ўқувчиларини ота-оналар мажлисига таклиф қилиб туриш ҳам яхши самара беради

Ҳозир мактабгача тарбия ёшдаги болаларни оилада ҳар томонлама миллий руҳимизда тарбиялашнинг мазмуни ва усулларини такомиллаштириш, болалар тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигининг мазмуни ва усулларини такомиллаштириш бўйича ишларни янада жонлантириш ҳозирги замон талабларидан биридир.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги

*292- МТМ
мудираси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов «Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлган оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим» -деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Ўзбек оиласи тарихи узоқ-узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто «Авесто»да ҳам бола тарбиясида оиланинг роли, тутган ўрни, улуғвор вазифалари ҳақида сабоқ берилади. Шунингдек, муқаддас китоблару фозилу фузалоларимиз, донишмандларимиз ўғитларида оила жипслиги софлиги, унинг жамиятдаги мавқеи равшан кўрсатилган.

Бугунги кунда ҳар бир оиланинг жамиятда тутган ўрни, ҳаёт мазмуни, миллий қадриятларни ўрганиши инсон маънавиятига хизмат қилади. Бунга эришиш учун авваламбор, оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чуқур билим ва юксак масъулият талаб этади. Маълумки, инсоний муносабатлар оиладан, оила муҳитидан бошланади. Ҳар бир бола оиладаги муносабатларни, вазиятларни ота-она, оиладаги оила аъзоларига тақлид қилиш орқали фикрлайди, хулоса чиқаради. Бундан шу нарса маълум бўладики, оила ўзига –ўзи тарбиячилик вазифасини бажаради.

Шундай экан, ушбу омил миллий қадрият сифатида аجدодларимиздан қолган ҳиссий тажриба сифатида ҳаётий тажрибаларнинг ижобий кўриниши бўлиб, миллий менталитетимизнинг ўзига хос бир кўриниши эканлигини

унутмаслигимиз зарур. Инсон ҳаёти, жумладан ўсиб улғайиб келаётган навқирон авлод ҳаёти ва фаолиятининг асосий даври оилада ўтади

Демак, оила жамиятнинг дастлабки бўғини экан, болалар аввало тарбия сабоғини уйда, бобо – буви ва ота – онасидан олади. Шунга кўра ақлий, жисмонан ва маънавий жиҳатдан камол топади, дунёқараш шаклланади. Ватанга, эл-юртга ҳурмат каби одабийлик белгилари дастлаб оилада юзага келади. Баркамол авлод, янги давр кишисини тарбиялаб етиштиришда оиланинг аҳамияти бекиёсдир. Оилада болалиқдан бошлаб шахс шакллана боради.

Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила-мактаб тарбиясидан келиб чиқади. Муайян фазилятларнинг изчил, турли вазиятларда, турли воситалар ёрдамида сингдириб, такомиллаштирилиб борилиши пировард натижада давлат ва жамият, оила, маҳалла, мактаб учун намунавий ўқувчи, ўғил-қиз ахлоқини хосил қилиш мумкин.

Оиладаги тўғри тарбия дастлаб ота-онанинг намунаси, уларнинг ўзаро илиқ ва самимий муносабатлари орқали амалга оширилади. Оиладаги ота-она ва бошқа оила аъзоларининг газета ва журналлар, бадиий асарларни ўқиши, маънавий-маърифий кўрсатувларни кўриши ҳамда уларга оилавий муносабатларини билдириши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Маълумки, инсоний муносабатларни болалар дастлаб оилада, кейинчалик маҳаллада ва сўнгра мактабда ўрганади. Оила, маҳалла ва мактаб-болалар тарбиясининг муҳим ўчоқлари саналади. Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила – мактаб тарбиясидан келиб чиқади.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги.

*М.Р. Шамсутиллаева
463-МТМ услубчиси*

Бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устивор йуналишларидан бири булган баркамол авлод тарбиясига қайғуриш, уларнинг ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш, жамият учун билимли салоҳиятли шахс этиб етиштириб чиқариш ҳар бир жамият аъзоси, оила, қолаверса ҳар бир фуқаронинг мақаддас бурчи, инсонийлик маъсулиятидир. Бу сиз келажак ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай давлат, халқ, мамлакат ўз келажagini болалар вояга етмаган ёшлар тимсолида кўриши табиий. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда азалдан болаларнинг ёшлигидан рухий ақлий ва жисмоний тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинган.

Мустақил Ўзбекистонда вояга етмаган ёшлар муаммосига у ёки бу даражада алоқадор бўлган ҳар бир ташкилот ёки шахснинг вояга етмаганларни баркамол этиб тарбиялашда ўз ўрни , ахамияти ва ўзига ҳос таъсири бор.

Жумладан , миллий қадриятларни асраш, миллат шаъни ғурури учун жон куйдириш туйғусини ёшлар шуурига сингдиришда оила- мактаб- маҳалла ҳамкорлигида тарғибот ишларининг олиб борилиши яхши самаралар беради. Болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари . ахлоқ одобига жавобгарликнинг барча маъсулиятини нафақат ота-она ва мактаб жамоасига, балки давлат ва нодавлат , жамоат ташкилотлари эвазига тушади.

Маҳаллаларда “ Оила-маҳалла- мактаб” концепцияси бўйича оилалар, боғча ва мактаблар билан ҳамкор ҳолда ахборот алмашинуви йўлга қўйилган.

Маҳалланинг негизини шубҳасиз оилалар ташкил этади. Оила инсон табиати, феъл атвори, дунёқарашини гўдаклигидан шакллантирадиган биринчи “жамият ” ҳисобланади, шарқда эса қадимдан оила муқаддас “Ватан” саналган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64 – моддасида шундай дейилган:“Ота-она ўз фарзандларини балоғатга етгунларича қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”.

Нотинчлик ва зиддиятларни бошидан кечирган оилаларнинг вакиллари фарзандларига тўлақонли таълим ва яхши тарбия беришлари учун ўзлари саводли ва муайян касб хунарнинг эгаси бўлишлари шарт. Нотинч оила сохибларининг малакасини ва билим даражаси юқори эмаслиги, бу эса оилада соғлом мухитни ташкил этиш, фарзандларни тўғри тарбиялашда уларни тўлиқ билим олишларида ота ёки онанинг ўзлари етарлича хабардор эмасликларидан дарак беради. Бу эса мактабгача тарбия ёшидаги болаларни энг аввало саводини чиқариш, уни мактабга тайёрлашдек буюк мақсадимизга путур етказди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни боғчага қатнаётган қатлами тарбиячиларнинг ёрдамида, боғчага қамраб олинмаган болалар эса “ маҳалла мактаб боғча” концеп--циясига мос равишда тузилган алохида режа асосида мактабнинг “Биринчи кўнғироқ” байрамига болаларни қатнашишларини албатта уюштиришлари шарт. Бу байрамга шу болаларниота- оналарини ҳам таклиф этиш о та- оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги маъсулиятини кучайтиради. Мактаб муҳити , байрам муҳити мактабгача тарбия ёшидаги болаларда мактабда ўқишга бўлган иштиёқни оширади. Шу тadbирда қатнашган тайёрлов гуруҳ болалари билан тарбиячи ва ота- она МТМ услубчисининг “мактаб билан ҳамкорлик” режаси асосида иш олиб бориши лозим. Бу режада маҳалланинг асоси МФЕ биносидан бошлаб танишишлари “Маҳалла” бу “Ватан” ичра “Ватан” эканлигини маҳалла фаоллари билан учрашув давра суҳбатларида тушинтиришимиз лозим.

Қуйидаги тadbирлар билан параллел равишда тайёрлов гуруҳ болаларини саводга ўргатиш машғулотларини ўз вақтида ота- оналар ва бошланғич

синф ўқитувчилари иштироки системали равишда ўтказиб боришлозим. Маҳалла фаоллари ўқитувчи ва тарбиячиларнинг фаол иштирокида болаларни Тошкент шахрининг энг қадимги ва зиёратгоҳ жойларига, музейларга экскурсиялар уюштиришлари лозим. Бу экскурсиялар натижасида болалар қандай қадимий шаҳарда қандай мўътабар инсонлар яшаб ўтган юртда яшаётганликларини хис қиладилар. Болаларда шу аждодларга мос авлодлар бўлишга уларнинг ишларини давом эттиришга, билим олишга, машғулот вақтида тарбиячининг барча фикрини уқиб олишга иштиёқ уйғотади. Бундан ташқари тарбиячилар ёрдамида ота- оналар билан биргаликда мактабдаги 1-синфнинг барча фанлари бўйичадарс давомида болаларнинг иштирокини амалга ошириш жуда катта натижалар беради. Маҳаллаларда охириги вақтда жуда кўп тадбирлар уюштирилмоқда. Мана шу тадбирларда масалан “Хотира ва кадрлаш куни”, маҳалла фаоллари кек-саларни зиёрат қилиб совға саломлар тарқатадилар. Шундай тадбирларда ҳам тайёрлов гуруҳ болаларини ўз ота- оналари билан иштирокини уюштириш болаларда инсонпарварлик, кишиларнинг меҳнатини натижаси- қариганда роҳат қилиб ўтирган кексаларга нисбатан эҳтиром хиссини уйғотади. Бундан ташқари маҳалла фаоллари томонидан ташкил этилган “Мохир қўллар “тўғарагининг фаол ишчилари фаолиятини кузатишга болалар ўз ота- онаси ёки тарбиячиси билан катнашиши ҳар бир нарсани авайлаб асрашга арзимаган ташландиқ нарсалардан (мато) ва табиат маҳсулотларидан мўжизавий буюмлар яратилганлигини тушуниб олишларига имкон беради. Шу тушунчалари асосида ўзларининг расм, аппликация ва лой иши машғулотларини ўз хаёлларидаги буюмларни яратишлари учун замин бўладиган билим ва малака кўникмалари юзага келади. Болаларнинг кундалик ҳаётларидаги мактаб дарсларида катнашишлари уларни билим ва тушунча кўникмаларини шаклланишига ёрдам берса, болаларнинг мактабда бошланғич синф ўқувчилари иштирокида тадбирлар яъни “Алифбе байрами”, “Арча байрами”, “Охириги кўнғироқ” каби тадбирларда катнашишлари болалар активлигини оширишда уларни мактабда ўқишга у ердаги тадбирларда катнашиш иштиёқини оширади. Хуллас маҳалла мактаб- боғча ходимлари ва ота- оналар иштирокида уюштирилган сифатли тадбир ва дарс жараёнлари тайёрлов гуруҳ болаларида олам- олам хаяжон, қизиқиш, қувонч тақлид қилиш хисларини тарбиялайди. Бу хисларни тўғри шакллантириш эса ўқитувчи, ота- она, маҳалла фаолларидан тинмай изланиш ва жонкуярликни талаб қиладди. Шундан президенти миз айтганидек- “Биздан кўра ақли, доно ва албатта бахтли болалар бўлиб етишишларига эришамиз. Бу болалар эса эрта миз эгалари эканлигини, эртанги келажак шу болалар қўлида эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз ва шу мақсад йўлида барча- барчамиз тинмай жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишимиз, ўз хиссамизни кўшишимиз шарт”.

Ўз касбий маҳоратларимизни ишга солган ҳолда турли интерфаол усуллардан фойдаланиб келажак авлодни юксак маънавиятли теран фикрли, ақлий салоҳияти буюк қилиб тарбиялашимиз лозим.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги

М.И.Хамидова
Сергели ТХТМФМТТЭБ
589-МТМ

589-МТМ психологи: Болаларни тарбиялаш- давлат аҳамиятидаги вазифадир. Унинг туғри хал қилиниши тарбия ишининг кўйилишига комплекс ёндиришга, тарбиявий муассасаларнинг оила ва маҳалланинг тўлиқ ўзаро ҳамкорлиги ва ҳаракатининг бирлигига боғлиқ. Мактабгача таълим муассасаси билан оиланинг ўзаро алоқаси бола тарбияси масаласида тажриба алмашилиб туриш имкониятини яратади.

Фарзандимиз мактабга бориш арафасида турибди. У энди бўлғуси-ўқувчи. Боланинг қандай тушунча, билим, куникмалари, қолаверса шахсидаги қайси жиҳатларга кўра биз уни тўлақонли равишда мактабда таълим олишга тайёр дея оламиз? Бу савол нафақат ота-оналарни балки педагог ва психологларни атрофлича фикрлашга мажбур қилади. Мактабгача ёшдаги бола мактаб таълимига тайёр бўлиши учун ундан жисмонан соғломлик, нутқ ва тафаккурнинг маълум доирада ривожланганлиги, шахсида маънавий ва ахлоқий хусусиятларнинг етарли шакланганлиги, мактаб ҳаёти ҳақида тегишли тасаввурларга эга бўлиши талаб этилади.

Мактаб, ота-оналар билан мактабгача таълим муассасаси ходимларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш биргаликда йиллик режа тузишдан бошланади. Бу режа синчиклаб ўйлаб тузилиши керак. Биргаликдаги фаолият керакли даражада амалга ошириладиган жойда ўзаро ёрдам, бир - бирини тушуниш, топширилган ишга жавобгарлик ҳолати вужутга келади.

Болаларни мактабга тайёрлашда зарур бўлган амалий кўникмаларни ўзлаштиришда ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида улар учун қисқа муддатли тўғараклар ташкил этиш, маслаҳатлар ташкил этиш лозим. Ота-оналар билан ишлашнинг энг самарали шаклларида бири “очиқ эшиклар куни”ни ташкил этиш. Болаларнинг мактаб таълимига сифатли тайёрлаш ишининг бутун мураккаблиги, кўп қирралилигини англаш учун ота-оналар мактабгача таълим муассасасида бўлиб туришлари керак.

Ота-оналарнинг, тажрибали педагогларнинг бола тарбияси соҳасидаги илғор тажрибаларини алмашилишга бағишланган кечаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги

Н. К.Каримова
562-МТМ
Д.М. Мусаева
564- МТМ

Республикамиз мустақилликка эришиб, миллий истиқлолни мустақкамлаш дамларини бошидан кечираётган бир даврда озод давлатимиз келажагини белгиловчи ёш авлод тарбияси олдида турган вазифалардан бири хар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш ишини тубдан яхшилашдир. Бу шарафли масъулятли ишда педагоглар олдида бшлажак фуқаро шахсини мактабга мувофиқ равишда мактабга тайёрлаш муаммоси туради.

Бу борада республикамиз аҳолисининг педагогик маъданиятига этиборни янада кучайтириш, ота- онларни ялпи педагогик ўқитиш тизимини амалга ошириш, “ Ҳар бир оилага – педагогик билимлар, педагогик маъданият” шиорини сингдириш, аҳоли ўртасида педагогик билимлар тарғиботини ташкил қилиш каби вазифалар турибди.

Бундай тарбия тизимни яратиш ёлғиз бир олим педагог ота-она яки мактабгача таълим муассасасининг фикри ёки иши билан бўлиши мумкин эмас.

Мактабгача тарбия муассасаси ота-оналар, жамоатчиликнинг ҳамкорликда олиб бориши керак бўлган ўзимизнинг миллий тарбия тизимимизни яратишни республикамиз институтларида ишлаб турувчи юзлаб этук педагог, психолог олимлар, илғор тарбиячилар, ота-оналар фикрларини ўрганган ҳолдагина амалга ошириш мумкин.

Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила-мактаб тарбиясидан келиб чиқади. Муайян фазилатларнинг изчил, турли вазиятларда, турли воситалар ёрдамида сингдириб, такомиллаштирилиб борилиши пировард натижада давлат ва жамият, оила, маҳалла, мактаб учун намунавий ўқувчи, ўғил-қиз ахлоқини хосил қилиш мумкин.

Оиладаги тўғри тарбия дастлаб ота-онанинг намунали, уларнинг ўзаро илиқ ва самимий муносабатлари орқали амалга оширилади. Оиладаги ота-она ва бошқа оила аъзоларининг газета ва журналлар, бадий асарларни ўқиши, маънавий-маърифий кўрсатувларни кўриши ҳамда уларга оилавий муносабатларини билдириши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Маълумки, инсоний муносабатларни болалар дастлаб оилада, кейинчалик маҳаллада ва сўнгра мактабда ўрганади. Оила, маҳалла ва мактаб-болалар тарбиясининг муҳим ўчоқлари саналади. Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила – мактаб тарбиясидан келиб чиқади.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги

Оила хамкорлигига асосланган амалиётда шакл ва жараёнлар юқори турмайди, балки оилага нисбатан хурматли муносабатдаги кадриятлар, ота-оналар фикрига қулоқ солиш, улардан бола билан мулоқат қилиш кўникмаларини ўрганиш, улар билан хамкорлик қилиш истаги бўлади.

Оила ва мактабгача таълим муассаса хамкорлигининг 3та асосий мезони мавжуд;

- 1. Оилани асосий хизматларини олувчи деб ҳисоблаш.** Боланинг ҳаётида оила энг юқори ўринда туришини, бола ривожланишида муҳим вазифани бажаришини ҳисобга олган ҳолда, оилага боланинг таълим – тарбиясида муҳим элемент сифатида етарли даражада эътибор қаратиш.
- 2. Оила томонидан қабул қилинган қарорларни хурматлаш ва қўллаб-қувватлаш.** Ушбу мезон мутахассисларга оила аъзоларини таълимий жамоанинг муҳим иштирокчилари ва бола таълимининг стратегиясида қарор қабул қилинишида асосий инсон сифатида қабул қилишни тавсия этади. Агар ота-оналарга боланинг биринчи олти ёши мобайнида унинг таълими ва ривожланишига алоқадор қарорларни қабул қилиш, шунингдек, бола қизиқишларини келажакда қўллаб-қувватловчи малакаларни ўрганиш имконияти берилса, боланинг кейинги ҳаёти давомида унинг таълим-тарбиясида иштирок этиш имконияти ота-оналарда кўпроқ бўлади.
- 3. Эгилувчанлик ва сезгирликни намоён этиш, бола ва оиланинг ҳаётларини яхшилашга қаратилган хизматлар кўрсатиш.** Ушбу мезон оиланинг маданий кадриятларига хурмат ила муносабатда бўлиш, боланинг ўзгараётган эҳтиёжларини қондириш масалаларига ота-оналарнинг билвосита захираларини йўналтириш, бола расмий жамоат хизматларини вақтида олишига ёрдам кўрсатишларини назарда тутати. Жамоат захиралари ҳақида маълумот бутун оила учун фойдали бўлиши мумкин, айниқса бу маълумот оилада алоҳида эътибор талаб қилувчи фарзандлар бўлса жуда муҳимдир.

Мактабгача таълим муассасаларида оилага йўналтирилган хамкорликнинг амалий кўрсаткичлари:

- Ижобий мулоқот малакаларини қўллаш;
- Оила аъзоларига танлаш ва қарор қабул қилиш имкониятини бериш;
- Оила ва боланинг кучли, ижобий томонларини аниқлаш ва қўллаш;
- Оилаларнинг ранг-баранглиги ва ўзига хослигини хурмат қилиш;
- Муассаса ва оила ўртасида дўстона хамкорликни яратиш.

Ушбу кўрсаткичлар йўналтирувчидир, чунки хар бир муассаса оилага йўналтирилган хамкорликни ўзининг шароитига ва ўз муассасасига мослаштириш лозим.

Демак, хамкорликни йўлга қўйиш учун авваламбор муассаса ўзининг позициясини кўриб чиқиши лозим ва ота-оналар билан иш олиб боришда малакавий мажбуриятлардан бола иқболи ва истиқболи йўлида хамкорлик истагига ўтиши лозим. Шундан келиб чиқадики, анъанавий педагог ролидан воз кечиб, хамкорликдаги педагог ролига кириш фойдалидир.

Оилаларни ўрганиш.

Болани ривожлантириш халқаро дастури, бутун дунё соқликни сақлаш ташкилоти билан биргаликда Болаларда яхшироқ психи-ижтимоий ривожланишни илгари суриш учун она ва бола муомаласини ривожлантирувчи бир қатор қўлланмалар ишлаб чиқди. Дастурни мақзи қуйидаги “Яхши муносабат учун саккизта тамойил”да ўз ифодасини топган. Бу йил – йўриқлар айна пайтда дунёда кенг тарқалган ва махаллий анъаналарга зид келмайди, уч ёшгача бўлган боланинг оптимал ривожланишини қўллаб – қувватлайди.

Яхши муносабат учун саккизта тамойил:

1. Фарзандларингизга уни севишингизни кўрсатинг.

Ижобий хислатларни намоён этинг. Бола энага айтаётган гапларни тушунмаса хам, севги, инкор ва қайғу каби хиссиётларни тушунади. Энага болани ёқтиришини билдириши, мухаббат ва қувонч билан қўлда тутиши жуда мухим хисобланади. Бола хам ўз навбатида бунга муносиб жавоб қайтаради.

2. Бола билан гаплашинг. Турли овозлар, хиссий билдирмалар ва имо-ишора орқали мулоқот қилса бўлади. Бола қилаётган харакатларга тарбиячи ижобий изох берса, бола хурсанд бўлиб, шовқинлар билан “жавоб” беради. Кейин тарбиячи боланинг бу шовқинларини ўрганиб олиб, имитация қилса, бола жавоб қайтаради. Бу каби хиссий мулоқот боланинг кейинчалик тарбиячи билан бўладиган муносабатига ва нутқининг ривожланишига таъсир қилади.

3. Болага эргашинг.

Бола билан мулоқатга киришаётганда, тарбиячи боланинг истаги ва имо-ишораларига эътибор бериб, унга эргашишга харакат қилиши керак. Агар бола бирор ўйинчоқ ёки бирор жисми ўйнамоқчи бўлса, уни яхшилаб текшириб кўришига имкон беринг ёки ухлайдиган пайти бўлиб қолган бўлса-ю, лекин ўйнагиси келаётган бўлса, бироз қўйиб беринг. Шунда бола тарбиячи уни хурмат қилаётганини сезади ва унинг ташаббуси инобатга олинаётганини хам хис қилади. Албатта, бу боланинг ахлоқига оид тартиблар билан меъёрда бўлиши керак. Боланинг ривожланишида яна бир мухим нарса бор, яъни болага чегаралашлардан ташқари, маълум бир меъёрда ўзи хохлаган нарсаларни қилишга эркинлик хамда имкон берилиши керак, ўшанда фақат бошқалар томонидан айтиладиган нарсаларни эмас, ўзи

хохлаган нарсаларни қилади. Шунинг учун болага қулоқ солиб, унга ҳам эргашиш керак.

4. Бола бирор нарсани яхши қилишни уддаласа, уни мақтаб тасдиқланг.

Бола бирор нарсани ишончи ва ғайратини ривожлантириши учун, тарбиячи унинг ҳаракатларини қадрлаши ва инобатга олганини билдириши керак. Яхши қилинган ишларни мақташ, бошқа ишларни нотўғри қилишнинг олдини олади. Шу йўсинда тарбиячи ёки ота-она боланинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

5. Диққатни жамлаш: болага диққатини жамлашга ва тажрибаси билан ўртоқлашишга ёрдам беринг.

Гўдак ва ёш болалар атрофидаги нарсаларга нисбатан диққатларини тортишда ёрдамга эҳтиёж сезадилар. Тарбиячи ёки ота-она болага қизиққан нарсаларини кўрсатиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши мумкин. Масалан, бирор нарсани кўрсатиб, у хақида гапириб бериши мумкин.

Қуйидагича вазият билан мулоқот бошласа бўлади:

“мана бунга қара”

“Бу _____”

6. Болага ўз дунёсини хис қилишда, тасвирлаш орқали ёрдам беринг.

Нарсаларни номлаш ва тасвирлаш орқали ҳамда бола ўзи тажриба қилиши орқали нарсаларнинг маъносини англай бошлайди. Бола атрофидаги дунёсини кашф қилиши учун, йўл йўриққа мухтож бўлади. Тарбиячи ёки ота-она воқал ва хиссий ифодалар билан маъноларни топишга ёрдам бериши мумкин.

7. Болага ўз тажрибасини кенгайтиришга ва бойитишга ёрдам беринг.

Бола улғайиши билан унинг атрофи ҳам кенгайиб кетаётганини хис қилади. Энди танлов кўпроқ бўлади. Бу жуда ҳам муҳим жараён ҳисобланади, айти шу даврда тарбиячи боланинг атрофидаги кўплаб маълумотни унинг олдинги тажрибаси билан боғлашга ёрдам бериши мумкин.

8. Ахлоқини тўғрилаб туриш: болага қоидалар, чегаралар ва қадриятларни ўрганишида ёрдам беринг.

Бола ўзини ўзи бошқаришида, танлов қилишида ва режалаштиришида йўл йўриқларга эҳтиёж сезади. Бу ҳолат албатта тарбиячи ёки ота-онанинг мулоқатга киришиши билан юзага келади. Тарбиячи ёки ота-она босқичма-босқич режалаштиришни ва нима учун баъзи нарсаларни қилишга рухсат этиладию баъзиларини қилишга рухсат этилмаслигини тушунтиради. Доимо тўсиқ бўлувчи “йўқ” дейишни ўрнига, ижобий шаклдаги вариантларни ишлатиш яхшироқдир.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги

Фарзандни дунёга келтириш билан бир қаторда унинг тўғри тарбияси, иймон-эътиқодли бўлиб тарбияланиши ота-онанинг юксак масъулиятни ҳис қилишига бевосита боғлиқ.

“Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила-мактаб тарбиясидан келиб чиқади. Муайян фазилятларнинг изчил, турли вазиятларда, турли воситалар ёрдамида сингдириб, такомиллаштирилиб борилиши пировард натижада давлат ва жамият, оила, маҳалла, мактаб учун намунавий ўқувчи, ўғил-қиз ахлоқини ҳосил қилиш мумкин”. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқ керак. Ҳамма нарса ўз номи билан аталиши, ҳамма нарса ўз ўрнига эга бўлиши керак. Бу борада қадимги Хитой илоҳиётчиси, мутафаккири Конфуций “Ота-оталигича, фарзанд-фарзандлигича, дурадгор-дурадгорчилигича бўлиши лозим,”- деганда мутлақо ҳақ эди.

Инсонни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш башариятнинг азалий орзуси бўлиб келган.

Миллий тарбия тизимида оила маънавияти, ундаги ота-онанинг ўрнига аждодларимиз алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада Амир Темур ўзига хос алоҳида мислсиз ўрин эгаллайди. Амир Темур ҳукмронлик йилларида Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланди. Соҳибқирон одоб-ахлоқ, имон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида юксакликка эришган сиймолардан ҳисобланади. Бунинг исботи Амир Темур яратган одоб-ахлоққа оид дастурлари, ўғитлари, панд-насихатлари, ҳамда, соҳибқирон ҳақидаги ёзилган тарихий манбаларни, асарларни ўқиб чиқиш етарли. Жаҳонга машҳур “Темур тузуклари” асарида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий тажрибалари, қимматбаҳо насихатлари, фикрларининг аниқ, теранлиги, таъсирчанлиги яққол кўзга ташланади ва инсонни ҳушёрликка чақиради.

Болалик қисқа муддатда кечса-да, унинг таассуротлари, ёди умрбод эса қолади. Инсоннинг келажак тақдирига, ҳаёт йўлига кўп ҳолларда болалагидаёқ тамал тоши қўйилиши ҳеч кимга сир эмас. Шунга кўра умримизнинг илк даврини ўзига хос дунё дейиш мумкин.

Президентимиз И.Каримовнинг бўлажак авлод тарбиясига қўяётган талаблари хусусида тўхталаб ўтиш жоиздир, жумладан, «Бизга битирувчилар эмас, балки мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак» деган таъкид талқинига назар ташлаймиз. Бу жумла замирида нима ётади? «Билимли» билан «тарбия кўрган» орасида қандай фарқ бор? Халқимизнинг «Фарзандингни ё мактабга бер, ё маданиятлилар даврасида тут» мазмунидаги таъбирлари замирида нима ётади? «Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё момот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг буюк сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарб бўлган

бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».

Мактабгача ёшдаги бола шахсини шакллантиришда болани МТМга жалб этишда оила билан ҳамкорликда ишлашнинг узлуксиз tizими

*Г.А.Маликова
Сергели ТХТМФМТТЭБ
463-сонли МТМ*

Ҳар қандай соғлом болалар каби имконияти чекланган болалар ҳам таълим олишни, тарбияланиб шаклланишни хоҳлайди. Бундан ташқари аксарият имконияти чекланган болаларнинг яқинлари ҳам ўз фарзандларининг ўзгаларга тобе бўлиб яшамасликлари учун керакли бўлган барча эътиборни таъминлашга ҳаракат қиладилар. Таълим билан қамраб олинган имконияти чекланган болаларнинг муассасага мослашуви ҳамда йўналишлар бўйича талаб этилувчи билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши учун махсус коррекцион-педагогик ёндашувлар талаб этлади. Ушбу коррекцион ёндашувлар нечоғлик хусусий бўлмасин ва қанчалик вақт ҳамда маъсулият талаб этмасин, оилалар улардан хабардор бўлиши муҳимдир. Чунки муассасада ўзлаштирилган барча маълумотлар табиий вазиятларда, яқинларининг кўмаги билан мустаҳкамланиши бола учун қулай ва осондек туюлади. Болалар яқин кишиларининг (ота-онаси, устозлари, тарбиячиларининг) муносабатларини яхши билса, бу унга жараёнда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир ўтказишга очик ва мойил бўлади.

Тарбиячи-дўст, мураббий, йўл бошловчи бўлгандагина болалар ўзларининг ички оламларини очиб кўрсатадилар.

Махсус таълим муассасалари мақсад ва вазифалари таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлигига таянади. “Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмас”-деган шарқона ҳақиқатнинг ҳаётийлиги ва долзарблигини инобатга олинса, таълим жараёнида ўқитиш ўз вазифасини бажараётган пайтда тарбия ҳам ўз вазифасини амалга оширади. Ҳар иккала жараён кутилган натижага муайян усул ва воситаларнинг методик жиҳатдан тўғри ва ўринли қўлланилиши ҳамда оилалар билан узвий ҳамкорликда эришади. Шу боис амалиётчилар томонидан жараёнда самара берадиган усуллардан фойдаланилиши таълимнинг сифатини белгиловчи мезонлардан ҳисобланади. Махсус таълим тизимида қўлланиладиган хусусий усуллар педагогикада илмий асосланган ва амалиётда ўз самарасини берган ва бераётган умумий ўргатиш ва тарбиялаш усуллари билан мустаҳкам боғлиқдир.

Имконияти чекланган болалар учун махсус ташкил этилувчи мактабгача ва мактаб таълими тизимида ҳам соғлом болалар учун мўлжалланган муассасалардаги каби болаларга билим бериш(таълим)ни кўзда тутувчи усулларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Ўргатишнинг оғзаки усуллари.
2. Ўргатишнинг кўргазмали усуллари.
3. Ўргатишнинг амалий усули .

Болаларни мактабга тайёрлашда ҳар бир усулнинг ўз ўрни ва таъсири ҳамда дидактик имкониятлари мавжуддир. Айниқса болаларни мактабга тайёрлашда болалар учун қизиқарли эртақ, хикоя ва бошқа оғзаки усул таркибига кирувчи иш турлари ва воситаларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Чунки бу ёшда болалар ҳали ўқиш ва ёзишни билмаганликлари учун кўпроқ маълумотлар оғзаки тарзда етказилади. Бироқ оғзаки айтилаётган мазмуннинг кўргазмали тарзда намоёиш этилиши болалар томонидан материални самарали ўзлаштирилишига эришиш имкониятини беради. Ўргатиш жараёнида кўргазмали усулдан фойдаланишнинг муҳимлиги боланинг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга болани ундаш, мантиқий ва назарий маълумотларни ўзлаштиришга ҳамда назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади. Болалар томонидан ўзлаштирилаётган материалнинг маъулм қисми ролли ўйинлар, мос ҳаракатлар билан паралел бажартирилса, янада натаижавийликка эришиш учун шароит яратилади.

Айтиб ўтилган усулларнинг табиий вазиятларда аралаш қўллашни оилаларга ҳам ўргатиш муҳимдир. Бунинг учун оилалар машғулотларда иштирок этиши лозим. Тарбиячи билан ҳамкорликда оилада шуғулланиш учун дидактик воситаларни танлашни билиш ҳам оилалар учун муҳимдир. Ўргатиш усуллари билан бир қаторда тарбия усуллари ҳам қўлланилади. Тарбия деганда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш мақсадида

боланинг онги, ҳис-туйғулари, иродаси хулқ-атвори ва муносабатлари тизимига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак.

Тарбия усуллари таълимда бўлганидек айрим элементларга бўлиниб, улар тарбия йўллари деб аталади. Тарбия усуллари ва йўллари қуйидагилар:

1. Тушунтириш.
2. Намуна қилиш ва бўлиш.
3. Рағбатлантириш.
4. Жазолаш.

Махсус таълим муассасаларида яратилувчи табиий вазиятлар ўқитиш каби тарбия жараёнида ҳам болаларнинг яқка ва жамоа фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади.

Масалан, учрашувлар, мусобақалар, тақдиротлар, кўнгилочар тадбирлар, синф мажлислари, мақсадли ташрифлар, эрталиклар, суҳбатлар, турар жойлар, корхоналар, тарихий обидалар ҳамда ташкилотларда олиб бориладиган ишлар ва бошқаларни тарбиянинг ташкилий шакллари дейиш мумкин. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишда қўлланиладиган жихозлар ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилган методик йўллар **тарбия воситалари** деб аталади. Яъни болалар билан тарбиявий машғулотларда фойдаланиладиган нарсалар (кўргазмали қуроллар, китоблар, радио, телевидение) ҳамда болалар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади. Кинофильмлар, санъат асарлари, тарбиячининг жонли сўзи, болаларнинг ўйинлари, жамоатчилик, жисмоний тарбия ва ҳаваскорлик тўғараклари тарбия воситалари вазифасини бажаради. Тарбия натижаси тарбиявий жараёни ташкил этиш усуллари, воситалари ҳамда шаклларидан моҳирона фойдаланишга ва уларни кўшиб олиб боришга боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда имконияти чекланган болаларни мактаб таълимига тайёрлашда қўлланилувчи усул ва воситаларнинг оилада қўлланилиши шу оилада таълимий эътиборнинг мавжудлигидан далолат беради. Таълимий эътибор ҳар жойда, ҳар қачон оилалар ва таълим муассасалари билан узвий тарзда олиб борилса, шунчалик имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий ҳаётга тайёр бўлиши учун шароит яратилади.

Мактабгача ёшдаги қар болаларни таълимга нутқий жиҳатдан тайёрлаш бўйича педагоглар учун методик устахона

*Х.Маликова
А.Авлоний номидаги
ХТХҚТМОМИ
Махсус таълим кафедраси
катта ўқитувчиси*

Ҳозирги кунда имконияти чекланган болаларнинг узлуксиз таълими масаласи долзарб саналмоқда. Имконияти чекланган болаларнинг узлуксиз таълимида сифат ва самарадорликка эришишни таъминловчи омилларни аниқлаш масаласи малака ошириш курслари мазмунида ҳам ўз аксини топган.

Ривожланиши соғлом болаларга нисбатан ўзгача кечадиган болаларнинг мактаб таълимига нутий жихатдан тайёр бўлишида педагогларнинг касбий маҳоратлари, хусусан компитентлилиги муҳим омиллардан саналади. Бу тоифа болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг самарали усул ва воситаларини малака ошириш курслари жараёнида ўзлаштириш имконияти кенг. Чунки педагог малака ошириш курси давомида ўзининг тажрибаларини орттиради, методик муаммоларига керакли жавобларни топади. Замонавий таълим учун зарур бўлган усул ва воситаларни педагог ўзидан ўтказган ҳолда синаб кўриши лозим. Шундагина усул ва воситалар амалиётда самарали қўлланилади. Бундай имкониятни педагог учун турли ўқишлар, метод бирлашма йиғилишлари, “Устоз-шоғирд” ёндашуви ва мустақил мутоалаа кабилар бера олади. Қуйида имконияти чекланган болаларни мактабга нутқий жихатдан тайёрлаш бўйича машғулот ишланмасини келтирамиз. Ушбу машғулот ишланмаси махсус таълим муассасалари метод бирлашма йиғилишлари, малака ошириш курсларида қўллашга мўлжалланган.

1-босқич. Ташкилий қисм. Бунда иштирокчилар машғулотнинг мавзуси билан танишадилар. Сўнгра машғулотдан кутаётган янгиликлари ҳақида ўртоқлашадилар.

2- босқич: Машғулотда иштирокчилар 3 та гуруҳларга ажратилади.

Ҳар бир гуруҳга ишчи матнлар тарқатилади

Биринчи матн қуйидаги ғояга йўналтирилади:

“Болажон” таянч дастури нутқ ўстириш бўйича болаларни она тилига ўргатиш ва уларни атрофдагилар билан алоқа қилиш воситаси сифатида ҳар бир боланинг нутқини ўстириб боришни кўзда тутди. Нутқ ўстириш масаласи болаларнинг фикрини ўстириш, билим доирасини кенгайтириш, атроф ҳаётни билишга интилиш қобилиятларини ўстириш билан боғлиқ. Нутқ ўстириш мазмуни икки хусусиятга эга:

Биринчи хусусият: дастур болаларда оғзаки нутқни ўстиришга асосланган. Дастури мактабгача таълимнинг асосий вазибаларидан бири бўлган болаларни ўз она тилида аниқ ва тўғри гапиришга ўргатиш масаласини ҳал қилишни кўзда тутди, чунки болалар бир-бирлари ва катталар билан ҳар хил фаолиятда (ўқув, ўйин, меҳнат ва маиший) муносабатда бўлганларида, тилдан эркин ва тўғри фойдаланишлари лозим.

Иккинчи хусусият: Мактабгача таълим муассасасида нутқ ўстириш дастури атроф муҳитдаги кишилар, меҳнат ва табиат билан таништириш, нарсаларни билиш имкониятини кенгайтириш дастури билан қўшиб олиб борилади.

Иккинчи ишчи матн мазмуни эса қуйидаги ғояга йўналтирилади: Оғзаки нутқини ўстириш бўйича ўтказиладиган машғулотларда асосан, болаларнинг оғзаки нутқини ўстиришга, нутқни грамматик томондан тўғри

шакллантиришга: нутқнинг морфологик ва синтаксис томонларини шакллантиришни давом эттириш: содда ва қўшма гаплар тузиш, бунда барча сўз туркумларидан фойдаланишга ўргатиш, болаларни гапирганда сонни отга, сифатни отга, сифатни феълга тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш, товуш ва сўзларни тўғри талаффуз этишга, равон гапиришга, мустақил ҳикоя қилишга эътибор берилади. Оғзаки нутқини ўстиришда мустақил ҳикоя қилишга ўргатиш катта ўрин эгаллайди: болаларни ўз ҳаётларида учраган воқеалар, суратларга қараб, тарбиячининг таклиф қилган мазмуни асосида ҳикоялар тўқишга ўргатилади. Тайёрлов гуруҳ болаларининг ҳикоялари мазмунан боғланган, маълум изчилликда грамматик томондан тўғри тузилган бўлиши керак.

Учинчи ишчи матн мазмуни қуйидаги ғояни ўз ичга олади: махсус таълим муассасаларида луғат иши болаларнинг уларга таниш бўлмаган ёки қийин бўлган сўзлар билан фаол луғатларининг планли равишда кенгайтириб, бойитиб боришдан иборатдир. Мактабгача ёшидаги болаларнинг луғат бойликларини кенгайтириш учун уларни атроф муҳит билан таништириш атрофдагиларга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Болаларни атроф муҳит билан таништириш процессида уларнинг луғат бойлиги нарсаларнинг номи, ҳаракати, сифати, рангига оид сифатларнинг номи (катта-кичик, узун-қисқа, оқ-қизил ва бошқалар) билан бойитилади. Тарбиячилар, катта гуруҳда болаларни сифат даражалари билан таништиришлари лозим (баланд — жуда баланд, кичкина — жуда кичкина).

3-босқич: Ҳар бир гуруҳ ўқиб ўрганган маълумотига қўшимчалар қўшган ҳолда тақдимот қиладилар.

4-босқич: Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳ томонидан тақдимот қилинган мазмун асосида 2 тадан савол тузадилар. Ушбу савол соат стрелкаси бўйича кейинги гуруҳга берилади. Саволларга берилган жавоблар асосида матнни тақдимот қилган гуруҳнинг иши баҳоланади.

5-босқич: Гуруҳ иши давом этади. Бунда ҳар бир гуруҳга болаларни мактабга нутқий жиҳатдан тайёрлашда оилаларга қўйилувчи муҳим талабларни ёзиш талаби қўйилади.

6-босқич: Ҳар бир гуруҳ ўз ишини тақдимот қилади. Натижада доскада оилаларнинг зиммасига юклатиладиган вазифалар акс этган ишчи қоғозлар жамламаси ҳосил бўлади.

7-босқич: Иштирокчиларга доскадаги оилаларга қўйилувчи талабларни оилалар онгига сингдириш чораларидан 1 тадан айтиш сўралади. Бунда айтилган фикр такрорламаслиги назорат қилинади.

8-босқич: Машғулот юзасидан умумий хулоса шакллантирилади. Иштирокчиларнинг фаоллиги айтилган ҳолда уларга миннатдорчилик билдирилади.

Юқорида келтирилган машғулот ишланмаси педагогларнинг фаолиятига доир масалаларни шахсан таҳлил қилиш, уларнинг ечимини ҳамкорликда топиш ва албатта келгусида нималарга эътибор бериш кераклигини бевосита англаб этиш имкониятини беради.

Роль семьи, имеющих детей с нарушением слуха, в коррекционном процессе

*З.Мамаражабова
доцент ТПУ имени Низами*

С самого рождения каждый человек для своего нормального развития долгое время нуждается не только в уходе и удовлетворении своих физических потребностей в еде, тепле, безопасности, но и в общении с близкими, любящими его людьми. Через это общение происходит передача ценностей, которые делают нас людьми: способность сопереживать, любить, понимать себя и других людей, контролировать свои агрессивные импульсы и не наносить вреда себе и окружающим, добиваться поставленных целей, уважать свою и чужую жизнь. Эти духовные ценности могут быть восприняты только в совместном переживании событий жизни взрослого и ребенка.⁵

Значение воспитания в развитии ребенка в период раннего детства признается на государственном уровне.

Практический опыт последнего десятилетия показывает, что семья нуждается в помощи государственных учреждений и работающих в них специалистов (Т. И. Оверчук).

Появление новых форм организации коррекционно-педагогического процесса предоставляет широкие возможности внедрения новых педагогических технологий воспитания и обучения детей раннего и дошкольного возраста в семье.

Все эти новые формы направлены на создание единого образовательного пространства, сближение и взаимодействие общего и специального образования, что соответствует мировым тенденциям в воспитании подрастающего поколения.

Основы коррекционного воспитания надо знать и тем людям, с которыми ребенок будет взаимодействовать в интегрированных группах (воспитатели, педагоги массовых учреждений). В целом, чем больше людей будут осведомлены о проблемах, а значит, подготовлены к общению (мнестандартными) детьми, тем будет лучше для всех.

Именно в семье ребенок усваивает те или иные навыки поведения, представления о себе и других, о мире в целом. Поэтому правильное адекватное отношение семьи к болезням ребенка, к его проблеме и трудностям – это важные факторы реабилитации растущей личности.⁶ Для

⁵«Семья в психологической консультации»: Опыт и проблемы психологического консультирования/ Под ред. А. А. Бодалева, В. В. Столина; Науч.-исслед.— М.: Педагогика, 1989. — 208 с.

⁶Левченко И. Ю., В. В. Ткачева «Психологическая помощь семье, воспитывающей ребенка с отклонениями в развитии» Методическое пособие

семьи, воспитывающей ребенка с нарушением слуха, важным являются и такие функции, как коррекционно-развивающая, компенсирующая и реабилитационная, целью которой является восстановление психофизического и социального статуса ребенка, достижение им материальной независимости и социальной адаптации. В процессе проведения коррекционной работы необходимо *соблюдать права ребенка*, закрепленные в Конвенции о правах ребенка: право на образование, направленное прежде всего на развитие личности, умственных и физических способностей человека, воспитание уважения к правам человека в свободном обществе, в частности, к праву ребенка на сохранение своей индивидуальности. "Успех в воспитании коррекции и обучении детей с нарушениями слуха в дошкольном учреждении в значительной мере зависит от объединения усилий педагогов и родителей, от того, как родители понимают задачи работы с ребёнком и могут участвовать в их решении. Работа с родителями – важная сторона деятельности администрации и педагогов дошкольного учреждения. В проведении такой работы необходимо проявить не только профессиональную грамотность, но и деликатность, такт и сочувствие, а также последовательность и настойчивость. Безусловно, работа с родителями варьируется в зависимости от типа дошкольного учреждения, в котором находится ребёнок, и возможностей общения с ними. Работа с родителями в условиях ежедневного посещения детского сада будет несколько отличаться от условий пятидневного пребывания детей, тем более от условий работы с родителями в интернатных учреждениях, где родители берут ребёнка домой только в праздничные дни, на время летних каникул. Желание родителей систематически заниматься воспитанием ребёнка, участвовать в его обучении зависит в значительной мере от того, насколько педагоги смогут установить с родителями контакты личного и делового порядка, увлечь своим примером работы с детьми, в доступной форме объяснить и продемонстрировать методы и приёмы работы по различным направлениям. Основная работа по обучению и воспитанию ребенка с нарушением слуха ложится на близких. Невозможно помочь такому ребенку, если позиция его близких лишь пассивно-страдательна. Помощь такому ребенку – это организация всей его жизни с продумыванием каждой мелочи. Специалист может помочь, научить, поддержать, но путь освоения мира может пройти только вместе с близкими. Родителям следует научиться не сравнивать своего малыша с другими детьми. Надо адекватно оценивать реальный уровень его развития, его особенности и ориентироваться на динамику достижений самого ребенка, а не на возрастные нормы. Не стоит стремиться сделать его более "удобным" и внешне адекватным. Если родители хотят достичь именно этого, значит они заботятся только о своем собственном спокойствии, а проблемы ребенка при этом усугубляются, не проявляясь внешне, загоняются глубоко внутрь. Близким ребенка придется во многом перестроить в его интересах свою повседневную жизнь. Одному из близких придется посвящать ребенку большую часть дневного времени,

взаимодействуя с ним, помогая ему осваиваться в этом сложном мире, используя любую возможность для обучения.⁷

При воспитании ребенка родителям не следует принуждать ребенка к выполнению тех или иных действий. Чем упорнее родители настаивают на своих требованиях, тем большее сопротивление им оказывает ребенок. Чтобы организовать поведение ребенка с нарушением слуха, предупредить возникновение у него перевозбуждения, прежде всего необходимо организовать его режим дня, важно также научить его основным гигиеническим навыкам.

Мактабгача ёшдаги эшитишида нуксони булган болаларни мактабга тайёрлашда оилада педагогик ишларни ташкил этиш

*З.Н.Мамаражабова
Низомий номидаги
ТДПУ
ф.ф.н., доцент*

Оила шароитида боланинг камол топиши учун зарур бўлган оғзаки нутки ривожланиб боради. Мактабгача ёшидаги боланинг асосий фаолияти ўйин бўлаганлиги сабабли, уларга таълим бериш жараёни мураккаб ҳисобланади. Оилада таълим самарали ташкил этилиши учун бир қанча махсус шарт-шароитлар яратилиши талаб этилади.

Мактабгача болалик даврида ота – оналар эшитишида нуксони бўлган болаларни махсус болалар муассасаларига бериш ёки оилада тарбиялаш ҳақида ўзлари қарор қилади. Оилада тарбиялаш маъқул топилган ҳолларда бундай болаларга сурдологик кабинетлар сурдопедагоглари, маслаҳат гуруҳлари ёки махсус мактабгача муассаса қошида ташкил қилинадиган вақтинчалик ташриф буюриш гуруҳлари педагоглари, шунингдек эшитиш ва нуткни реабилитациялаш марказлари ходимлари ёрдам кўрсатади.

Қар болани оилада тарбиялаш ва ўқитиш бутун кун давомида, барча тартиб, ҳаракатлар (гигиеник процедуралар, овқатланиш, сайр) жараёнида, ўйин ф ва эркин фаолият давомида амалга оширилади. Бола турмушини, кун

⁷Головчиц Л.А. «Дошкольная сурдопедагогика»: Воспитание и обучение дошкольников с нарушениями слуха: Учеб.пособие для студ. высш. учеб. Заведений - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. — 304 с. — (Коррекционная педагогика)

тартибини тўғри, унинг ёши, жисмоний ва эмоционал имкониятларига адекват мос келадиган тарзда ташкил қилиш фақуллода муҳим аҳамият касб этади. Ҳар куни болалар билан махсус машғуллот ўтказилади, улар 20-30 дақиқа давом этади. Бу машғуллотларга ранг-баранг фаолият турлари киритилади, уларнинг ўзаро алмашилиб туриши боланинг толиқиши олдини олади. Оилада барча яқинларининг бола билан доимий нутқий мулоқотини кўзда тутадиган эшитиш-нутқ муҳитини ташкил қилиш зарурий шартлардан саналади. Эшитишида нуқсонли бўлган бола билан иш муваффақиятининг яна бир зарурий омили эшитиш аппаратларидан фойдаланиш саналади. Ота – оналар томонидан ҳал қилинадиган оилавий тарбия вазифалари болани маданий – гигиеник ҳамда ўз – ўзига хизмат кўникмалар билан таништириш ва уларни мустаҳкамлаш, уни тартибга, орасталикка, ўйинчоқлар, китобларга эҳтиёткорона муносабатга ўргатиш; фойдали фаолиятга интилишни ривожлантиришдан иборат. Бироқ асосий эътибор мутахассислар томонидан нутқнинг шакллантирилиши ва нутқий кўникмаларнинг мустаҳкамланиши, эшитиш фаолиятини ривожлантириш, жисмоний ривожланишдаги оғишларни коррекциялашга қаратилади. Оила шароитида қар ва заиф эшитувчи болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш нутқ ўстириш ишларини кўзда тутати. Нутқ жараёнини эгаллаш ва тил стандартини амалий ўзлаштиришда ёрдам бериш, шунингдек луғат захирасини тўплаш, сўз маъноларини фарқлаш ҳамда жумла қуришда кўмаклашиш кўзда тутилади. Бу каби иш фаолияти учун ривожлантирувчи характерга эга бўлган фаолият турлари асос бўлади. Кундалик ҳаётда эшитишида нуқсонли бўлган болаларнинг ота – оналари ўз боласини кўпроқ тушуниш, унинг кечинмалари ва таассуротларидан хабардор бўлиш, унинг учун тушунарли бўлишга интилади. Боланинг эшитадиган болалар билан нутқий мулоқотда бўлиши унинг умумий ҳолати ва ривожланишига ижобий таъсир ўтказди, турли нутқий бирликлардан мотивланган фойдаланиш ҳамда унинг лисоний нутқи ривожланишига кўмаклашади. Шу билан бир қаторда оила шароитида унинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш бўйича режали машғуллотлар (болага ортқча юкламасиз) олиб борилиши керак. Ўз вақтида шакллантирилган муваффақиятли ўқишнинг омиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга, бу кўриш идроки, диққат, кузатувчанлик, тақлидчиликни ривожлантириш билан боғлиқ. Шундай, кўриш идрокини такомиллаштириш учун рангдор ўйинчоқлар, ранг – баранг таёқчалар, шарчалар, мозаика, бўялган расмлардан фойдаланилади, уларни кўриб чиқар экан, бола ўхшаш предметларни, бир хил ва турлича рангларни саралашга ва уларни қиёслашга ўрганади. Болаларнинг талаффузга оид малакалари кўриш-эшитиш идроки ва фонетик ритмикани ривожлантириш асосида шакллантирилади ва мустаҳкамланади. Мактабгача ёшдаги болаларни ўз овоз аппаратида моҳирлик билан фойдаланишга ўргатишади, уларга кўрсатиш мумкин бўлган артикуляция ҳаракатлари намоиш этилади, товушлар аниқ талаффуз қилинишига эришиб, тегишли бўғин, сўз ва жумлалардаги шаклланган малакаларнинг автоматлаштирилиши таъминланади. Барча машғуллотлар ўйин шаклида ўтказилади. Бу болаларда қизиқиш ва фаолликни тутиб туриш

имконини беради. Артикуляция (талаффуз) ни тез – тез қайтариш унинг аста – секин аниқлик ва енгиллик касб этишига кўмаклашади. Айни пайтда болаларни кўриш ва ҳис қилиш ёрдамида талаффузни назорат қилишга ўргатиш керак. Оила шароитида бу каби ёрдам, аввало, уларнинг нутқий мулоқотини тиклашга қаратилади. Э.В.Миронова ва Е.Ф.Рау таъкидлашича, эшитишни йўқотганлигини тасдиқлайдиган ташҳис қўйилгани ҳаманоқ болага унинг учун чнги каналлар: кўриш, кўриш-эшитиш, кўриш – вибрация каналлари орқали атрофдагилар нутқини идрок этиш имкониятини бериш лозим. Кар бўлиб қолган боланинг нутқий тажрибаси доирасида унга қаратилган нутқни тушунишни таъминлаш муҳим. Бунинг учу нота-оналар кундалик турмуш шароитида (бола билан ўйнаётиб, уни ювинтираётиб, кийинтираётиб ва б.) болага таниш бўлган, ҳозир катта одамнинг қўлида ва боланинг эътиори ҳамда ҳаракати майдонида турган буюмлар номини кўп марта такрорлаши тавсия қилинади. Аста-секинлик билан болани «бирга гапириш» учун бошқа (гапираётган) одамга қарашга ўргатилади; катталар ўз нутқ суръатини боланинг нутқ суръатига мослаштиришга ҳаракат қилади, унинг эътиборини суҳбатдошнинг лабларига қаратади. Кар бўлиб қолган мактабгача ёшдаги боланинг унга қаратилган нутқни эшитишига эришиш учу нота-оналардан маълум хатти-ҳаракатлар:

- бола гапираётганининг ҳаммасини у сўзловчининг юзи ва лабларини кўрадиган тарзда такрорлаш;

- боланинг илтимосини фақат унинг нутқий ҳаракатларидан кейингина қондириш, бунда унинг нутқий имкониятларини ҳисобга олиш;

- боланинг эмоционал ҳолати (ажабланиш, ҳайратланиш ва б.) билан тўлдирилган қаратилган нутқига юз ифодаси ва «Тушунмадим», «Нима демоқчи бўляпсан?», «Яхшироқ айт, сенга нима кераклигини тушунмадим» каби жумлалар билан реакция қилиш.

Э.В.Миронова ота-оналар гапнинг боши, ўртаси ва охиридаги таянч сўзга эътибор қаратиши лозимлигини уқтиради. Сўзлашув баландлигидаги овоз билан гапириш керак, бу боланинг қолдиқли эшитишига зарар етказмайди. Махсус ташкил қилинган ўйинларда катталар болаларга ўйинчоқлар билан қандай саломлашиш, хайрлашиш, уларга миннатдорчилик билдириш, мақташ, койиш, яъни уларга тирикларга каби мурожаат қилишни кўрсатиши мумкин. Бола ўйин чоғида буларга бажонидил тақлид қилади. Кейинроқ нутқий хулқ намуналарини инсонлар билан кундалик мулоқот вазиятига кўчиради. Шу тариқа атрофдагиларнинг нутқига, лаблар ҳаракатига нисбатан кўриш эътибори, катталар гапирганини қайтаришга эҳтиёж ва ш.к. шакллантирилади.

Бола учун қулай фаолият турларида вазиятли нутқ ривожлантирилади, у гапириш ва ўқиш каби нутқий фаолият турларини эгаллаш учун асос бўлади. Кар бўлиб қолган болани кундалик ҳаётда турли вазиятларда гапиришга ундаш ва унинг хулқи ҳамда характерида қарама-қарши хусусиятлар – нутққа салбий муносабат, қатъий жим туришининг олдини олиш керак. Бунинг учун у билан кун давомида доимий равишда мотивланган нутқий мулоқотни ташкил қилиш, унинг нутқий бирликларни

(сўз, жумла, қисқа фикрлар) тўғри қўллаганидан кейингина илтимос ва истакларини бажариш керак бўлади. Бироқ буни мулойтимлик билан, болада душманлик кайфиятини уйғотмаган ҳолда амалга ошириш лозим. Нутқий ва ўйин контактлари чоғида болага китоддаги расмларни, унга таниш ва ёқадиган ўйинчоқларни кўрсатиш ва уларни аташ (номини айтиш), бунинг учун хонанинг турли жойларида жойлашган предметлардан фойдаланиш мумкин; бундай предметларни қидириш ўйинини, нутқий жўрликда ташкил қилиш мумкин. бундан ташқари, Боланинг мулоқот доирасини кенгайтириб бориш, бунга қариндошлар ва танишларни жалб қилиш жуда муҳим.

Кар бўлиб қолган боланинг қолдиқли нутқини сақлашда ўқиш малакаларини эгаллаш муҳим ўрин тутди. Агар бола фақат айрим ҳарфларнигина билса ҳам, уни шу ҳарфлардан бўғинлар тузишга ўргатиш ва айна пайтда бола глобал ўқийдиган яхлит сўзлар ёзилган жадвалларни кўрсатиб бориш керак. Шу билан бир пайтда буйруқ майлидаги феълларни (турли топшириқлар, ҳаракатга ундашлар шаклида) киритиш керак. Феъл туркумига оид сўзлар ёзилган табличкалар кар бола учун от туркумига оид сўзлар ёзилганига аганда кўпроқ қийинчилик туғдиради. Шу сабабли мулоқот чоғида *бер, ол, кўрсат, олиб қўй, тур, ўтир, юр* каби феъллардан фойдаланганда, бола тегишли сигналга жавобан ҳаракатлар бажарадиган вазиятларни танлаш керак. Бу каби синал сифатида табиий ишора ва артикуляция жўрлигидан фойдаланиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги кар бўлиб қолган болани оила шароитида тарбиялашда эшитишни йўқотгани сабабли юзага келиши мумкин бўлган талаффуз ёмонлашувининг олдини олиш керак. Э.В.Миронова ва Е.Ф.Рау таъкидлашича, ота-оналар талаффуз нуқсонларини тўғрилашнинг махсус усулларини билмасдан туриб ҳам, унинг талаффузи ва сўзларда урғуни қўллашини назорат қилиш йўли билан кар бўлиб қолган боланинг оғзаки нутқини сақлаб қолишни таъминлаши мумкин. Бола нутқининг ривожланиши, унинг талаффуз томонини эгаллаш нутқий эшитишнинг шаклланиши ва атроф оламдаги товушлар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш билан чамбарчас боғлиқ. Баланд ва кескин товушлар болада кўнгилсиз ҳисларни уйғотмаслигига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Умумий мактабгача муассаса гурҳларига қатнайидиган болаларни бинаурал (иккита кулоқ орти аппарати билан) протезлаш тавсия қилинади.

Мактабгача ёшдаги кўришда нуқсонли бўлган болаларни тарбиялашда ота-оналар билан олиб бориладиган иш шакллари

*Н.З.Абидова
Низомий номли ТДПУ
“Коррекцион педагогика”
Кафедраси катта ўқитувчиси*

Ота-оналар билан якка тартибда олиб бориладиган иш шакллариулар билан ўзаро тушунишни йўлга қўйиш, педагогларнинг кўришда нуқсони бўлган бола ривожланишидаги хусусиятларни яхшироқ тушуниб етиши учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Бундай иш шаклларига ота-оналар билан суҳбатлар, маслаҳат (маслаҳат) лар, педагогнинг оилага ташрифи, ота-оналарнинг болалар мактабгача таълим муассасаси машғулотирига ташрифи, болалар учун дам олиш ва байрам кунларига топшириқ ва тавсиялар тайёрлаш, бошқа шаҳардан келган болаларнинг ота-оналар билан ёзишмаларикиради. Ота-оналарбилан суҳбатларни, агар болабоғчага ҳар куни қатнайидиган бўлса, эрталаб ё кечки маҳал; бола мактабгача муассасада беш кун бўладиган бўлса душанба ва жума кунлари; ўзга шаҳарлик ота-оналар ташрифи вақтида ўтказиш мумкин. Фарзандлари болалар мактабгача таълим муассасасига эндигина қабул қилинган ота-оналар якка тартибдаги мулоқотга айниқса эҳтиёж сезадилар. Бу каби мулоқот махсус вақт ажратишни талаб этади, зеро ота-оналар билан мулоқотда шошма-шошарлик ва тезкорлик ота-оналарнинг очиқ суҳбат куришларида йўл бермайди, юзага келган саволларга тўлиқ жавоб олиш имконини бермайди. Педагоглардан нафақат касбий маслаҳатлар, балки такт, кўпчилиги боласининг кўриши бузилганини оғир ҳис қиладиган ота-оналарга ҳамдардлик талаб қилинади.

Одатда, ҳафта охирида педагоглар ота-оналар учун турли бўлимлар юзасидан топшириқ ва тавсиялар тайёрлайдилар. Боланинг ота-онаси билан учрашув чоғида ҳар бир бола учун топшириқлар унинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади. Ота-оналар боланинг материални ўзлаштиришини турли маиший вазиятлардан фойдаланиш билан боғлаш, ўйин усулларида фойдаланиш, фаолиятнинг бошқа турларидан фойдаланиш (ёпиштириш, аппликация, конструкциялаш, қул меҳнати), турли муассасаларга саёҳатларни ташкил қилиш борасида маслаҳатлар оладилар. Айрим ҳолларда топшириқлар мазмунини тушунмаган ёки педагоглар маслаҳатларидан тўғри фойдалана олмаётган ота-оналарни машғулотларга таклиф қилишади. Бунда у ёки бу бўлим, масалан кўриш идроки, кўрув тасавурларини ривожлантириш бўйича иш методикаси очиқ берилади.

Боланинг ота-оналари узоқ манзилда истиқомат қиладиган ва мактабгача муассасага тез-тез ташриф буюра олмаган ҳолларда педагог улар билан хат ёзишмани йўлга қўяди. Ота-оналарнинг, жумладан боланинг ўқиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган, масалан боланинг саломатлиги, яшаш шароитлари ва бошқалар ҳақидаги саволларга ҳам жавоб беради. Болаларни ота-оналар билан ёзишмага жалб қилиш: боланинг кўз олодида конвертни елимлаш, ота-оналарининг расмини болага кўрсатиш жуда муҳим. Болалар расмлар чизиши, қисқа матнлар битиши, педагог ёрдамида табриклар ёзиши мумкин. Педагог олган ҳар бир мактубини бола билан муҳокама қилиши, тушунарли шаклда ота-оналар ўз фарзанди ҳақида қайғураётгани ҳақида ҳикоя қилиб бериши муҳим. Ота-оналарнинг хатларини сақлаб қўйиш зарур, зеро болалар уларни такрор ва такрор ўқишни яхши кўради.

Тифлопедагог ёки тарбиячининг таклифи бола ва унинг оиласи учун муҳим ҳодиса бўлиши мумкин. Бундай ташрифларга педагог олдиндан

тайёргарлик кўради, ота-оналарга саволлар, маслаҳат, таклиф ва тавсияларни ўйлаб олади. Оилага ташрифни бола ҳаётидаги қандайдир ҳодиса: боланинг бетодлиги боис боғчага келмагани, туғилган кун ива б. билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Оилага ташриф жараёнида боланинг яшаш тарзи, ота-оналарнинг у билан мулоқот воситаларини кузатиш, шу оила учун бола тарбияси билан боғлиқ долзарб муаммоларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Педагог ота-оналарга уйда ҳам болалар мактабгача таълим муассасасидагига ўхшаш кун тартибига риоя қилиш муҳимлигини, нутқий мулоқотнинг, атрофидагилар ҳақидаги тасаввурларни бойитишнинг зарурлигини тушунтириши; бола билан унинг маиший фаолиятдаги иштироки, сайрлар, театрга ва циркка ташриф ва ш.к. жараёнида ривожлантирувчи ишларни ўтказиш ҳақида ҳикоя қилиши керак. Оилага ташриф вақтида шунингдек боланинг боғчадаги айрим қийинчиликлари, масалан ўз-ўзига хизмат кўникмаларини яхши эгалламаганлиги сабабларини аниқлаштириш зарур. Бу ҳолларда ота-оналардан боланинг ўзи оилада нималар қилишини, катталарнинг ёрдамидан қандай фойдаланишини, унга қандайдир топшириқлар берилишини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Педагог ота-оналарга меҳнатсеварлик, маданий-гигиеник кўникмаларни тарбиялашга оид маслаҳатлар беради. Кейинги ташрифлар давомида ота-оналар бу маслаҳат ва тавсияларни қандай бажараётганини аниқлаштириш зарур.

Мактабгача муассаса фаолиятида шунингдек ота-оналар билан жамоавий иш шаклларида фойдаланилади. Улар сирасига умумий ва гуруҳ ота-оналар мажлислари, мавзуга оид йиғилишлар, давра суҳбатлари, болалар билан иш тажрибасини ўртоқлашиш семинарлари, гуруҳларда маслаҳатлар, очиқ эшиклар куни, болалар ишлари кўргазмасини, эрталиклар ва байрамларни ташкил қилиш, болалар мактабгача таълим муассасаси, гуруҳ тадбирларида иштирок ва ш.к. киради.

Ота-оналар мажлисларикенг тарқалган иш шаклларида бири саналади. Мажлис ҳамма ота-оналар учун умумий ёки гуруҳдаги болалар ота-оналари учун бўлиши мумкин. Ота-оналарнинг умумий йиғилиши йилига икки-уч марта, гуруҳда эса йил чорагида бир марта ўтказилади. Умумий мажлисларда ота-оналарни болалар мактабгача таълим муассасаси иш мазмуни билан таништирилади, мактабгача муассаса ва ота-оналарнинг ўзаро алоқалари белгиланади, маъмуриятнинг маълум давр мобайнидаги фаолияти юзасидан, ота-оналар қумитаси ҳисоботи тингланади. Ота-оналар мажлисларида барча ота-оналар учун қизиқарли мавзулардаги маърузалар тингланади, масалан «Кўришда нуксони бўлган болалар тарбиясида ўйинларнинг роли», «Кўришдаги камчиликлар ва ирсият» ва ш.к.

Гуруҳ ота-оналар мажлисида шу гуруҳда тарбияланаётган болаларнинг ота-оналари учун долзарб масалалар муҳокама қилинади. Тифлопедагог ва тарбиячи ота-оналарни болалар тарбияси ва таълимнинг турли йўналишларига оид вазифалар ва иш мазмуни билан таништиради, буни ота-оналар учун қизиқарли ва тушунарли шаклда амалга оширади. Болаларни оилада тарбиялаш масалалари бўйича ахборотлар билан (масалан, “Уч ёшли

болаларнинг кун тартибини ташкил қилиш”, “Болаларда маданий-гигиеник кўникмаларни тарбиялаш” ва чиқишлар қиладиган тарбиячиларнинг иштироки муҳим саналади. Гуруҳ ота-оналар мажлисларида педагог ота-оналарга таълимнинг натижаллиги, турли йўналишлардаги ишлар натижалари ҳақида хабар қилади. болалар билан иш самарадорлигини тавсиялаётиб, «билмайди, тушунмайди» каби турли «майди»лар билан қийинчиликлар, бола ривожланишидаги салбий ҳолатларга урғу бериш эмас, балки боланинг имкониятларини, унинг таълимда илгарилаб боришини кўрсатиб бериш муҳим. Бола билан ишда юзага келадиган қийинчиликларни яқка тартибдаги суҳбатларда очиб берган, асосийси ота-оналар уларни бартараф этишда қандай иштирок эта олишларини кўрсатиб берган мақсадга мувофиқ. Гуруҳ ота-оналар мажлислари педагоглардан пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Бу тайёргарлик ахборот тайёрлаш, кўргазмали-иллюстратив материални (жадваллар, «қўлбола» китобчалар, дидактик ўйинлар, расмлар, болаларнинг ишлари ва ш.к.) танлашни ўз ичига олади. Педагоглар шунингдек ота-оналарга муҳокама қилинадиган масалаларга оид тушунарли адабиётларни тавсия қилиши, уни ўқишда нималарга эътиборни қаратиш зарурлигини уқтириши лозим. Ота-оналар мажлисларига болалар ишлари, шунингдек ота-оналар ва болалар билан ҳамкорликда қиланган ишлар, расмлар кўргазмасини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Болаларни ўқитишнинг муайян, кўпинча коррекция ишини олиб бориш билан боғлиқ масалалари мавзуга оид ота-оналар мажлисларида, давра суҳбатлари, ота-оналар учун маърузаларда муҳокама қилинади.

Ота-оналар учун университетлар ёки маърузаларуларни тифлопсихология ва тифлопедагогиканинг умумий масалалари билан маъмурият томонидан аввалдан тузилган режа асосида таништиришни кўзда тутуди. Шифокор, услубчи, психолог, тифлопедагогларнинг маърузалари, одатда, ойда бир маротаба ўтказилади.

Давра суҳбатлари мавзуси кўпинча кўришда нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишнинг муайян муаммоларидан иборат бўлади: кўришни протезлаш масалалари, овозни кучайтириш воситаларидан тўғри фойдаланиш, нутқнинг турли шаклларидаги тил ўргатишдаги ўзаро алоқадорлиги, оилада кўриш идроки, кўрув тассавурларини ривожлантириш ишлари, болалар талаффузини назорат қилиш ва ш.к. лардан иборат бўлади.

Ота-оналар учун маслаҳатлар. Умумий ёки гуруҳда мавзуга оид маслаҳатлардан олдин ота-оналар саволларини ёзма тарзда қолдиришлари мумкин. Бирор мавзу бўйича саволлар тўпланишига қараб, ота-оналар учун гуруҳ маслаҳатлари мавзулари шакллантирилади. Умумий маслаҳатларда ота-оналарни қизиқтирган болалар саломатлигини асраш, кўриш аъзолари касалликларини даволаш, кўриш воситаларини тўғри танлаш ва фойдаланиш каби ота-оналарни қизиқтирадиган турли масалалар муҳокама қилинади.

Гуруҳда ота-оналар учун маслаҳатлар шу ёшдаги болалар таълими ва тарбиясининг муайян масалаларига бағишланади. Педагогларнинг ахборотлари конкрет характерда бўлиши, ота-оналар учун тушунарли

бўлиши, намуналар намоёиши, турли дидактик воситалардан фойдаланиш билан тўлдирилиши керак. Маслаҳат мавзуларини «Оилада нутқни ўтириш ишлари», «Ўзма нутқ шаклидан (Брайл ёзуви) фойдаланиш», «Кўриш идроки, кўрув тассавурларини ривожлантириш ишлари», «Болаларни табиат билан таништириш» каби масалалар ташкил қилиши мумкин. Иш шакллари турлича бўлиши мумкин: тифлопедагоглар, тарбиячиларнинг маърузалари, савол-жавоблар.

Ота-оналар конференцияларимухим ва фойдали иш шакллари билан саналади. Уларнинг мақсади оилада бола тарбияси ва таълими тажрибаси билан ўртоқлашишдан иборат. Бундай конференциялар йилда бир-икки марта ўтказилади. Улар болалар мактабгача таълим муассасаси маъмурияти, ота-оналар кўмитаси, педагоглар томонидан тайёрланади. Конференцияларда ота-оналар оилада бола тарбияси бўйича тажриба алмашади, турли йўналишлар, масалан меҳнатсеварликни тарбиялаш, оилада бола билан ўзаро муносабатларни шакллантириш, жисмоний тарбия бўйича иш шакллари ва мазмунини очиқ берадилар. Кўпинча фаол ота-оналар ишнинг энг қийин ва ўзига хос бўлимлари: нутқни ривожлантириш, кўриш идроки, кўрув тассавурларини ривожлантириш ва бошқа долзарб масалалар бўйича ўз тажрибаларини етказишга интилади. Одатда, ота-оналар кўплаб қизиқарли қўлланмалар, ўйинлар, фотосуратлар, видео-, аудиоёзувларни намоёиш этади, улар билан танишиш нафақат бошқа ота-оналар, балки педагоглар учун ҳам фойдалидир. Бундай конференциялар илгари ўзининг педагогик имкониятларига шубҳа билан қараган ёки болаларининг қобилиятига ишонқирамаган ота-оналарга кучли таъсир кўрсатади. Ота-оналар конференцияларида дўстона илиқ муҳит ҳосил бўлади, ота-оналар ва педагогларнинг ягона жамоаси шаклланади. Мактабгача муассасада ота-оналар конференцияси болалар ишлари кўрғазмаларига уланиб кетади. Болалар турли кўшиқ ва рақслар, шеър, сахна кўринишларини ижро этадиган концертлар ота-оналар конференциясининг ўзига хос ажойиб давоми бўлади.

Ота-оналар билан иш шакллари билан яна бири очиқ эшиклар кунидир. Очиқ эшиклар кунидавомида ота-оналар катта гуруҳларда фронтал ва яқка тартидаги машғулотларда бўлишлари, болаларнинг мулоқотини кузатишлари, уларнинг сайр вақтидаги машғулотларини кузатишлари, кун тартиби моментларини ўтказиш жараёнида педагоглар, катта тарбиячи ва мудира билан учрашиб, суҳбат қуришлари мумкин бўлади. Кўпинча мактабгача муассасага очиқ эшиклар кунида ташриф ота-оналарнинг фарзандини махсус муассасада тарбиялаш, айрим ҳолларда эса, аксинча, ўз кучларини сафарбар қилиш ва фарзандини оилада тарбиялашни такшил қилиш истагини кучайтиради.

Болалар мактабгача таълим муассасаси ходимларининг энг муҳим вазифаси болалар, ота-оналар ва педагогларнинг ягона жамоасини ташкил қилиш саналади. Ишонч, бола тақдирида биргаликдаги иштирокни шакллантиришга болалар боғчаларида умумий байрамларни ташкил қилиш, туғилган кунларни уйда ёки болалар муассасасида нишонлаш, болалар

ишлари кўргазмасини ташкил этиш, биргаликдаги сайр ва саёхатлардавомида кўпроқ муваффақ бўлинади.

Болалар нутқида учрайдиган нуқсонларни бартараф этишда Муассаса ва ота-она ҳамкорлиги

*Н.Мусаева
Низомий номли ТДПУ
докторанти*

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллайдиган комил инсон бўлиб камол топишини орзу қилади. Бола дастлаб ота-онаси билан муомала қилиш орқали сўзлашув нутқини эгаллаб, сўнг атрофдагилар билан мулоқотда бўла бошлайди. Ўзини ўраб турган муҳит билан танишиб боради. Ўз она тилини ўзлаштириш орқали сўз, ибораларни ўрганади, нутқи шаклланиб боради. Фикрлаш, сезиш, эшитиш, кўриш ва нутқ аъзоларининг меъёрида эканлиги унинг тўғри ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Болалар она тилидаги барча товушлар талаффузини 4-5 ёшгача ўзлаштирадilar. Лекин баъзи мактабгача ёшдаги болалар айрим товушлар талаффузини мустақил ўзлаштира олмасликлари ёки катталарнинг бола нутқидаги камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида англай олмасликлари, боланинг ёши улғайган сари бу нуқсонлар тузалиб кетишига ишониб унга аҳамият бермасликлари оқибатида товушларни нотўғри талаффуз қилиниши кўзга ташланади. Нутқдаги нуқсонни аниқлаш учун боланинг меъёрда нутқини ривожланиш кетма-кетлигини аниқ тасаввур этиш, ушбу қонуниятнинг жараёни ҳамда шароитини билиш зарур. Болаларнинг нутқий ривожланиш қонуниятларини билиш уларда у ёки бу камчиликларни вақтида аниқлашга, нутқидаги нуқсонларини тўғри ташхис қилишга ҳамда нутқий нуқсонларни бартараф этиш бўйича коррекцион-тарбиявий ишларни тўғри амалга оширишга ёрдам беради[1].

Бола нутқининг товуш талаффузидаги камчиликлари дастлаб мактабгача муассасада, сўнгра мактабда бир қанча нохушликлар келтиради. Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг тенгдошлари ундаги товуш талаффузини нотўғрилигини сезиб, унинг устидан куладилар, катталар эса мунтазам танбеҳ берадилар. Бола ўз нутқидан уяла бошлайди, байрамларда катнашиш, шеър айтишдан бош тортади, ўртоқлари билан мулоқот қилишдан ўзини четга олади. Бундай вазиятда бола катталарни ёрдамига муҳтож бўлади. Айрим ҳолатларда махсус логопедик иш (ёрдам) талаб этилади. Баъзида логопед маслаҳатидан сўнг тарбиячи, ўқитувчи ёки ота-онанинг шуғулланиши етарли бўлади. Бу товушнинг талаффуздаги нуқсонини даражаси ҳамда боланинг шахсий хусусиятига боғлиқ. Товуш талаффузини тўғри шакллантириш учун иш шароитини яхшилаш самарали натижа беради. Аввало болада машғулотга қизиқиш уйғотиш лозим. Бунинг учун тез толиқишни олдини олиш, билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўйин, расм

чизиш, бадий сўз ва бошқа қизиқарли фаолият турларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Бундан ташқари болалар нутқидаги камчиликларни бартараф этишда нафас, бармоқлар машқларидан ҳам фойдаланилади. Агар машқлар мунтазам равишда олиб борилса бола нутқидаги нуқсонлар бартараф этиб борилади.

Мактабгача ёшдаги болалар билан ҳар хил мавзуда кўпроқ суҳбатлар ўтказиш, оғзаки нутқини ривожлантириб, сўз бойлигини ошириб бориш тавсия этилади. Бунинг учун эса оиладаги қулай шароит, тўғри кун тартиби болани ривожланишида ва ўз она тилини ўзлаштиришида асосий омиллардан ҳисобланади[2].

Тадқиқотчилар нутқ ривожланишининг турли хил босқичларини ажратадилар, уларни ҳар хил номлайдилар ҳамда уларнинг ёш хусусиятларини кўрсатган ҳолда чегаралайдилар (А.Н.Гвоздев, Н.И.Жинкин, А.Н.Леонтьев ва бошқалар).

А.Н. Леонтьев болалар нутқининг ривожланишининг тўрт босқичини ажратади:

- 1--босқич –тайёрлов –1 ёшгача;
- 2--босқич—мактабгачадан олдин – 3 ёшгача;
- 3--босқич --мактабгача—7 ёшгача;
- 4-- босқич – мактаб ёши – 7 ёшдан 17 ёшгача.

Биринчи босқич – тайёрлов (туғилганидан то 1 ёшгача). Бу даврда нутқни эгаллашга бўлган тайёргарлик ишлари амалга оширилади, нутқнинг шаклланишига боғлиқ бўлган психик фаолият тизими ривожлана бошлайди.

Бола туғилганидан давридан бошлаб унда овозли реакциялар: йиғлаш ҳамда бақириш пайдо бўлади, бу нутқий аппаратнинг уч бўлимини: нафас, овоз, артикуляциянинг ривожланишига ёрдам беради. Соғлом боланинг бақириши овознинг жарангли ва давомийлиги билан, қисқа нафас олиш ҳамда узоқ нафас чиқариши билан характерланади. Бақириқ ўзининг коммуникатив тузилиши билан биринчи интонация бўлиб, бу эса кейинчалик норозилик сигналини англатади. Хаётининг 2-3 ойлигига келиб боланинг бақириғи интонацион жиҳатдан янада бойиди, бу эса янги мулоқот функцияларини шаклланиб бораётганлигини далолатлайди. Бола нутқ товушларини эшита бошлайди, сўзлаётган инсонга ўгирилиб қарайди, интонацияларига реакция қилади. Хаётининг 2-3 ойлигига келиб махсус овозли реакциялар-гугулаш пайдо бўлади. Буларга норозилик овозлари; ноаниқ товушлар унлиларга ўхшаш, лаб ва тил орқа товушлари киради. Гугулаш даври айниқса катталар билан эмоционал мулоқот вақтида узоқ давом этади.

Хаётининг 4 ҳамда 5 ойликларида болада нутққача бўлган даврда қуйидагилар ривожлана бошлайди- гугулаш, бу боланинг ўтириш функцияларини шаклланишига тўғри келади. Гугулашга оид овозли оқим бўғинларга ўта бошлайди, секин–аста психофизиологик механизм овоз бирикмалари шаклланиб боради.

Гугулаш болаларнинг физиологик эшитув холатига боғлиқ бўлмайди ҳамда она тилидаги фонетик курилишда ифодаланмайди, яъни нутқнинг функционал тизимидаги нутқий хотиранинг филогенетикаси хисобланади. Гугулаш ритмик ҳаракатлар билан кескин боғлиқдир, шунинг учун болага ҳаракатларида эркинлик бериш лозим, бу эса нафақат психомоториканинг ривожланишига балки нутқий артикуляцияларнинг шаклланишига ҳам таъсир этади. Кейинчалик нутқнинг ривожланиши катталарга боғлиқ бўлган кўрув ҳамда нутқий(эшитув) билан боғлиқ. Онтогенезнинг бу даврида боланинг гугулашида аутоэхолалия кузатилади. Бола узоқ вақт битта очик бўғинни такрорлайди (ва-ва-ва, га-га-га), бунда диққат билан ўзини тинглайди.

8 ойлика келиб боланинг гугулашидаги товушлар у эшитаётган нутқ фонемаларга мос бўлмаганларини ўрнига атрофдагиларнинг нутқига мос фонемалар пайдо бўлади. Болада ўзининг нутқий онтогенетик хотираси, она тилининг фонетик тизими шакллана бошлайди.

Атрофдагиларнинг нутқини тушунишни ривожланиш темпи ва вақти оғзаки нутқни шаклланиш темпи ҳамда вақтини шаклланиши билан тўғри келмайди. 7-8 ойликка келиб болалар маълум бир имо-ишорали сўз ва ибораларга адекват реакция қиладилар. Бу вақтда сўзнинг товушли образи предмет ёки маълум бир вазиятга мос равишда ривожлана бошлайди. Шундай қилиб, болани эшитаётган сўзини тушуниши уни талаффуз этишидан анча олдин шаклланади.

Биринчи сўзлари бола кўлларининг фаол манипуляциялари билан биринчи қадамларини кўяётганда биринчи йилининг охирларига келганида пайдо бўлади. Қиз болаларда одатда 9-10 ойликда, ўғил болаларда 11-12 ойликка келиб биринчи сўзлари пайдо бўлади.

Иккинчи босқич- мактабгачадан олдин (бир ёшдан 3 ёшгача).

Болада биринчи сўзлари пайдо бўлиши билан фаол нутқ босқичи шакллана бошлайди. Бу вақтда бола атрофдагилар артикуляциясига алоҳида диққат қаратади. У гапираётганларни орқасидан завқ билан қайтаради; ўзи сўзларни адаштириб, товушлар ўрнини алмаштириб таллафуз этади.

Боланининг биринчи сўзлари умумий-маъновий характерга эга. Бир сўз ёки товушлар бирикмаси предметни, илтимосни, ҳисларини англатиши мумкин (ойи-мурожат этиш, кўрсатиш, илтимос, шикоят). Буни ўша холатдаги вазият орқали гўдакни катталарга нима демоқчи эканлигини тушуниш мумкин, шунинг учун ҳам буни вазият нутқи дейилади; у имо-ишора, мимикалар билан бирга келади[3].

Бир ярим ёшда сўз умумий характерга эга бўлади. Катталарни сўз билан тушунтиришларига, билимларни эгаллашга, янги сўзлар захирасини тўлдиришга имконият яратилади. Луғат захирасини ўсиб боришига кўра фонетик жиҳатдан бузишлар янада яққол кўриниб боради. Бу нутқнинг лексико-семантик томони фонетик идрок ва нутқий моторикани талаб этувчи фонетик шаклланишга нисбатан тезроқ ривожланиб боришидан далолат беради.

Тадқиқотчилар болаларнинг луғатини ўсиб бориши ҳақида турли хил маълумотлар берадилар, бу эса нутқ ўсишида индивидуалликни катта эканлигини кўрсатиб ўтади, масалан, қуйидаги маълумотлар келтирилади: 1 ёшу 6 ойликда-10-15 та сўз; 2 ёшнинг охирларига келиб-300 та сўз; 3 ёшда-1000 та сўзга яқин.

Хаётининг иккинчи йиллининг охирларига келиб элементар иборали нутқи шаклланиб боради. Унинг пайдо бўлиш вақти интеллектнинг эшитиш ҳолати, тарбия шароити ва бошқа генетик ривожланиш дастурига боғлиқ.

Аввал бола ўзининг хохиш-истакларини бир сўз билан, кейин иборалар билан, сўнгра секин-аста гапда сўзларни тўғри қўллай олиш малакалари пайдо бўлади. Агар болада 2,5 ёшгача элементар иборали нутқи шаклланмаса, демак унинг нутқий ривожланиши меъёрдан орқада қолаётганини далолатлайди.

Икки ёшга келиб нутқ катталар билан мулоқотга киришишнинг асосий воситаси бўлиб хисобланади. Болада нутқий мулоқотнинг етарлича бўлмаслиги уни нафақат нутқий ривожланишига, балки умумий психик ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Хаётининг учинчи йилига келиб сўзларни қофиясига кўра янги сўзларни ижод этиш қобилияти юзага келади (вазелин ўрнига мазелин ва х.к.).

Учинчи босқич-мактабгача(3 ёшдан 7 ёшгача).

Уч ёшдан сўнг фонетик идрок этиш ҳамда товушларни талаффуз этиш кўникмалари ривожлана бошлайди. Боланинг нутқий ривожланиши меъёрда бўлганда нутқнинг товуш томони 4-5 ёшга келиб тўлиқ шаклланади. Одатда болалар тебраниш талаб этувчи “р” товушни кеч талаффуз этадилар. Мактабгача ёшда кўпгина болаларда сирғалувчи, шовқинли, сонор товушларда нотўғри талаффуз кузатилади.

Луғат заҳирасини бойиб бориши давом этади. Боланинг фаол луғати 5-6 ёшга келиб 3000-4000 та сўзга етади. Сўзнинг моҳияти аниқлашади ҳамда бойиб боради, тилни ҳис этиш шаклланиб боради[3].

Луғатни ривожланиши нутқнинг грамматик курилиши, боғланган нутқни эгаллаш билан параллел равишда шаклланиб боради. Хаётининг 4-йилига келиб болалар нутқида оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланадилар, гаплари ўртача 5-6 сўздан ташкил топади. Бу даврда болалар шеър, эртак, расмларнинг тузилишини яхши эслаб қоладилар ҳамда сўзлаб берадилар. Бу ёшда бола ўзининг ўйинли ҳаракатларини амалга оширади, бу эса регулятор нутқ функциясини шаклланишидан далолатлайди.

Хаётининг бешинчи йилининг охирига келиб бола кўрғазмаларга таянмаган ҳолда контекст нутқни эгаллай бошлайди. Боланинг сўзлаб беришилари қисқача хикоя тарзида намаён бўлади, қўшимча саволарсиз эртак, хикояларни айтиб бериши мумкин. Бу даврда фонематик идрок яхшиланади, товушларни тўғри талаффуз этишни шаклланиши яқунланади.

Хаётининг еттинчи йилига келиб бола кўчма маъноли сўзлардан фойдаланган ҳолда мавҳум тушунчаларни қўллайдилар. Бу ёшда болалар нутқнинг майший-сўзлашув турини бутунлай эгаллайдилар.

Тўртинчи босқич-мактаб (7 дан 17 ёшгача).

Бу босқич аввалгиларига нисбатан болалар нутқни тушунган, англаган холда эгаллашларидир. Болалар товушлар анализини эгаллайдилар, ўз фикрларини грамматик жиҳатдан тўғри куриб сўзлашни ўргандилар. Бунда етакчи ўринни нутқнинг янги тури –ёзма нутқ эгаллайди. Шундай қилиб, мактаб ёшида бола нутқида мақсадли ўзгаришлар амалга оширилади, яъни товушларни идрок этиш ва фарқлашдан то барча нутқ воситаларини тўғри англаган холда фойдаланишгача [3].

Болаларнинг нутққий ривожланиш босқичларини ҳар бир ота-она билса, ўз фарзандига вақтида ёрдам беради. Бу эса болани нутқини тўғри ривожланишига замин яратади. Нутқи тўғри шаклланган ҳар бир бола келажакда ўз ўрнини топишида, ҳамда бирор касбни эгаллашида кўмак бўлади. Нутқи тўғри шаклланаётган болада ўзига ишонч ҳисси ҳам шаклланиб боради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини тўғри шаклланиши учун болалари билан ҳар хил мавзуда кўпроқ суҳбатлар ўтказиши, оғзаки нутқидаги нуқсонларига аҳамият бериши, ҳамда уларни ўз вақтида коррекцион ишларни олиб бориши тавсия этилади. Бунинг учун эса оиладаги қулай шароит, тўғри кун тартиби яратиш болани ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади [4].

Мактабгача ёшдаги эшитмайдиган болалар нутқини дастлабки даврда ривожлантиришда оиланинг ўрни

*М.У. Хамидова
Низомий номли ТДПУ
Н. Абидова
Низомий номли ТДПУ*

Маклакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI – интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз фарзандларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга оширилмокда. Ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмушни куриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил инсонларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир.

Эшитиш қобилиятининг пасайиши боланинг меъёрда ривожланишига таъсир этади, жумладан сезги, идроки, тафаккури каби психик жараёнлари суст ва ўзига ҳос равишда шаклланади, нутқий ривожланиши тормозланади, шу сабабли махсус таълим бериш бундай болаларнинг камол топишида муҳим омил бўлиб қолади.

Таълимнинг дастлабки ойлари тайёрлов даври бўлиб, болалар самарали таълим олишига тайёрланади. Мазкур даврда болалар кун тартибига риоя қилишга одатланади, уларда маданий гигиеник малакалар шакллантирилади, болалар жамоа орасида, машгулотлар, ўйинлар пайтида ўзини тута билишни ўрганади. Шу билан бир қаторда болаларнинг нутқи борлиқни билиш ва мулоқот воситаси сифатида ривожлантирилади.

Маданий гигиеник ва маданий-маиший хулқ малакаларини ҳамда ўқув малака ва кўникмаларини нутқ билан уйғунликда шакллантириш жараёни педагоглардан юксак педагогик маҳорат ва сабр - тоқатни талаб этади. Оилада тарбияланаётган эшитишда нуқсонли бўлган болаларнинг нутқини ўстириш жараёнида куйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

1. Болаларда турли малака ва кўникмаларни тарбиялашда нутқни ўстириш вазифаси устун бўлмаслиги;

2. Шу билан бирга, билим, малакаларни шакллантириш пайтида муомала учун зарур бўлган сўзлар захирасини тўплаш керак.

Маданий гигиеник малакалар ва маданий хулқ малакалари шакллантириш жараёни куйидагича кечади: барча хатти-ҳаракатлар дастлаб 1,2 марта тарбиячи томонидан кўрсатилади, кейин болалар билан бирга бажарилади. Болаларга машгулотлар пайтида шовқин қилмасдан ўрнидан туришни, стулни жойига кўйишни, тўғри ўтиришни, ювиниш пайтида кранни очишни, совун олишни, енгини шимаришни, сочиқни ушлашни, юз қўлни қуруқлаб артишни, овқат пайтида салфетка, қошиқ, санчкилардан фойдаланишни, нонни ушатишни, мустақил ечиниш ва кийинишни ўргатиш керак бўлади. Ҳаракатлар ва уларнинг кетма-кетлиги ўзлаштирилгандан сўнг, болалардан у ёки бу ҳаракатни бажариш кўрсатмасини беришдан аввал ёзувли жадвалча кўрсатилади.

Болаларда маданий-гигиеник малакаларни шакллантириш ишлари изчиллик билан барча таълим йилларида ташкил этилади. Мазкур жараён доимий равишда нутқий воситалар билан уйғунлашган ҳолда олиб борилса, мулоқот учун зарур бўлган сўз ва иборалар табиий ва онгли равишда ўзлаштирилади. Кар болаларни мувафақиятли ўқитишида уларнинг сенсор (сезги, идрок, тасаввур) жараёнларини, диққат-эътиборини, тақлидчилик қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Кичкинтойлар таъсирчанлиги, ҳиссиётларга берилувчанлиги, билим ва тажрибаларнинг етишмаслиги, таффақурини етарли ривожланмаганлиги билан ажралиб турадилар. Таълим-тарбия жараёни нотўғри йуналтирилиш ҳолда, уларда атрофдаги борлиқ ҳақида нотўғри тушунча ва тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Баъзан эшитувчи болалар ҳам табиат ҳодисаларини кўриб туриб, ундаги сабаб ва оқибатларини англай олмайдилар. Дарахтлар қимирлаётгани учун шамол эсяпти, ой чиққани учун коронги бўлди каби тушунчалар уларга ҳосдир. Мактабгача ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши теварак атрофни идрок этиш жараёнини бошқариш, мавжуд бўлган тасаввур ва тушунчаларни сўзлар воситасида ифодалаш муҳим омилларидир. Болаларнинг тасаввурлари, яъни идрок этилган нарсаларнинг сиймолари

уларда мажуд бўлган билимлар мазмунини белгилайди. Тасаввурлар аниқлаштирилиши, тартибга солиниши, умумлаштирилиши лозим. Тасаввурлар нутқ билан боғланмаса, улар ўз маъно моҳиятини йўқотади.

Онгли равишда болаларни атроф-муҳитдаги предмет ва ҳодисаларни идрок этиб фарқлашга ўргатётганда ҳамда тўғри тасаввур ва тушунчаларни шакллантираётганда, уларни мантиқий фикрлаш тушунча, тасаввурларини тартибга солиш таҳлил қилиш ва умумлаштириш малакаларини ривожланади. Болаларнинг ҳар хил фаолиятларни ташкил этиш, жараёнида буюмлар ва бошқа нарсаларини фарқли ва ўхшаш белгиларини англашга, буюмлар ва уларнинг сифат ва ҳоссалари ўртасидаги боғланишларни тушунишга ўргатилади.

Дактил ва оғзаки нутқни шакллантириш учун болаларнинг кўриш идроки, диққат эътибори ва таклидчилигининг махсус ривожлантириб бориш зарур. Оғзаки нутқни ривожлантириш, ёзувли жадвалчалардан фойдаланишга ўргатиш мақсадида болаларни ёзма нутқини идрок этиш ва, ўқишга ўргатиш, дактил нутқни ривожлантириш учун эса дактилемаларни фарқлаш, мустақил дактиллаш, қабул қилаётган нутқдаги сўзларини дактиллашга одадлантириш керак.

Оғзаки нутқни ривожлантириш учун болаларда тўғри нафас ва овозни ривожлантириш, нутқ аъзолари артикуляциясини шакллантириш, педагог кетидан ва у билан бирга сўзларни талаффуз этишга, товушлар талаффузини фарқлашга ўргатиш керак. Тайёрлов машқлар нафақат дастлабки босқичда, балки бутун мактабгача даврда йилдан йилга мураккаблашган ҳолда бажарилади.

Таклид қилиш ҳам таълим бериш ҳам билимларни ўзлаштириш воситасидир. Диққат каби, таклид қилиш ихтиёрий ва ихтиёрсиз кўринишда бўлади. Айнан катталарга таклид қилиш асосида қар болалар маданий ҳулқ меъерларини, билим ва малакаларни ўзлаштирадидлар. Онгли равишда таклид қилиш учун диққат-эътибор керак, таклид машқлари ўз навбатда диққатни ривожлантиради. Катталар билан биргаликда ҳаракатларни бажариб болалар уларга таклид қилишга ўрганадилар.

Дастлаб болаларга қўлни кўтариш, тушуриш, белни орқасига беркитиш, чапак чалиш ҳаракатларини такрорлашга ўргатилади. Болалар кир ювиш, сочни тараш, артиш, супуриш, чўмилиш ва бошқа кундалик маиший ҳаракатларга иштиёқ билан таклид қиладилар.

Барча ҳаракатлар онгли равишда, эмоционал бажарилиши керак. Машқларда турли уйинчоқлар, шарлар, байроқчалар, шиқилдоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Педагог ўйинчоқларни кўтаради, тушуради, беркитади, шақиллатади, қўлдан қўлга олади, болалар эса ҳар бир ҳаракатга таклид қилади. ҳаракатлар ўргатилгандан сўнг майда, мураккаброк ҳаракатларни ўргатишга ўтилади, дактил алифбонинг элементларини, ўхшаш ҳарфлар, дактилемаларни танлаш, артикуляцияга таклид қилишга ўргатилади. Катталар ҳаракатларига яхши таклид қиладиган болалар рағбатлантирилади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар тарбиясини уйда ташкил қилиш

*М.У.Ҳамидова,
Низомий номли ТДПУ
катта ўқитувчиси*

Ўсиб келаётган ёш авлод орасида эшитишида камчиликларга эга фарзандларимиз ҳам бор. Улар ҳам жамиятимизнинг тўлақонли аъзоларидир. Эшитишида нуқсони бўлган болалар ижтимоий ҳаётда соғлом кишилар орасида уйғун ҳолда яшаши, меҳнат қилиши, давлат қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олишлари, соғлом тенгдошларидан кам бўлмасликлари учун ўз она тилида мулоқот қила олишлари лозим.

Оила шароитида боланинг камол топиши учун зарур бўлган нутқи ривожланиб боради. Мактабгача ёшидаги боланинг асосий фаолияти ўйин бўлаганлиги сабабли, уларга таълим бериш жараёни мураккаб ҳисобланади. Оилада таълим самарали ташкил этилиши учун бир қанча махсус шарт-шароитлар яратилиши талаб этилади.

Эшитиш қобилиятини йўқотган болаларни махсус тарбиялаш билан ўз вақтида шуғулланган кўплаб ота-оналар фарзандини соқов бўлиб қолишдан асраб, улар учун ўқиш ва меҳнат сари йўл очиб бера олдилар. Айниқса эшитиш қобилиятини йўқотмасдан олдин гапирган ё гапира бошлаган болалар билан мунтазам шуғулланиш йўли билан кўп нарсага эришиш мумкин.

Қар болани оилада тарбиялаш сиздан сабр-тоқат, доимий сабъ-ҳаракатни талаб қилади. Баъзида меҳнатларингиз беҳуда бўлиб кўриниши мумкин. Омадсизлик лаҳзаларида кўнглингизни чўқтирманг. Фарзандингиз учун кўп нарсага қодир эканингизга, у ҳам маълумот олиши ва ҳаётда ўз ўрнини топа билишига ишонинг.

Қар болаларни тарбиялаш учун мамлакатимизда қатор махсус муассасалар фаолият юритади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар тарбиясини уйда ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун:

- 1) бола яхши жасмоний ривожланиши ва тетик бўлиши;
- 2) тафаккур ва нутқ, диққат ва хотирасини ривожлантириш;
- 3) болада атрофдагилар билан мулоқот эҳтиёжини тарбиялаш;
- 4) ирода, ҳақиқатгўйлик, мардлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялаш;
- 5) болага элементар гигиеник-маданий кўникмаларни сингдириш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш зарур.

Энг аввало, эшитишида нуқсони бўлган болаларни маиший турмушини ташкил қилиш лозим. Унинг ёшига мос келадиган тартиб ўрнатиш керак. Эшитишида нуқсони бўлган болалар ўз вақтида (болалар поликлиникаси шифокори кўрсатмасига мувофиқ) ухлаши, овқатланиши, ўйнашига, тоза ода имкон қадар кўп бўлишини назорат қилинг.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни орасталикка – овқатдан олдин, ўйнагандан кейин кўллари ювишга, ўз сочиғи, ўз рўмолчасини билишга, улардан фойдаланишга, овқат пайтида озода бўлишга ва шу кабиларни ўргатинг.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар ҳаракатларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратинг. Бу айниқса менингитдан кейин эшитиш қобилятини йўқотган болалар учун керак, чунки бошидан кечирган касаллиги туфайли уларнинг юриши кескин ўзгаради: бола осонлик билан мувозанатни йўқотади, оёғида бақувват тура олмайди. Эшитишида нуқсони бўлган болаларни тирмашишга, сакраш, югуриш, полда чизилган чизик, доира, квадрат бўйлаб юришга, тўпни улоқтириш, марш юришга ўргатинг. марш юришни кўллارнинг ёнга, баландга, олдинга ва шу каби ҳаракатлари билан бирлаштиринг. Энг содда ҳаракатлар билан одатий жисмоний бадантарбияни ҳам бажариш керак. Ҳамма ҳаракатларни бола сизнинг нутқий сигналингизга кўра бажариши лозим. Бу сигналларни бола лабларингиз ҳаракатидан тушунишга аста-секин ўрганиб боради.

Бу каби машғулотлар болага тўғри юришни тиклаш, ҳаракатларни мустақамлаш ва ташкил қилишга ёрдам беради.

Касалликлар, жумладан юқумли касалликларнинг олдини олиш (профилактикалаш) учун махсус машқлар олиб бориш керак. Бу мақсадда эшитишида нуқсони бўлган болани мунтазам равишда шифокорга кўрсатиш ва унинг тавсияларини бажариш лозим. Унутманг, эшитишида нуқсони бўлган боланинг тўлақонли жисмоний ҳолати унинг ақлий ривожланишига кўмаклашади ва унинг хулқи, характериға ижобий таъсир кўрсатади. Махсус адабиётларда келтирилган тавсияларни онгли тарзда бажариб, оилада бола тарбиясини тўғри ташкил қилиб, эшитишида нуқсони бўлган болани мактабга қабул қилингунига қадар унинг ақлий ва нутқий ривожланиши учун кўп нарса қилиш мумкин.

Эшитишида нуқсони бўлган бола уйқудан уйғоқ вақтида исталган пайтда унга мурожаат қилиб, имо-ишоралардан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг – бола билан гаплашинг, худди шу ёшдаги нормал эшитадиган болалар билан гаплашгандек гаплашинг, фақат баландроқ овозда гаплашинг, аниқ, болангизнинг юзига қараб гапиринг, токи у ўзига қаратилган нутқни кўрсин, токи аста-секин юз ифодангизга, лабларингиз ҳаракатиға эътиборини қаратсин. Сўзларни бўғинларга бўлманг, табиий ритмни сақлаган ҳолда яхлит фразалар билан гапиринг, бола кейинчалик сизга тўғри тадқид қила олсин.

Болада қолдиқли эшитиш бўлса, баланд натқ унинг эшитиш идроки ривожланишиға кўмаклашиши учун ҳам баланд овозда гапириш керак.

Кичик болалар осон ва жон-дили билан тақлид қилади. Эшитадиган болалар атрофдагиларнинг нутқини эшитиб идрок қилгани ҳолда унга тақлид қилади, қар болалар эса уни кўриб идрок қилади, ўзи билан гаплашганларнинг лаб ват тил ҳаракатларига тақлид қилади. ҳар икала тоифадаги болалар ҳам аввалиға нутқни тушунишға, кейин эса ундан фойдаланишға ўрганади. Агар болангиз билан доим юзма-юз туриб

гаплашсангиз, кундалик мулоқот сўзларини ҳар куни бир неча мартадан қайтарсангиз, боланинг кечинмалари ва қизиқишларига боғлиқ саволлар берсангиз, у нутқни лаб ҳаракатларидан тушунишга аста-секин ўрганади, кейин бу ҳаракатларни қайта яратишни, яъни гапиришни бошлайди. Албатта, қар боланинг гапириши» аввалига тушунарсиз бўлади, у фақат боланинг яқинлари учун тушунарли бўлиши мумкин. Бироқ вақт ўтиб, махсус педагогик таъсир остида бу ўқидиран тобора тушунарли сўзга айлана боради.

Эшитишида нуқсонли бўлган болада гапираётган кишининг юзига қараш одати имкон қадар эртароқ шаклланиши муҳим, токи болада атрофдагилар нутқини қайта яратиш истаги пайдо бўлсин.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришда оиланинг ўрни

*Д.Собирова
МТМХҚТ ва УМОРЎММ
Г.Парниева
Сирдарё ВХТБ*

Ҳар бир оилада дунёга келадиган бола ота-она учун катта бахт бўлиб, у кувонч, шодлик манбаидир. Ота- оналар ўз фарзандларига насилларининг давомчиси сифатида қарашади. Аммо, баъзи оилаларда ачинарли ҳоллар ҳам учраб туради. Орзиқиб кутилган гўдак турли-туман ички ва ташқи сабабларга кўра баъзан ногирон бўлиб дунёга келади. Хозирги кунда болалар орасида учраб турадиган ва оғир оқибатларга олиб келувчи касаллик болаларнинг _церебрал фалажлигидир. Бу марказий асаб тизимининг, оғир касаллиги бўлиб, бунда айниқса, бош мия ҳаракатининг бошқарув бўлимлари шикастланади. Бу эса бола нутқининг ривожланишига катта таъсир кўрсатиб, оғир нутқ нуқсонларини келиб чиқишига сабаб бўлади. Касаллик аниқланганидан бошлаб бола нутқининг ривожланишини кузатиб бориш зарур. Пайдо бўлган нутқ нуқсонини кузатиб, -тўғрилаб бориш ишлари қанчалик эрта бшланса, шунчалик тез ўз самарасини беради.

Оилангизда фалаж хасталиги билан туғилган ногирон бола учун муолажа ва педагогик омиллари эртароқ бошлаганингиз маъқул. Шунда фарзандингизни (гарчи у буткул оёкка туриб кетмаса ҳам) ўз-ўзига хизмат қилишига, ижтимоий ҳаётга мослашишига катта ёрдам берган бўласиз. Бу ишни қай -тарзда амалга ошириш мумкин? Аввало, ёш мутахассислар — невропатолог, психиатр, физиотерапевт, логопед, педагоглар маслаҳати асосида ташкил этилиши лозим. Айниқса, ота-оналарнинг мутахассис шифокор ва педагоглар билан ҳамкорликда иш юритиши ҳамда машқларни комплекс равишда олиб борилиши яхши натижалар беради. Ана шундагина боланинг ҳаракат фаолияти тикланади, фаоллашади. Муттасил ҳаракат давомида бола ўз ногиронлигини эсидан чиқариб, руҳий кўтаринкилик ҳолатида бўлади. Ҳамкорликда даволаш омиллари бошлашдан олдин мутахассислар ногирон боланинг умумий ҳолати, жисмоний-руҳий

ривожланиши даражасини аниқлашлари муҳим аҳамиятга эга. Шундан сўнг «ОТА-ОНА -- МУТАХАССИС — БОЛА» ҳамкорлигидаги узлуксиз ҳалка асосида болани даволаш, реабилитация қилиш, ундаги ҳаётӣ қувватни тиклаш ва тарбиялашнинг бир мунча осон кечишига ёрдам беради. Ота-она мутахассис кўмагида бола учун зарур мосламаларни ясаши, улардан уй шароитида фойдаланишга имкон яратишлари керак. Масалан: бола ҳамиша бир жойда ҳаракатсиз ўтиравермаслиги учун унга самокат шаклидаги икки ёки уч ғилдиракли ускуна ясаб бериш фойдалидир. Бунда бола туғри туриб ҳаракат қилишга ўрганади. Шунингдек, у ошхона ё хожатхонага боришда қийналмаслиги учун махсус тутқич мосламалар ҳам бўлиши шарт.

Бир ёшгача бўлган болалар муолажасига қуйидагиларни тавсия қиламиз:

► нутк аъзоларининг ҳолатларини нуқтали массаж ҳамда артикуляцион машқ ёрдамида ўз меъёрига келтириш мумкин. Масалан: тил илдизини бўшаштириш учун пастки жағ остидаги чуқурчани 15 сония мобайнида кўрсаткич бармоқ билан босиш ва силаш;

► қуриш ва эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун рангли ва жарангдор ўйинчоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Болани ўзига қулай бўлган ҳолатда ўтказиб олдига рангли, жарангдор ўйинчоқ қўйиб, уни охиста ва тез узоклаштириш, яна яқинлаштириш керак. Бола дастлаб катта одамга, кейин ўйинчоқларга қарайди. Машқлар ҳар куни икки-уч мартта 2 дақиқадан ўтказилади;

► ҳис-туйғуларни ривожлантириш, яъни табассум билан турли охангларда ширин сўзларга ва товушли ўйинчоқларга эътиборини жалб этиш;

► муштланган панжаларни ёзиш учун қўлнинг устки қисми юмшоқ; чўтка билан силанади. Қўллари билан ўйинчоқ ва буюмларни ушлашга ўргатилади.

Бу машқлар ҳар куни 10-15 дақиқа ўтказилади. Машғулотлар махсус жихозланган, ёруғ, илиқ ва тинч хоналарда олиб борилади. Бунинг учун болани қизиқтирувчи турли ҳил ўйинчоқлар, расмлар, турли ҳил мосламалар бўлиши зарур.

Бу усулларнинг афзаллик жиҳати шундаки, ногирон бола доимо яхши кайфиятда бўлади ва ҳар дақиқада оиладагиларнинг меҳрини, эътиборини ҳис этиб туради.

Муҳими, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг жўшкин ҳаётга қайтиши учун кунт ва чидам билан эринмасдан ҳаракат қилмоғи лозим.

Эшитишда нуқсони бўлган болани оиладаги тарбиялаш масалалари

*М.Р.Пўлатхўжаева
Меҳр-шавкат тиббиёт
коллежи уқитувчиси*

Гўдакнинг эшитиши пасайганига шубҳа уйғонса, врач — сурдологга муурожаат этиш зарур.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларни оилада тарбиялаш ижтимоий тарбиялашдан анча олдин юзага келган. Кар болаларни оилада индивидуал ўқитиш тажрибаси ўрта асрларда маълум бўлган. Ота-оналарнинг кар болаларни оилада тарбиялаш ва ўқитишга интилиши уларнинг боладаги ақлий қобилиятларни ривожлантириш, уни эшитадиган тенгдошлари учун қулай бўлганнинг ҳаммасига ошно этишга интилиши билан белгиланган. Ота — оналар ривожлантириш ва ўқитиш учун кўпроқ сенситив бўлган илк ва мактабгача болалик даврларини бой бермаслика интилганлар. Улар шу даврда кўплаб кўникмалар шаклланиши, характер асоси шаклланишини билганлар.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг ота-оналарига коррекция ишларини эрта бошлашнинг аҳамиятини тушунтириш зарур. Эрта коррекциясиз кар ва заиф эшитувчи болалар икки-уч ёшгача гапирмай қолишини таъкидлаш жоиз. Уларнинг умумий ривожланиши ҳам атрофдагилар билан мулоқотнинг йўқлиги, атроф оламдаги товушларни идрок этиш имкони бузилиши сабабли оқсабини тушунтириш керак. Заиф эшитувчи бола билан эрта бошланган коррекция ишларининг самарадорлигини ва натижалилигини тасдиқлайдиган мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ. Ота-оналарни гўдаклик ва илк болалик ёшидаги умумий ва нутқий ривожланиш қонуниятлар билан таништириш, эшитадиган ҳам эшитмайдиган боланинг ривожланиши учун ҳаётининг биринчи - иккинчи йили катта ҳамият касб этишини, зеро бу даврда предметлар оламини билишни, нутқни тушунишни, унинг ритмик-интонацион ва товуш томонининг шаклланишини рағбатлайдиган мулоқотнинг муҳим шакллари тикланишини тушунтириш лозим. Бу компонентларнинг шаклланиши уч ёшдан кейин жуда қийин ва узок муддатларда кечишини уқтириш лозим бўлади.

Хўш, ишни эрта бошлаш деганда нимани тушуниш керак? Сурдопедагогика фанида буни *шифокор боланинг эшитиши пасайганлигини аниқлаган вазиятдан бошлаб махсус ёрдамни ташкил этиш* сифатида тушунилади. Айрим ҳолларда ота-оналар ёки шифокорлар эшитишнинг пасайганлигини бола ҳаётининг биринчи йилидаёқ аниқлайди. Бироқ амалиёт кўрсатадики, кўп ҳолларда эшитишнинг огир даражада бузилганлиги бола ҳаётининг биринчи йилидан кейин аникланади. Умумривожлантирувчи ва коррекция ишлари қанчалик эрта бошланса, унинг натижалари шунча яхши бўлади.

Эшитишида нуқсони бўлган боланинг илк ёшдаги ривожланишининг асосий шarti *эшитишни протезлаш* саналади. Ота-оналарга тўғри танланган эшитиш аппаратларининг афзалликларини тушунтириш зарур: атроф оламдаги товушларни идрок этиш имконияти предмет ва ҳодисаларнинг хоссаларини билиш; бола хулқини бошқариш учун жуда зарур. Эрта протезлаш нутқни кўриб-эшитиб идрок қилишнинг ривожланиши учун (бунинг самарадорлиги кўриб идрок этишга

қараганда анча юқори); эшитиш идроки, ўз нутқини назорат қилиш учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бола билан оилада нутқий мулоқотнинг зарурати алоҳида уқтирилади. Ривожланишнинг илк босқисларида, яъни гўдаклик ва илк болалик давридаги мулоқот боланинг ривожланишида ҳал қилувчи омил саналади. Зеро у предметли, кейинчалик ўйин фаолиятини шакллантириш воситаси, ҳаракат турларини эгаллаш учун рағбат, нутқни тушуниш ва ундан фойдаланишнинг ривожланиш шартидир. Ота-оналарнинг эшитадиган бола билан мулоқоти - спонтан жараён бўлиб, асосан болани парваришлаш ва ўйин билан боғлиқ. Эшитадиган ота-оналарга эшитмайдиган бола билан мулоқот қилиш осон эмас. Кўпинча уларнинг нутқий хулқи нотабий бўлиб, улар нутқни соддалаштиради, нотабий ишорлардан фойдаланади, баъзан, аксинча жим қолади.

Гўдак ва илк болалик ёшидаги бола билан машғулотлар ҳаракатларни, предмет ва ўйинчоқлар билан ҳаракатларни, идрокни (кўриб, тактил-ҳаракат), вибрация сезгирлигини ривожлантиришга оид машқларни, атрофдаги предмет ва ҳодисалар билан таништириш, расм чизиш, ёпиштириш, конструкторциялашни албатта ўўз ичига олиши керак. Албатта, бу фаолиятларнинг айримлари, масалан чизиш, ёпиштириш ва конструкциялаш бола ҳаётининг учинчи йилидагина пайдо бўлади. Бола ҳаётининг биринчи йилиданок эшитишида нуксони бўлган болани мусиқий тарбиялаш бўйича мақсадли ва мунтазам иш олиб бориш ҳам мақсадгша мувофиқ. Болани умумий ривожлантириш бўйича ишлар, бир томондан, боланинг билиши ривожланишини рағбатлайди, фаолият турлари ривожланишига кўмаклашади, бу мулоқотнинг ривожланиши ва нутқий ривожланиш омиллари шаклланиши учун муҳим. Иккинчи

томондан, бу ишларни амалга ошириш жараёнида катта ҳажмдаги нутқий материалдан фойдаланиладики, буни бола аста-секинлик билан ўзлаштира боради.

Гўдак бола билан нутқни ривожлантириш ишлари катта одамнинг юзига, нутқига, предметларига кўриш ва эшитиш эътиборини жамлашга, мулоқот эътиёжини шакллантиришга, катталарнинг предметли ва нутқий ҳаракатларига тақлид қилишнинг ривожлантириш, болада овоз реакциялари, гўлдирашни пайдо қилиш; айрим гўлдираш ва тўлиқ сўзлар маъносини тушунишга қратилган бўлади. Бу узок муддатли ва системали иш бўлиб, бола билан кун давомида мулоқот жараёнида ва машғулотлар пайтида амалга оширилади.

Эшитишида нуксони бўлган болалар нутқини ривожлантириш ишлари бола ҳаётининг биринчи йилида бошланган бўлса, иккинчи ва учинчи йилларида юқорироқ суръатларга эга бўлади. Предметли фаолият ёки ўйин жараёнида бола билан тўғри ташкил этилган мулоқот катта одамнинг нутқини тушуниш ва боланинг ўз нутқи шаклланиши учун стимул (рағбат) саналади. Бу давр ҳоҳ эшитадиган, ҳоҳ эшитмайдиган боланинг нутқи ривожланиши учун сензитив саналади. Гарчи қар болаларда бу босқичда фаол нутқ кўринишидаги натижалар кўзга ташланмаса-да, ота-

оналар бундан ранжисада, бу давр эшитмайдиган бола нутқи ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Турли предмет ва ҳодисалар билан танишиш муносабати билан болада уларнинг номлари, улар билан ҳаракатлар луғати шаклланади. Структурасига кўра содда жумлаларни доимий қўллаш уларнинг айримлари тушунилишини осонлаштиради. Болани феълларнинг, аввало, буйруқ майлидаги (ол, бер, кий, е, югур ва б.) феълларнинг маъноларини тушунишга ўргатиш жуда муҳим. Бу жумлаларни тушуниш ва қўллаш учун зарур. Машғулотларда предмет ва ўйинчоқлар билан ўйнаш, бола учун тушунарли расмларни кўриш, кичик ҳикояларни айтиб бериш ва саҳналаштириш жараёнида сўз ва жумлалар сони ортиб боради.

Системали коррекция ва ривожлантириш ишлари олиб борилгани тақдирда бола ҳаётининг иккинчи йилида эшитишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясида нутқнинг оғзаки ҳам ёзма шаклларида фойдаланиш бошланади. У оғзаки нутқни янада аниқ мустаҳкамлаш, эртароқ ўқишга ўргатиш, учун зарур. Бу эшитишида нуқсони бўлган болага ўз нутқ заҳирасини сўз ва жумлаларнинг катта микдори билан бойитишда кўмаклашади. Ўқишга ўргатишга киришишдан олдин оналар сурдопедагогдан батафсил маслаҳат олиши керак. Глобал ўқишни ўрганиш суръатлари боланинг ёши, сенсор ривожланиши даражаси, эшитишининг ҳолати, индивидуал хусусиятларига боғлиқ..

Нутқни шакллантириш кўп қиррали жараён саналади. Унинг турли шакллари, аввало мулоқот асосини ташкил этадиган оғзаки нутқни ривожлантириш зарур. Кар ва заиф эшитувчи болаларда талаффуз кўникмаларини шакллантириш аввало катта одамга тақлид шаклида, эшитиш аппаратларидан фойдаланилгани ҳолда амалга оширилади. Гўдакнинг овоз реакцияларини фаоллаштириш бу реакцияларни қўллаб-қувватлаш ва янги товушлар ҳосил қилишга қаратилган машқларни ўтказиш жараёнида амалга оширилади. Бу машқлар мулоқот жараёнида, катта одам бола билан турли товуш ва товуш бирикмаларидан фойдаланиб, уларни гимнастика элементлари билан бирга қўллаб "гаплашганида" амалга оширилади. Бир ярим г икки ёшли боланинг оғзаки нутқи устида ишлашнинг муҳим вазифаси болада оғзаки нутқ эҳтиёжини шакллантириш саналади. Шу сабабли ўйин ва маиший ҳаракатлар пайтида катта ёшли одам предмет, ҳодиса, ўйинчоқ, ҳаракатлар номини атайди, бола?ш уларни уддалагани даражада уларнинг номини тақлидан айтишга (аташга) ундайди. Энг муҳими - боланинг катта одамга эргашиб товуш, бўғин, сўзларни талаффуз қилишга уриниши. Нутққа тақлид ҳаракатларга тақлид билан узвий боғлиқ. Шу сабабли гавда ҳаракатларига тақлидга ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Катталарга бу каби тақлидни ўзлаштиргани сари бола ҳаракатларни товушлар, бўғинлар, сўзларни гўлдираб талаффуз қилиш билан тўлдириб боради. Шу даврдан фонетик ритмка машғулотлари бошланади. Фонетик ритмка - мактабгача ёш олдидан ва мактабгача ёшдаги болалар билан уларнинг талаффузи устида олиб бориладиган ишларнинг асосий усулларидан бири.

Фонетик ритмикани олиб боришда товуш, бўғин, сўз, жумлаларни талаффуз қилиш маълум ҳаракатлар билан бирга бажарилади.

Эшитиб идрок этишни ривожлантириш боланинг билиш фаолияти, нутқ ва талаффузни идрок этиш механизмлари шаклланиши учун катта аҳамиятга эга. Қолдиқли эшитишни ривожлантириш бўйича ишларни эрта бошлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади, шу сабабли эшитиш функциясини ривожлантириш бола ҳаётининг биринчи йилларида тобора сензитив даврда амалга оширилади, бунда эшитиш анализатори физиологик жиҳатдан етилади, бу педагогик ишсамарадорлигини таъминлайди. Дастлабки ойлар давомида болада катта одамнинг товуши, овозли ўйинчоқларга комплекс кўриш-эшитиш эътиборини жамлаш шакллантирилади. Эшитиш аппаратларидан эрта фойдаланиш боланинг эшитиш қобилиятини ривожлантиришнинг энг муҳим шарти саналади. Улардан фойдаланар экан, бола айрим баланд маиший товушларни, айниқса катта одам уларга эътиборни қаратганида идрок эта олади. Аппаратни тақиб юриш катталарнинг у билан мулоқоти чоғида ғўлдираш, шивирлашни яхшилади. Кичкинтойлар билан махсус машқлар ҳам бажарилади, улар ўйинчоқларнинг овозига, ўз исмига реакция қилиш, овоз йўналишини аниқлаш (овоз томонга бошини қаратиш), ўйинчоқлар номини ифодаладиган товуш ва товушга тақлидларни эшитишга қаратилади.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида янада системали иш бошланади. Уни таниш предметлар номини билдирадиган ғўлдираш ва тўлиқ сўзларни фарқлашга ўргатишади. Кичкинтойни эшитиш аппарати билан ва усиз эшитишга ўргатишади. Сўзлар тадлаффуз қилинадиган масофани астафсекин орттириб бориш керак. Эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича ишлар нутқнинг талаффуз томони билан боғлиқ: кичкинтойни эшитган сўзларини такрорлашга ўргатишади. Эшитишга тақдим этиладиган сўз ва жумлалар сони ортади. Параллел равишда болаларни мусикали ўйинчоқлар билан таништирилади, уларнинг товушини фарқлашга ўргатишади.

Эшитиш идрокини ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар билан бир пайтда болаларни реакция қилиш ва турли маиший шовқинлар, табиий товушлар, транспорт сигналларини тушунишга ўргатишади. Аудиоёзувларни эшитиш ҳам эшитиш идрокининг ривожланишига кўмаклашади. Катта ёшли киши бола билан бирга мусика тактига мос ҳаракат қилади, боланинг ўзини рақс ҳаракатларини бажаришга ундайди.

ЁШ ДАВРИ

Мактабгача ёшдаги болалар билан илк ёшда бошланган ишлар давом эттирилади. Ота-оналар боланинг ривожланишидаги ютуқларини тўғри баҳолашлари лозим. Уларга ортиқча баҳо бериш педагогик бўш қўйилганлик, тенгдошларидан ортада қолиш кўринишидаги салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Ота-оналарнинг бола тарбияси ва таълими бўйича фаолияти самараси кам бўлса, махсус мактабгача муассасада тарбиялашни бошлаш керак. Агар имкони бўлса, уйда тарбия

олаётган болалар ота-оналар ҳузурида сурдопедагог машғулот ўтказадиган, уйда шуғулланиш юзасидан маслаҳат берадиган қисқа муддатли гуруҳларга ташриф буюриши керак.

Ота-оналар қар ё заиф эшитувчи бола тарбияланаётган оилалар билан алоқа қилиб туриши керак. Улар эшитишида нуқсони бўлган болаларга уйшароитида таълим ва тарбия бериш бўйича адабиётларни мунтазам ўқиб туришлари керак.

Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ишлар ташкил этилиши ва мазмунига талаблар кичик ёшдаги болалар билан олиб борилган ишларникидан фарқ қилмаса-да, унинг мазмуни кенгайиб, турли йўналишлар бўйича чуқурлаштирилади.

Мактабгача ёшдаги болалар билан оилада ишларнинг ташкил қилиниши. Уларни тарбиялаш ва таълим бериш кун: режим моментлар жараёнида (гигиеник

процедуралар, овқатланиш, сайр), ўйин, бўш вақт давомида амалга оширилади. Машғулотлар турли ишлардан ташкил топиб, уларни ўзаро алмаштириш болаларнинг толиқишининг олдини олади.

Кунига икки - учта машғулот ўтказилади, уларнинг давомийлиги 20-30 дақиқани ташкил этади. Худди кичик ёшдаги болаларда бўлгани каби оиланинг барча аъзолари бола билан нутқий мулоқот қилишини кўзда тутадиган нутқий-эшитиш муҳитини ташкил этиш мажбурий шарт саналади. Эшитиш аппаратларидан фойдаланиш бола билан амалга ошириладиган ишлар муваффақиятининг яна бир омилidir.

Оилада жисмоний тарбия болани ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралади. Асосий ҳаракатларга ўргатиш, предметлар билан ва уларсиз умумривожлантирувчи машқларни бажариш, маконда ориентирланиш ва ҳаракатлар координациясини ривожлантириш, тик қоматни шакллантириш - оилада жисмоний тарбия ишларининг мазмунини ташкил этади. Бу ишларни машқ ва ўйинларни уйғунлаштирган ҳолда муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Оилада меҳнат тарбияси гигиеник кўникмаларни тарбиялаш ва маиший меҳнат, катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларни бойитиш, боланинг уй ҳайвонлари ва ҳсимликларини парваришлаши, қўл меҳнати кабиларни ўз ичига олади.

Атроф олам билан таништириш болани ўраб турган предметлар, жонли табиат ҳодисалари (гуллар, ўсимликлар, ҳайвонлар) уларнинг хоссалари, вазифалари ҳақида, вақтга оид тасаввурларни шакллантириш имконини беради. Кишилар фаолиятини кузатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Атроф олам билан таништириш нутқни шакллантириш: сўз маъноларини ўзлаштириш, шу сўзлар қатнашган жумлаларни тушуниш, саволлар, уларга жавоб ва ундашлардан мустақил фойдаланиш, катталар ва болалар билан мулоқот чоғида хабарларнинг асоси саналади. Шу сабабли ишнинг бу йўналишига катта эътибор қаратилади. Боланинг билиш ривожланиши шунингдек кўриш идрокининг ривожланиши (кўриш

диққати, эслаб қолиш, предметнинг яхлит образини шакллантириш, ранг, шакл, катталиқ, мқон муносабатларини идрок этишни ривожлантириш), кўришғамалий, кўришгобразли, мантиқий тафаккур элементларини ривожлантириш билан боғлиқ.

Элементар математик тасаввурларни шакллантириш болалар боғчадаги каби йигирмагача санашни билиши, тўғри ва тесқари санашни ўзлаштириши, гуруҳлаб санашни, ўннинг ичида масалаларни ечишни билиши керак. Боланинг математик билимлари турли маиший вазиятларда қўлланилади.

Ўйин фаолияти сюжетли-ролли ўйинларни ривожлантиришга қаратилади. Болаларни ўйинда тассуротларини ифодалаш, одамлар ва катталар ўртасидаги муносабатларни акс эттиришга ўргатиш, тасаввур қиладиган вазиятлардан фойдаланиш керак.

Тасвирий фаолиятни ривожлантириш расм чизиш, ёпиштириш, аппликацияга ўргатишни давом эттириш билан боғлиқ.

Бола фаолиятининг барча йўналишлари ривожлантирувчи характерда бўлиб, нутқни шакллантириш учун замин ҳозирлайди.

Кар ва заиф эшитувчи болаларни нутқий ривожлантириш ишлари махсус машғулотларни ташқил этишни кўзда тутадик, уларда болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқи ривожлантирилади.

Талаффузга ўргатиш кўриш-эшитиш идрокини ривожлантириш асосига қурилади. Фонетик ритмикадан системали равишда фойдаланилади. Қун давомида икки марта 5-10 дақиқалиқ фонетик ритмика машғулотини ўтказиш тавсия қилинади. Уларда товушларни чиқариш, бўғинр, асосийси сўз ва жумла таркибида талаффуз қилишга қаратилган ишлар амалга оширилади. Нутқий нафас олишни ривожлантириш, нутқнинг яхлитлиги, ритми, интонацияга қаратилган машқлар бажарилади.

Ўқишга ўргатиш мактабгача ёшда катта аҳамият касб этади. Бўғинлб ўқиш методикасидан фойдаланилади, у қирқма алифбо билан ишлаш, боланинг босма ҳарфлар билан ёзуви ҳисобига тўлдирилади (Э.И.Леонгард, Е.Г.Самсонова, 1991). Ўқишни шакллантириш учун дастлаб фаолоият турлари жараёнида босма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар, жумлалар акс эттирилган табличкалардан фойдаланилади. Бола уларни дастлаб яхлит, кейинроқ бўғинлаб идрок эта бошлайди. Ўқиган жумла ва сўзларини тўғри тушунишини аниқлаш жуда муҳим. Бу мақсадда бола ўқиб бўлгач, предметни кўрсатади, ҳаракатни бажаради, тушунганини расмда, аппликацияда акс эттиради. Англаб ўқиш кўникмаларини шакллантириш учун бола ҳаётидаги ҳодисаларни акс эттирадиган қўлбола китобчаларни тайёрлаш ва ўқиш тавсии қилинади. Китобчадаги расмларни дастлаб катталар боланинг иштирокида, кейинроқ боланинг ўзи бажаради. Қўлбола китобчалар тайёрлаш ва ўқиш боланинг қўишга қизиқишини қўллаб-қувватлайди.

Диққат, тасаввурни ривожлантиришнинг муҳим воситаларилдан бири ҳикоя қилиш саналади. Бунда катта ёшли киши болага кичик ҳикояларни

айтиб беради, кўрғазмалиликни таъминлаш учун ўйинчоқлар, қатнашчиларни акс эттирадиган фигурачалар, расмлардан фойдаланилади. Болани катта одамнинг эмоцилонал ҳикоясини кузатишга ўргатилади. Айнан бир хил ҳикояларни қайта-қайта айтиб бериш боланинг ўзи дастлаб ҳикоя қисмларини, кейинроқ бутун ҳикояларни айтиб беришига олиб келади. Ҳикоя қилиш жараёнида катта мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорлик: ҳикоянинг давомини ўйлаб топиш, уларни мустақил тўқиш ривожланиши мумкин.

Сўз структурасини мустаҳкамлаш учун аввал сўзларни табличкалардан кўчириш ва ёд олиш, кейин сўз ва жумлаларни хотирадан ёзиш кабилдардан фойдаланилади. Ёзувга кизиқишни шакллантириш учун турли методик усуллардан фойдаланилади: расмлар остига ёзиш, хат-топшириқ, хат-илтимоснома, кўриш-эшитиш ва эшитишга оид диктантлар. Катта мактабгача ёшдаги болалар қилган ишлари, бошқаларнинг қилаётган ишлари юзасидан ҳисобот ёзишни, сюжетли расмни тавсифлаш, дам олиш кунлари ҳақида бир неча боғланишли гап ёзишни билиши керак. Боланинг ёзганлари ҳаммаси уларни тушунганлиги нуқтаи назаридан аниқлаштирилади, текширилади.

Бола нутқининг ривожланиши, талаффузни эгаллаш нутқий эшитиш, атроф оламдаги товушлар ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқ. Мактабгача ёш даврида нутқни эшитиб идрок этишни ривожлантириш босқичли тарзда давом эттирилади. Болаларни таниш овозни фарқлаш ва таниш нутқий материални (эшитиб) таниб олишга ўргатилади. Бу боталарда акустик образларнинг

узоқ муддатли эшитиш хотираси, нутқни идрок этиш жараёнида улар билан операциялашга кўмаклашади.

Параллел равишда янги сўз, сўз бирикмалари, жумлаларни фарқлаш бўйича ишлар олиб борилади. Болага нотаниш сўзлар эшитиш учун тақдим этилади, бу эшитиш идрокини ривожлантириш ишлари изчиллигига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Махсус машғулотлар, кундалик фаолиятда тўпланадиган эшитиш луғати бу материални тўлақонли ўзлаштиришнинг шарти бўлиб, турли типдаги сўз ва жумлаларнинг мазмун ва талаффуз томони шаклланишини таъминлайди. Эшитиб идрок этишнинг ривожлантириш талаффуз устида ишлаш билан узвий боғлиқ. Зеро таклиф этилган материални бола оғзаки тарзда қайта яратади ва акустик образларни аниқлаштириш жараёнида сўзнинг товуш-бўгин ва ритмик-интонацион характеристикасини фарқлаш ва аниқлаштириш амалга оширилади. Эшитиш идрокини ривожлантириш жараёнида бола нутқий материални идрок этиш масофаси орттириб борилади. Кар болаларни нормал баландликдаги, заиф эшитувчиларни эса, шивирлаб гапирилганни идрок этишга ўргатилади. Албатта, эшитиб идрок этишни ривожлантириш иш натижалари турли болаларда турлича бўлади. Бу эшитишнинг ҳолати, эшитишни машқ қилиш муддатларига боғлиқ.

Оилада нуткни шакллантириш, эшитиш идрокини ривожлантириш ишлари ота-она педагогик фаолиятининг барча бўғинларига киритилади ва бола ҳаётий фаолиятининг барча вазиятлари билан боғланиши мумкин.

Эшитишида нуқсони бўлган болани оилада тарбиялаш ва ўқитиш самарадорлигининг муҳим шарти сурдопедагоглар томонидан доимий ёрдам ва назорат саналади.